

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

ТОШМАТОВ ҚУВОНДИҚ ЧОРИЕВИЧ

**СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.**

Мутахассислик: 5А340601-“Давлат молиясини бошқариш”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: проф. Алимардонов М.

ТОШКЕНТ – 2013

ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кириш.

I. Боб. Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилишни ташкилий- ҳуқуқий асослари

- 1.1. Солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган тўловларнинг иқтисодий аҳамияти ва роли.
- 1.2. Солиқларнинг гуруҳланиши.
- 1.3. Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари.

II. Боб. Солиқ ислоҳотларини амалга ошириш буйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларининг таҳлили

- 2.1. Бюджет солиқ сиёсатининг амалдаги ҳолатининг таҳлили.
- 2.2. Солиқ ставкалари ва солиқларни унификациялашнинг иқтисодий ҳолати таҳлили.
- 2.3. Солиқ имтиёзларини амалдаги ҳолати таҳлили.

III. Боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари

Хулоса ва таклифлар.

Фойдаланилган адабиётлар ва интернет сайтлари.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистоннинг демократик давлат куриш йўлидан бораётган бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотларни амалга оширишда авваламбор солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, солиқларнинг турлари ва уларнинг амал қилиш механизimini соддалаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ тизимини ислох қилишнинг устувор йўналишларини самарадорлигини ошириш, шу жумладан, солиқ тизимини янада эркинлаштириш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

Бу борада Президентимиз И.А.Каримов куйидагиларни таъкидлаган эди: аввало мамлакатни модернизация қилиш ва демократик янгилаш, жамиятни эркинлаштириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни янада чуқурлаштириш заруратидан келиб чиққан ҳолда иш олиб борилиши таъкидланди ва биринчи устувор йўналиш сифатида «Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат»¹ деб эътироф этилди.

Дарҳақиқат, корхоналарнинг солиқ юки даражасини қонуний равишда камайтириш, оптимал солиқ юкини белгилаш ҳамда уни амалда ушлаб туришдан давлат ва солиқ тўловчилар бир хилда манфаатдордир. Чунки, оптимал солиқ юки корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини рағбатлантирса, давлат бюджети учун доимий даромад тушумини таъминлайди. Юқоридаги сабабларга кўра, солиқ тизимини ислох қилишда учраётган устувор йўналишларининг муаммоларни ҳал этиш бўйича

¹ Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. “Халқ сўзи” газетаси, 13 феврал 2007 йил. 2-5 бетлар.

фундаментал ва амалий масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Илмий ишнинг мақсади. Магистрлик диссертациясининг **асосий мақсади** ҳозирги вақтда Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари шунингдек солиқ ислоҳотларини амалга ошириш буйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларини таҳлил қилиш, мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бу камчиликларни тугатиш мақсадида илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун солиқ тизимини ислоҳ қилиш ва уни устувор йўналишлари магистрлик диссертациясининг олдига қуйидаги **вазифалар** қўйилди:

- Солиқ тизимида солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган тўловларнинг иқтисодий аҳамияти ва роли ҳамда солиқларнинг гуруҳланиши, ҳуқуқий асослари тўғрисида аниқ фикрга эга бўлиш;

- Бюджет солиқ сиёсатининг амалдаги ҳолатининг таҳлили;

- Солиқ ставкалари ва солиқларни унификациялашнинг иқтисодий ҳолати таҳлили;

- Солиқ имтиёзларини амалдаги ҳолати таҳлили;

- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари борасида тегишли таклифларни ишлаб чиқиш.

Илмий изланишнинг объекти. Диссертация ишини ёзишда ўрганиш объекти қилиб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг 1998-2010 солиқли тушумлари олинди. Бунда бюджет даромадларининг солиқли тушумларини самарали бошқариш буйича вужудга келган молиявий муносабатлар кўриб чиқилди, бундан ташқари солиқ тизимида даромадлар тақсимоли амалиётига, бюджет даромадларини самарадорлигини оширишга қаратилди.

Илмий ишнинг назарий ва методологик асослари. Ўзбекистон Республикаси ҳамда хорижий мамлакатлар иқтисодчиларининг давлат бюджети

даромадларини шакллантириш бўйича амалга оширган ишлари илмий ишнинг назарий ва методологик асосини ташкил этади. Бундан ташқари магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида биз Ўзбекистон Республикаси Президентининг илмий рисоалари, Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий Мажлиснинг қонунлари, Республика Молия вазирлиги йўриқномалари, норматив ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси ҳамда матбуот органлари орқали эълон қилинган статистик маълумотлардан фойдаланилди.

Илмий ишнинг янгилиги. Бугунги кунда давлат бюджети орқали қилинган солиқли даромадлар тартибини ўзаро таҳлил қилганимизда ушбу тизимдаги мавжуд бир неча камчиликларнинг аниқланганлиги ҳамда уларни бартараф этиш йўллариининг ёритилганлиги ва солиқ тизимини самарали бошқариш йўллариининг белгиланганлиги мазкур магистрлик диссертациясининг янгилигини белгилаб беради.

Магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти. Ишда келтирилган қатор хулоса ва тақлиф-тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Молия вазирлиги Солиқ тизимини самарали бошқариш юзасидан тегишли қарорлар ва буйруқлар тайёрлашда ҳисобга олиниши билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиларига "Давлат молиясини бошқариш" мавзусида маъруза ва амалий машғулотлар олиб боришда фойдаланилиши мумкин.

Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, олти параграфни ўз ичига олган уч бобдан, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар ва интернет сайтлари руйхатидан иборатдир.

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, илмий ишнинг мақсади, унинг вазифалари ҳамда унинг янгилиги акс эттирилган.

Илмий ишнинг "Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилишни ташкилий-ҳуқуқий асослари" номли I - бобида солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган тўловларнинг иқтисодий аҳамияти ва роли, солиқларнинг

гурухланиши, Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари киритилган.

Илмий ишнинг " Солиқ ислоҳотларини амалга ошириш буйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларининг таҳлили" деб номланган II- бобида бюджет-солиқ сиёсатининг амалдаги ҳолатининг таҳлили, солиқ ставкалари ва унификациялашнинг иқтисодий ҳолати, солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби таҳлил қилинган.

Илмий ишнинг "Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари" деб номланган III бобида таҳлил натижаларига асосланган ҳолда давлат бюджет даромадларини такомиллаштиришнинг замонавий масалалари, давлат бюджет даромадларини шакллантиришнинг ҳозирги замон муаммолари ва солиқ ставкаларини ва имтиёзларини оптималлаштириш масалалари ўз аксини топган.

Илмий ишнинг хулоса қисмида эса илмий ишни ёзиш жараёнида вужудга келган асосий хулосалар, таклифлар ва мулоҳазалар ўз ифодасини топган.

I. Боб. Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилишни ташкилий- ҳуқуқий асослари

1.1. Солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган тўловларнинг иқтисодий аҳамияти ва роли.

Солиқлар инсоният тарихида катта мунозараларга сабабчи бўлиб келмоқда, сабаби солиқлар давлатнинг молия инструментларидан ҳисобланади ва давлат билан жамият ўртасидаги муносабатларни таъминлайди.

Солиқлар муаммоси мамлақтимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар амалиётидаги энг мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади. Бугинги кунда жуда кескин танқидга учраётган, жуда қайноқ мунозараларга сабаб бўлаётган, ислоҳ қилиш бўйича таҳлил объекти ва қарама-қарши ғояларга эга бўлаётган солиқлардан бўлак ислохотларнинг бошқа бир йўналиши йўқ. Бошқа бир томондан эса солиқ тизими бозор муносабатларининг энг муҳим элементларидан бўлиб, мамлақатдаги иқтисодий ўзгаришларнинг муваффақияти кўп жихатдан унга боғлиқ. Президент И.А. Каримов томонидан, «аввало солиқ тизими ўзига хос вазифани-фискал, қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифасини тўла даражада бажариши керак»,² шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда яратилган солиқ тизимини кескин (тубдан) қайта ўзгартириш тўғрисидаги таклифларга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур. Бундай ҳолларда фақат бир дақиқалик самарани (қайтимни) ҳисобга олмасдан, балки бу таклифларнинг мамлақат иқтисодиёти ва молиясининг барча томонларига қай даражада таъсир этиши албатта инобатга олинмоғи лозим.³

Инсоният тарихида йирик давлат арбобларидан бири, ўрта асрларда буюк салтанат барпо қилган Амир Темур солиқларга катта эътибор қаратган. У давлатни идора қилиш тизимини юзага келтиришда асосан солиқларга

²Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 358-б.

³Т.С.Маликов, П.Т.Жалилов. Бюджет-солиқ сиёсати, - Т.: “Академнашр” 2011й. Б.154

таянган. Ўша даврнинг давлат молияси бу тизимнинг энг муҳим унсурларидан бири эканлиги, у давлатни бошқаришдаги барча жиҳатларига узвий боғланганлиги билан тубдан фарқ қилиб тургани ва айти шу хусусиятга кўра бошқарувнинг барча таркибий қисмлари орасида марказий ўринни эгаллаганлиги бугунги кунга келиб ҳаммага аён бўлмоқда. Аммо солиқ муносабатлари ҳақида қанча ривоятлар айтиб ўтилмаган бўлсин, унинг моҳияти аҳоли солиқ тўловига нисбатан фақат ўз моҳиятини хазинада топган. Хазина ҳар қандай тизимда ҳам давлатни бошқариш воситаси бўлиб хизмат қилган. Бундай восита нафақат давлатни бошқаришда, балки шунинг билан биргалликда аҳоли манфаатларини кондиринишда намоён бўлган. Натижада хазина тақсимооти тараққиёт таянчи бўлиб хизмат қилган.

Солиқлар қадимги даврлардан эътиборга олинган, аммо у вақтларда солиқлар озод ва эркин бўлмаган кишининг белгиси бўлиб хизмат қилган. Адам Смит (шотланд файласуфи ва иқтисодчиси, 1723-1790) ўзининг «Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиатлари» номли китобида (1776) илк бор солиқ тамойилларини асослаб берди, солиқларни аҳамиятини ёритиб, уларни давлатга тўлаш қуллик эмас, балки эркинлик аломати эканлигини асослаб берди.

Н.И.Тургенев ўзининг «Солиқ назарияси тажрибаси» номли китобида (1818йил) шуни таъкидлайдики, «Билимли бўлишнинг муваффақиятлари уларнинг халқлар урф-одатларига фойдали таъсири даражасига қараб солиқлар тизимининг такомиллашувига ҳам таъсир этган», «...солиқлар билимга эга бўлиш билан бирга пайдо бўлиб, унинг белгиси бўлиб қолди. Солиқларнинг тайинланиши, тақсимланиши ва йиғилиш усулига қараб халқ орасида тарқалган маълумотлар тўғрисида: йиғиладиган солиқлар миқдорига қараб унинг бойлиги ҳақида фикр юритиш мумкин, бу билимлилик ва маърифатни англатадиган иккита энг асосий хусусиятдир» бу сўзлардан яна бир бор амин бўлиш мумкинки, солиқлар қадимий молиявий институтлар ҳисобланиб, давлатнинг пайдо бўлиши билан юзага келган. Солиқлар давлат

органларини таъминлаш ва улар олдида тутган вазифаларни бажарилишини моддий таъминлашнинг манбаси сифатида хизмат қилган. Давлатнинг ривожланиши билан унинг вазифа ва функциялари янгича хусусиятларга эга бўлди. Лекин солиқларнинг давлатни ва унинг органларини молиялаштиришда манба сифатидаги роли ўзгармай қолди.

Шу ўринда солиқларга турли иқтисодчилар томонидан берилган таърифларни келтириб ўтиш ўринлидир. «Солиқлар, - деб ёзади Д.Рикардо, - ҳокимият ихтиёрига келиб тушадиган ер маҳсулоти ва мамлакат меҳнатининг бир қисмини ташкил этади ва охир-оқибатда улар капитал ҳисобидан ёки мамлакат даромади ҳисобидан тўланади».⁴ Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Д.Рикардо солиқлар моҳиятини ёритиб, ўз навбатида А.Смит томонидан яратилган солиқлар назариясини маълум даражада ривожлантирган.

Яна бир мақбул таъриф С.Г.Пепеляев томонидан берилган: «Солиқ - оммавий ҳокимият субъектларининг тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар мулкларини бегоналаштиришнинг мажбурийлик, яқка тарзда холисона, қайтармаслик, давлатнинг мажбурлаши билан таъминланганлик асосларида ва жазо ёки контрибуция характерида эга бўлмаган қонунда белгиланган ягона шаклидир».⁵

Ҳозирги пайтда иқтисодий адабиётларда солиқларни иқтисодий моҳиятини ўрганишга бағишланган қатор илмий ишлар чоп этилган Масалан, «Сиёсий иқтисод» изоҳли луғатида солиқлар «... корхона, ташкилот ва аҳолини, мамлакат молиявий ресурсларини ташкил этишдаги иштирокининг характерловчи мажбурий тўловлар тизими»⁶ деб изоҳланади.

Профессор Д.Г.Черникнинг фикрича «Солиқлар - давлат томонидан хўжалик субъектлари ва фуқаролардан қонуний тартибда ўрнатилган

⁴ Рикардо Д. Сочинения т. I. Начало политической экономики и налогового обложения. Пер. с англ - М.: «Госполитиздат», с.360.

⁵ Пепеляев С.Г. Основы налогового права. М.: 1995, 24-бет

⁶ Политическая экономия. Толковый словарь. М.: «Политиздат», 1990. С. 330.

ставкаларда ундириб олинадиган мажбурий йиғимларни ўзида акс эттиради».⁷

Профессор Б.Г.Болдырев бошчилигида ёзилган «Капитализм молияси» ўқув кўлланмасида солиқларга қуйидагича таъриф берилган: «Солиқлар - давлат томонидан ундириб олинадиган, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг мажбурий тўловлари»⁸ ҳақиқатдан ҳам бундай олиб қарайдиган бўлсак, юқорида келтирилган таърифлар энг содда ва кенг омма учун қулай ва тушунарли бўлиши мумкин. Лекин бу таърифлар ўзида солиқларнинг ташкилий-ҳуқуқий томонларини тўлалигича акс эттира олмайди. Бундан ташқари, ушбу тўловлар нима мақсадда ундириб олиниши ҳамда қачон ундириб олиниши тўғрисида етарли маълумотлар бера олмайди.

Ш.Гатаулин «...солиқлар ўзи нима ва улар нимага керак», деган саволга қуйидагича жавоб беради: «Солиқлар - бу давлат сарф-харажатларининг асосий манбаи бўлиб, иқтисодиётни тартибга солувчи ва даромадларни барқарорлаштирувчи воситадир. Солиқлар давлат бюджети даромадларини ташкил этувчи асосий манба ва иқтисодиётни бошқарувчи муҳим қурол ҳисобланади»⁹. Бироқ бу таъриф солиқларнинг моҳиятини тўлалигича ёрита олмайди ҳамда солиқларнинг ташкилий-ҳуқуқий томонларини ўзида акс эттира олмайди. Бундан ташқари иқтисодий муносабат сифатида, бу муносабатлар объекти бўлиб нима ҳисобланади? деган саволларга жавоб бера олмайди.

Айрим иқтисодчилар солиқларни миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш воситаси сифатида изоҳлашга ҳаракат қилганлар, - "Солиқлар - миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир".¹⁰

Шуни таъкидлаш керакки, проф. О.Олимжоновнинг фикрига кўра солиқлар қуйидагича таърифланса, солиқларнинг моҳияти кенгроқ ёритилади

⁷ Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. «Финансы», 1992, №3 с. 19.

⁸ Болдырев Финансы капитализма. «Финансы», М.: 1987 с. 21.

⁹ Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. Т.: 1996. 18 -бет.

¹⁰ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: "Меҳнат", 1995 й. 377-бет

ва мақсадга мувофиқ бўлади «Солиқлар - давлат ва жамиятнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳажмда ва ўрнатилган муддатда жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан давлат ихтиёрига мажбурий равишда ундириб олинадиган тўловлардир».¹¹

Бизнингча, солиқларга берилган мана шу таъриф энг мақбул таъриф бўлиб, солиқларнинг моҳияти, уларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва ролини, солиқларнинг ҳаракат жараёнини назарий жиҳатдан чуқурроқ ёритиб, солиқлар ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Солиқларга олимлар томонидан берилган бир қанча таърифларни ўрганиб чиқдик. Шу ўринда бу таърифлар маълум маънода бир-бирини такрорлаб, тўлдириб ва бойитиб келмоқда. Юқоридаги таърифлар солиқларни тўлиқ ва аниқ ёритиш, уларнинг барча жиҳатларини батафсил қамраб олмайди. “Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади”.¹² Шунинг учун солиқ категориясини ҳар томонлама, кенгроқ ва батафсилроқ, шунингдек унинг моҳияти ва аҳамиятини, иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли ва ўрнини, солиқларни назарий жиҳатларини аниқроқ ва тўлиқроқ ёрита оладиган таърифни келтириш муаммоси мавжуддир.

Солиқлар – ўз-ўзини суғурталаш ёки давлат билан жамият ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий вазифаларни таъминлаш учун қўланиладиган тўловлардир.

Иқтисодий адабитётларда юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси солиқлар тизими деб тушинилади. Амалдаги Солиқ кодексининг 23-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар турлари амал қилади ҳамда улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан жорий этилади ва бекор қилинади.

¹¹ Олимжонов. О. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати. «Ҳаёт ва иқтисод», 1992.

¹² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. Б.358

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва бошқа мажбурий
тўловлар турлари¹³**

	<i>Умумдавлат солиқлари</i>		<i>Бошқа мажбурий тўловлар</i>
1	юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	1	ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:
2	жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;	1.1	ягона ижтимоий тўлов;
3	қўшилган қиймат солиғи	1.2	фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;
4	акциз солиғи	1.3	бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар.
5	ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар	2	Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:
6	сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	2.1	Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;
7	мол-мулк солиғи	2.2	Республика йўл жамғармасига йиғимлар.
8	ер солиғи	3	давлат божи
9	ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	4	божхона тўловлари
10	жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлаб чиқарилганлик учун олинадиган солиқ	5	айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қилади.

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўловчиси бўлиб Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ, мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Мол-мулк солиғи ва ер солиғи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига биноан жорий этилади ва унинг бутун ҳудудида ундирилади.

Ушбу солиқлар ставкаларининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида белгиланади.

¹³ Манба: Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Ўзбекистон Республикасининг 25.12.2007 й. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 01.01.2008 й.дан эътиборан амалга киритилган. 23-модда.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимлар Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари томонидан жорий этилади. Ушбу солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг энг юқори миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида айрим маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни умумий, қатъи ставкаларда белгиланиши мумкин.

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкалари солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги, Давлат солиқ қумитаси ва унинг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимларнинг миқдорлари, уларни ундириш тартиби, улар бўйича қўшимча имтиёзлар тақдим этиш Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Юридик шахслар томонидан бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзлар ҳисоби ҳисоб-варақларида маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳар бир тури бўйича юритилади.

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўланиши, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши учун жавобгарлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўловчилар зиммасига юкланади.

Маҳаллий солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўланишининг тасдиғи бўлиб амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ банк муассасаси ёки ваколатли орган берган ҳужжат ҳисобланади.

Солиқларнинг умумдавлат (республика) ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳукумат идораларининг республика ҳукумати ва маҳаллий ҳукуматларга бўлиниши асосида келиб чиқади. Ҳар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга ва бошқа мажбурий тўловларга эга бўлиши керак. Республика ҳукумати умумдавлат миқёсида катта вазифаларни, жумладан, соғлиқни сақлаш, маориф, фан, муҳофаза, хавфсизликни сақлаш, аҳоли ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш ва бошқа бир қатор шу каби стратегик вазифаларни бажаради. Шунинг учун унинг бюджети ҳам, солиқлари ҳам салмоқли бўлишни талаб этади. Қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқлар республика бюджетига тушади. Умумдавлат солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетларни бошқариб бориш учун ажратма сифатида тушиши мумкин. Борди-ю, ажратма етмаса субвенция ёки субсидия берилади. Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ёгона моҳиятга эга бўлиб, улар бюджетга тўланиши лозим бўлган тўловлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ тизими¹⁴

Умумдавлат солиқлари	Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар
Умумдавлат солиқлари деб давлат бюджетига келиб тушадиган солиқларга айтилади	Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар деб маҳаллий бюджет бўғинларига келиб тушадиган солиқлар ва йиғимларга айтилади
<ol style="list-style-type: none"> 1. Қўшилган қиймат солиғи 2. Акциз солиғи 3. Божхона тўловлари 4. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 5. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ 7. Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар 8. Давлат божи 9. Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар 10. Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар <i>Солиқ солишининг соддалаштирилган тартибда тўланадиган умумдавлат солиқлари:</i> 11. Ягона солиқ тўлови 12. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Мол-мулк солиғи 2. Ер солиғи 3. Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим 4. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ 5. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи <p><i>Соддалаштирилган тартибдаги солиқ:</i></p> <ol style="list-style-type: none"> 6. Ягона ер солиғи;

Маҳаллий солиқлар ҳукуматлар бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилади. Маҳаллий ҳокимият органлари, асосан, фуқароларга яқин бўлганлигидан уларга ижтимоий масалаларни, жумладан, мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради.

Маҳаллий солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар фақат шу ҳудуднинг бюджетига тушади ва улардан бошқа бюджетларга ажратмалар берилмайди.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари кам бўлганлигидан бу бюджетларнинг даромадлар ва харажатларини барқарорлаштириш (баланслаштириш) анча мураккабдир. Бу масалаларни ечишда умумдавлат солиқларидан ажратмалар берилади (масалан, қўшилган қиймат солиғидан, акциз солиғидан ва бошқалар).

¹⁴ Эшонов М.А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. Андижон 2009й

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки солиқлар ва солиққа тенглаштирилган тўловларнинг иқтисодиётимизда тутган ўрни алоҳида бўлиб, тўғридан-тўғри жамият билан боғланган ҳолда иш олиб боради. Солиқ тизимининг ўз навбатидан бюджет даромадларини шакллантириши давлат билан жамият ўртасидаги юксак мақсадлар билан йўналтирилишини таъминлайди.

1.2. Солиқларнинг гуруҳланиши.

Солиқли тўловларнинг моҳиятга кўра солиқлар, йиғимлар ва божлар тушунчалари мавжуд.

Солиқлар-солиқ субъектларининг қонуний юридик мажбурияти бўлиб, эквивалентсиз хусусиятга эга бўлган тўловлардир. Яъни тўланган солиқ миқдори га тенг улушда, давлат томонидан хизмат ёки моддий кўринишга эга бўлган қиймати солиқ субъектларига тўғридан-тўғри қайтарилмайди.

Солиқлар, солиқ субъектларининг давлат харажатларини молиялаштиришда иштирок этишларига ундовчи мажбурий тўловлардир.

Йиғимлар-маҳаллий органлар томонидан кўрсатилган маълум бир хизматлар учун тўланадиган тўловлардир. Тўланадиган йиғимларнинг миқдори кўрсатилган хизматлар қийматидан кўп ёки оз бўлади. Ушбу йиғимга эквивалентсиздир. Уларга:

- автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим;
- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмо ний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим;
- айрим турлардаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим.

Шуни таъкидлаш жоизки, охириги иккита йиғим ҳам бож, ҳам йиғимларга хос бўлган солиқ хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Яъни йиғим тўловчилар маълум бир ҳуқуқларга, яъни тадбиркорлик ва

савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз навбатида бу ҳуқуқларга эга бўлиш учун маҳаллий ҳокимиятлар маълум бир хизматлар кўрсатади, яъни рўйхатга олади ва лицензиялар ёзиб беради.

Божлар-маълум бир юридик ҳуқуқларга эга бўлиш учун тўланадиган тўловлардир. Масалан:

- ов қилиш учун тўлов;
- маълум бир ҳудудда яшаш ҳуқуқига эга бўлиш учун қайд қилиш учун тўлов;
- олий маълумот ҳуқуқини эътироф этувчи диплом (ёки сертификат) учун тўлов;
- божхона ҳудудидан товар (иш, хизмат)ларни олиб чиқиб кетиш, ёки олиб кириш ҳуқуқини берувчи божхона тўловлари ва бошқалар.¹⁵

Солиқ тизимининг асоси бўлган солиқлар ўзига хос хусусиятларига, бир қатор белгиларига кўра гуруҳланади. Солиқларнинг гуруҳланиши уларнинг объектига, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятига таъсир этишига, ундирилиш усуллари, пайдо бўлишига (субъектига), бюджетга йўналтирилишига ва бошқа белгиларига кўра уларнинг таснифланишидир.

Солиқларни бундай тартибда гуруҳларга ажратишдан мақсад уларни тақсимлаш тамойилларини белгилашда, уларнинг солиқ функция ва вазифаларини қай даражада бажараётганлигини баҳолашда, умуман олганда давлат бюджетини доимий равишда ва мунтазам даромадлар билан таъминлашда, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини чеклаб қўймасдан фаолият кўрсатиши учун солиқларнинг ҳар томонлама илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилишдан иборат.

Тарихан солиқлар ижтимоий-иқтисодий тузилишига қараб ёки бошқача қилиб айтганда ундириб олиш манбасига қараб икки гуруҳга тўғри ва эгри солиқлар гуруҳларига бўлинади. Солиқларни белгилайдиган ва улардан тушган маблағни тасарруф этишига, яъни бюджетга ўтказиш нуқтаи-

¹⁵ Эшонов М.А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Андижон 2009й

назаридан солиқлар умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлинади. Шунингдек, солиқлар пайдо бўлиш манбаига кўра юридик ва жисмоний шахслардан олинadиган солиқларга бўлинади. Солиқларнинг қайд этилган гуруҳларга ажартиб ўрганишни алоҳида савол сифатида кенгроқ ёритишга ҳаракат қиламиз.

Шу ўринда солиқларни гуруҳлашнинг айрим турларини кўриб чиқамиз. Солиқларни объекти ва иқтисодий моҳияти бўйича гуруҳлаш иқтисодиётга ижобий ва салбий таъсир кўрсатишни ўрганишнинг илмий ва амалий услубидир.¹⁶

Ўзбекистон солиқ тизимида амалда бўлган солиқларни объекти ва иқтисодий моҳияти бўйича бир неча гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин.

1.2.1-чизма¹⁷

Солиқлар солиққа тортиш объектига қараб тўрт гуруҳга бўлинади (1.2.1-чизма)			
Айланмадан олинadиган солиқлар	Даромаддан олинadиган солиқлар	Мол-мулк қийма-тидан олинadиган солиқлар	Ер майдонига қараб олинadиган солиқлар

Айланмадан олинadиган солиқларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун олинadиган солиқлар киради. Лекин Айланма тушинчаси бизнинг қонунчилигимиз бўйича илгаридек маҳсулот реализацияси айланмасидан эмас, балки маҳсулотларни юклаб юборган қиймат билан ўлчанади. Ялпи тушумдан олинadиган ягона солиқ тўлови ҳам айланмадан олинadиган солиқларга киради.

Даромаддан олинadиган солиқларга юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқ, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, ихтисослаштирилган улгуржи савдо корхоналарининг ялпи даромадидан

¹⁶Тошмурадова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш: Ўқув қўлланма. -Т.: ТМИ, 2005. –158 б.

¹⁷ Муалиф томонидан ишлаб чиқилди

олинадиган солиқлари киради. Бу гуруҳ солиқларга ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳам киради.

Мол-мулк қийматидан олинадиган солиқларга мол-мулк солиғи киради.

Ер майдонларидан олинадиган солиқларга қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг ягона ер солиғи, юридик (ноқишлоқ хўжалик) ва жисмоний шахсларнинг ер солиқларини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини икки бўғиндан иборат бўлишининг ҳуқуқий асоси бўлиб давлат молияси ҳисобланади. Негаки, солиқ категорияси молиявий категория ҳисобланганлиги туфайли, у молиявий муносабатларни ўзида мужассамлашти ради ва молиявий муносабатлар доирасида амал қилади.


Давлат молияси эса давлат қурилишига узвий боғлиқ бўлади.

Маълумки, давлат молиясини ва солиқ тизимини давлат қурилишига боғлиқлиги шундаки, у давлат қурилишининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланувчи ҳар бир давлат бошқаруви тизими бўғинларининг молиявий муносабатлари бўлишлигини тақозо этади. Яъни, ҳар бир бошқарув бўғининг алоҳида ўзига хос бўлган даромадлари манбаи ва харажатлари мавжудлигидир. Бу эса ҳар бир бошқарув бўғининг мустақил молиявий муносабатларини амал қилиши демакдир.

Ўзбекистон Республикаси унитар давлат бўлганлиги туфайли унда икки бўғиндан иборат давлат бошқаруви, давлат молияси ва солиқ тизими амал қилади. У қуйидаги кўринишни ўзида ифодалайди: (1.2.2-чизма¹⁸)

1.2.2-чизма

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими




Солиқларни маълум белгиларга кўра туркумлаш иқтисодий адабиётларда илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масала ҳисобланади. Солиқларни таснифлаш давлат бюджетининг барча даромадларини таснифлаш каби, уларни истисно қилиш ва солиқ тўловчининг маҳсулоти қийматига, солиқ солиш объектига, соҳага, муассасага, уларни қанчалик фойдалилигига ва бинобарин солиқлар бориб тушаётган бюджет даражасига қараб амалга оширилади. Солиқлар моҳияти ва шаклига қараб эгри солиқлар ва тўғри солиқларга бўлинадилар. Эгри солиқлар товарлар (хизмат кўрсатишлар) нархини оширадилар, чунки улар бевосита нархнинг таркибига киритилади. Одатда, улар бюджетга корхоналардан, ташкилотлардан ва хўжаликларнинг бошқа таркибий қисмларидан тушади. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, ҳақиқий тўловчилар-нархни шакллантирувчи ва тегишли солиқларни тўловчилардир. Шу сабабли, классик иқтисодчи-олимлардан тортиб, замонамизнинг таниқли иқтисодчи-олимларининг илмий изланишларида солиқларни туркумлаш масаласига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, классик иқтисодчи олим Д.Рикардонинг илмий изланишларида тўғри ва эгри солиқларга хос бўлган бир қатор хусусиятлар ҳамда улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг моҳияти очиб берилган. Жумладан, Д.Рикардонинг

¹⁸ Эшонов М.А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Андижон 2009й

таъкидлашича, солиқ даромаддан олинадими ёки капиталдан олинадими, барибир пировард натижада улар давлат томонидан солиққа тортиладиган товарлар миқдорини камайишига олиб келади. Д.Рикардо турли товар гуруҳларига нисбатан солиқларни белгилашда табақалашган ёндашувни ёқлаб чиқди. Унинг фикрига кўра, шоҳона предметларга нисбатан белгиланадиган солиқлар биринчи эҳтиёж предметларига нисбатан белгиланган солиқларга караганда бир қатор афзалликларга эгадир. Улар даромаддан тўланади ва шунинг учун мамлакатнинг ишлаб чиқариш капиталини камайтиришга олиб келмайди.

1.2.3-чизма

Солиқларни иқтисодий моҳиятига кўра туркумланиши¹⁹



Мамлакатимизнинг таниқли иқтисодчи-олимларидан Т.Маликов, О.Олимжонов, Н.Ҳайдаров, Х.Собиров, Қ.Яҳёевлар солиқларни тадқиқ қилиш жараёнида уларни тўғри ва эгри солиқларга ажратиш зарурлигини ҳамда улар ўртасида оқилона нисбатни шакллантириш масаласининг долзарблигини эътироф этганлар. Тўғри солиқлар бевосита даромаддан ёки солиқ тўловчиларга тегишли бўлган мол-мулклардан олинади. Эгри солиқлар эса, товарларни сотиш айланмасидан, хизматлар кўрсатиш ҳажмидан уларнинг баҳосига қўшимча шаклда ундириладиган солиқлардир.

¹⁹ Эшонов М.А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Андижон 2009й

Тўғри солиқлардан тўғридан тўғри даромаддан солиқ тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга қолдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратиб, бозор иқтисодиётини ривожлантиради. Бу солиқларнинг ставкалари оширилса, корхоналарнинг молиявий имкониятлари камая боради ва охири оқибатда мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Демак, бу гуруҳ таркибига кирувчи солиқларнинг ставкалари тўғридан тўғри иқтисодий ривожланиш билан тўғри боғлиқдир.

Эгри солиқларнинг ставкалари қатъи (товар ўлчамининг бирлигига) ва фоизли (товарнинг нархига муайян ҳиссада) бўлади. Фоизли ставкалар давлат учун кўпроқ фойдалидир, чунки нархлар ошганида солиқ тушумлари ҳам кўпаяди. Солиқ ставкаларининг оширилиши уларнинг товарларнинг нархидаги ҳиссасининг ортишига олиб келади.

Халқаро Нобель мукофотининг лауреати П.Самуэльсон ўзининг солиқлар ва солиққа тортиш хусусидаги илмий тадқиқотларида солиқларнинг товарлар баҳоси ва миқдорига таъсири масаласини чуқур тадқиқ қилди. У ўзининг тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, солиқларни товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида тақсимланиши талаб ва таклифнинг эгилувчанлигига бевосита ва узвий боғлиқлигини таъкидлайди. Агар товарга нисбатан талаб таклифга нисбатан ноэгилувчан бўлса, у ҳолда солиқ оғирлиги товарни истеъмол қилувчиларга тушади. Демак, П.Самуэльсон эгри солиқларнинг товарлар баҳосига таъсири натижасида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий оқибат масалаларига катта эътибор беради.

Эгри солиқлар акцизларни, давлатнинг фискал монополияларини ва божхона божларини ўз ичига олади. Акцизлар ундирилиш усулига қараб яқка тартибдаги (пивога, шакарга, бензинга ва ҳоказо) ва универсал (қўшилган қиймат солиғи ва бошқалар) турларга бўлинади. Улар асосан хўжалик актларидан ва айланмалардан, молиявий операциялардан келиб чиқади.

Республикамиз давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тўғри ва эгри солиқлар ўртасидаги мақбул нисбатни таъминлашни белгиловчи меъёрларни аниқлаш муаммоси асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Эгри солиқларни ҳуқуқий тўловчилари маҳсулот (иш, хизматни) юклаб юборувчилар ҳисобланади. Лекин солиқ солиқ оғирлигини ҳақиқатан ҳам бюджетга тўловчилари товар (иш, хизмат)ни истеъмол қилувчилардир, яъни эгри солиқларнинг барчаси тўғри истеъмолчилар зиммасига тушади. Бу солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устига қўшимча равишда қўйилади.

Эгри солиқларнинг ижобий томони шундаки, улар республикада ишлаб чиқарилган товарларни республикадан ташқарига чиқиб кетишини чегаралайди, мамлакат ичида товарларнинг сероб бўлишига ёрдам беради ҳамда инфляция даражасини (муомаладаги ортиқча пул массасини) бирмунча жиловлаб туради. Эгри солиқлар ставкасининг асосли равишда оширилиши корхоналар фаолиятининг молиявий якунига тўғридан тўғри таъсир этмайди, яъни исвестиционфаолиятини қисқартирмайди. Аммо солиқ ставкаси илмий асосланмасдан ошириб юборилса, бундай ҳолатда корхоналар ўз товарларини сотиш қийинчилигига дуч келишлари мумкин.

Тўғри солиқларни тўғридан - тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқнинг ҳуқуқий ва ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс ҳисобланади.

Эгри солиқларнинг ҳуқуқий тўловчиси маҳсулот ортувчилар, иш, хизматни бажарувчилар ҳамда хизмат кўрсатувчилар, ҳақиқий тўловчиси эса истеъмолчилар ҳисобланади.

Республикамизда амал килаётган солиқлар ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб учдан бир қисмини тақсимлаб, бюджетга жалб этади ва у орқали давлатнинг ижтимоий зарурий харажатлари молиялаштиришга йўналтирилади. Сўнгги йилларда тўғри солиқларнинг салмоғи ялпи ички маҳсулот қийматида бир оз камайиб, эгри солиқлар салмоғи ошган. Бу ерда ҳозирги шароитда тўғри тенденция мавжуддир, чунки эгри солиқлар тўғридан- тўғри корхона инвестиция фаолиятининг сусайишига олиб

келмайди. Тўғри солиқлар салмоғи ЯИМ қийматида пасайиши корхоналарнинг моддий-техникавий базаси кенгайишига, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришига имкон яратади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ва йиғимларнинг ҳал қилувчи асосий қисмини юридик шахсларнинг солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлари ташкил этади. Юридик шахслар солиқ тўловчи болувчи учун юридик шахс мақомини олганидан ташқари, албатта бирор рухсат этилган фаолиятдан даромад олган бўлишлари зарур ёки товарлар (иш, хизматлар) сотишдан Айланмага эга бўлишлари ҳамда статистика идораларида, ҳокимиятлардан рўйхатдан ўтган (кодга эга) бўлишлари шарт.

Жисмоний шахслар юридик шахс мақомини олмаган шахслардир. Бундай шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаолиги бўлмаганлар ва чет эл мамлакатлари фуқаролари киради. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига биноан солиққа тортиш мақсадида солиқ тўловчилар юридик ва жисмоний шахсларга бўлинган. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар давлат бюджетини даромадларининг 20-25 фоизини ташкил этади.

Ж.Кейнснинг солиқлар хусусидаги илмий изланишларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, у тўғри солиқларни эгри солиқларга нисбатан иқтисодий жиҳатдан афзал эканлигини эътироф этади. У айниқса, аҳолидан олинадиган даромад солиғига катта эътибор беради. Ж.Кейнс аҳолидан олинадиган даромад солиғини прогрессив ставкаларда олинишини таклиф қилди. Унинг фикрига кўра ортиқча жамғармалар солиқлар ёрдамида давлат фойдасига олиб қўйилиши керак.

Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларнинг хусусияти шундан иборатки, солиқ жисмоний шахснинг тўғридан тўғри ўз даромадидан олинади. Улар тўлайдиган солиқлар ва йиғимлар асосан бюджетга нақд пул тўлаш йўли билан ўтказилади.

Жисмоний шахслар давлат бюджетига қуйидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди:

- жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ;
- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлиги учун солиқ;
- жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шуғилланганда даромадига ўрнатилагн қатъи ставкадаги солиқ;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар.²⁰


Умуман олганда иқтисодиёт тармоқларидан ва аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмидан ундириладиган солиқларнинг аксарият қисми умумийлик хусусиятига эгадир. Лекин айрим солиқлар ва тўловлар ҳам мавжудки, улар мақсадли характерга эгадир. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда солиқлар, улардан фойдаланиш хусусиятига кўра ҳам икки гуруҳга бўлинади:

1. Умумий солиқлар - республика ҳамда маҳаллий бюджетларга тушади ва қайта тақсимланади;

2. Мақсадли солиқлар - тўғри бирор-бир соҳа, тармоқ ёки объектни ривожлантириш учун сарфланади ва тақсимланади.

1.2.4-чизма

Солиқларни бир хил белгиларига кўра гуруҳлаш солиқлар таснифи ²¹



²⁰ Солиқлар ва солиққа тортиш. А.Ваҳобов, А.Жўрайев. "Шарқ" Нашриёт-Матбаа Аксиядорлик Компанияси Бош таҳририяти. Тошкент-2009йил.57-64 бетлар.

²¹ Эшонов М.А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Андижон 2009й

Республикамизда асосан солиқлар бюджет тизими даромадларини шакллантиради. Давлат бюджети тизими мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳамда маънавий ҳаётини молиявий маблағ билан таъминлайди ва бу Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизимида умумреспублика бюджетининг етакчи бўғинидир. У умумдавлат ресурсларининг бир қисми тўғри давлат ҳокимиятининг ижро этувчи ва фармойиш берувчи олий органи - Ўзбекистон Республикаси ҳукуматида марказлашувни таъминлайди. Марказлашган ресурслар умумдавлат аҳамиятига молик бўлган, умуман олганда жамият манфаатларини ифодаладиган тадбирларни (халқ хўжалиги аҳамиятидаги қурилишларни, энг муҳим ижтимоий тадбирларни, муҳофаза, бошқарув, давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалари, давлатнинг моддий ва молиявий захираларини) маблағ билан таъминлашга ишлатилади. Умумреспублика бюджети орқали миллий даромадни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрига тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни изга солиб турилади. Давлат умумреспублика бюджетидан давлат бюджетининг бу бўғини ижроси юзасидан республикадаги ҳамма ишларни мувофиқлаштириш учун фойдаланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети пул маблағларини республиканинг тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари амалга оширадиган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тадбирларини молиялаштириш учун марказлаштиради.

Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Улар давлат ҳокимиятининг ҳар бир маҳаллий органи ўз фаолиятини амалга ошириши учун унинг ихтиёрида аниқ молиявий база яратади. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талаб-эҳтиёжларни тўлароқ ҳисобга олиш ҳамда давлат томонидан марказлашган тартибда амалга ошириладиган тадбирлар билан тўғри олиб бориш имконини беради, маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий бюджет даромадларининг

кўпайиши ва ресурсларнинг тежамкорлик билан сарфланиши тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилади, чунки жойларда иқтисодиёт ва маданиятнинг юксалиш суръатлари тўғридан-тўғри маҳаллий хўжалик захираларини сафарбар қилиш, маблағларни тежаб ишлатиш борасидаги ишларни ташкил этиш билан боғлиқ бўлади, бу эса ўз навбатида умуман Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг муваффақиятли бажарилишига ёрдам беради. Маҳаллий бюджетлардан уй-жой-коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш, маориф ва соғлиқни сақлаш муассасалари (мактаблар, касалхоналар, мактабгача тарбия муассасалари ва бошқалар), ижтимоий таъминот соҳасидаги тадбирлар маблағ билан таъминланади.

Демак, солиқларнинг гуруҳланиши бу албатта солиқ сиёсатида товар (иш, хизматлар)даги солиқлар ҳисоб-китобини юритишда гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақуллиги асослайди.

1.3. Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, солиқ ишларини юритиш тартиботи ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги қонуни ва шу каби тўғри солиққа оид қонун ҳужжатлари орқали тартибга солиб турилади.

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бошқа қонунлари ва қонун ҳужжатларидан ўрин олган нормалари Солиқ кодексига мувофиқ бўлиши лозим. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Солиқ Кодексидан бошқача қоидалар белгиланган ёки назарда тутилган бўлса, унда халқаро шартнома қоидаларида белгиланган шартлар амалда қўлланилади.

Солиқ солиш – юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъи назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади.

Белгиланаётган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар товарларнинг (иш, хизматларнинг) ёки пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида эркин муомалада бўлишини тўғри ёки эгри чеклаб қўйиши ёхуд солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятини бошқача тарзда чеклаб қўйиши ёки унга ғов бўлиши мумкин эмас. Олинган манбаларидан қатъи назар, барча даромадларга солиқ солиниши лозим, солиқ имтиёзларини белгилашда эса албатта ижтимоий адолат принципларига риоя этилиши керак.

Солиқ тизими (солиққа тортиш) принциплари ту моҳиятини тўғри этмасдан туриб, солиқ кодексининг асл мазмунини ҳам тўлоқонли тарзда

тушиниш мумкин эмас. Негаки бу ҳолатлар принципиал аҳамиятга молик масала, ундан ҳар бир солиқ тўловчи ўз вақтида огоҳ бўлмоғи лозим:

1. Солиқларнинг (солиққа тортишнинг) ҳаддан зиёд оғир бўлмаслиги;
2. Солиқларнинг (солиққа тортишнинг) солиқ тўловчиларга тушунарли бўлиши;
3. Ҳар бир солиқ тўловчи неча сўм, қачон ва нима учун солиқ тўлаши лозимлигини билмоғи керак;
4. Солиқларнинг (солиққа тортишнинг) адолатли бўлиши ва тенг шароитларда турли солиқ тўловчилар бир хил солиқларни тўлаш лозимлиги;
5. Давлат кўп маблағ сарф этмасдан солиқ ундиришни (йиғишни) уддаламоғи керак;
6. Тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқларнинг турли хилларидан оқилона фойдаланиш;
7. Солиққа тортишни универсаллаштириш;
8. Бир марта солиққа тортиш;
9. Илмий ёндашув;
10. Ставкаларни табақалаштириш;
11. Солиқ ставкалари барқарорлиги;
12. Солиқ имтиёзлари тизимидан кенг фойдаланиш;
13. Давлат бошқарув даражасига қараб солиқларнинг тақсимланганлиги;
14. Манбалардан қатъи назар барча даромадлардан солиқ тўлашнинг мажбурийлиги;
15. Барча ҳудудий-маъмурий поғоналар учун ягона бўлган умумдавлат солиқ сиёсатини маҳаллий ҳокимият идора (оргон)ларининг умумдавлат солиқ сиёсати доирасида солиқларга оид қонун чиқариш фаолиятидаги мустақиллиги билан уйғун ҳолда амалга ошириш;

16.Ўз фаолияти билан энг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишга кўмаклашаётган самарали ишловчи корхоналарга имтиёз бериш, шунингдек, хўжалик юриштининг илғор шакллари рағбатлантириш тизими орқали солиқ мезонларининг рағбатлантирувчи аҳамиятини таъминлаш;

17.Декларациялар ҳамда танлаб ўтказиладиган текшириш ва тафтишларни уюштириш асосида барча субъектларнинг солиқ тўловлари юзасидан олган мажбуриятлари устидан молиявий назорат қилиш, қонунларни бузувчиларга нисбатан иқтисодий чоралар кўриш.²²

Солиқ сиёсати муваффақияти солиқ солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принципларига ҳам тўғри боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига мувофиқ солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принциплари қуйдагилардан иборат:²³

- ✓ солиқ солишнинг мажбурийлиги;
- ✓ солиқ солишнинг аниқлиги;
- ✓ солиқ солишнинг адолатлилиги;
- ✓ солиқ тизимининг ягоналиги;
- ✓ солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги;
- ✓ солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги – сўмда ҳисоблаб чиқарилади.

Замонавий солиқ тизими қуйидагиларга қаратилган бўлиши керак:

1) бюджет даромадларини тўлиқ ва ўз вақтида жалб қилинишини таъминлаш. Чунки бусиз давлатнинг ижтимоий иқтисодий сиёсатини амалга ошириш мумкин эмас

²² Т.С.Маликов, П.Т.Жалилов. Бюджет-солиқ сиёсати, - Т.: “Академнашр” 2011й. Б.192-230

²³ 5-моддаларида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Расмий нашр. – 2011й

2) ёппасига ва хўжалик юритишнинг алоҳида соҳалари бўйича ишлаб чиқариш ва истемолни тартибга солиш учун шароит яратиш.бунда аҳолининг турли гуруҳлари даромадларини шакллантириш ва қайта тақсимлашнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниши керак.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими қуйидаги белгилар билан характерланади:

- ҳуқуқий асосга эгаллиги ва нисбатан бўлсада барқарорлиги (солиқлар ва солққа тортишнинг барча масалаларига нисбатан эмас) даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ барча иқтисодий муносабатларга кириб боради. Барча солиқлар ва йиғимларни жорий этиш ва уларни бекор қилиш фақат давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади;

- солиқларни ҳисоблаш ва ундиришнинг ягона принциплари ва механизми. Барча солиқлар ва йиғимлар устидан ягона назорат Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари томонидан амалга оширилади;

- янги солиқларнинг жорий қилинганлиги (қўшилган қиймат солиғи ва бошқалар) ҳамда солиқ имтиёзлари ва олдин амал қилган солиқлар базасини ҳисоблаш тартибида кескин ўзгаришларнинг содир этилганлиги;

- солиқ календарига мувофиқ қонунчилик йўли билан солиқларни тўлашда аниқ кетма-кетлик ўрнатилганлиги. Масалан юридик шахслар биринчи навбатда умудавлат солиқларини ундан кейин эса маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўлашга мажбурдирлар;

- барча солиқ тўловчиларга нисбатан тенг талабларнинг қўлланилиши ва солиқлар рўйхатини аниқлаш ставкаларни унификатсия қилиш имтиёзлар ва уларни тақдим этиш механизмини тартибга солиш ҳамда маблағлардан фойдаланиш ҳуқуқига аралашмаслик йўли билан ишлаб топилган маблағлардан фойдаланиш учун тенг шароитларнинг яратилганлиги ;

- солиқларнинг иккита асосий тури биргаликда қўлланилаётганлиги: тўғри(даромадларга ва мол-мулкка) ва егри (товарлар ва хизматларга). Аввал эгри (билвосита) солиққа тортиш ватанимиз иқтисодий амалиётида тўлиқ инкор қилинган эди;

- аввало жисмоний эмас юридик шахсланинг солиққа тортилиши. Бу Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг ривожланган хорижий мамлакатлар солиқ тизимларидан фарқини кўрсатади. Барча юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар солиқ органларида рўйхатдан ўтишга мажбур. Солиқ органларида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги малумотномани олмасдан туриб банклар уларга ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эга эмаслар.

- солиқ қонунчилигини бузганлиги учун жуда қаттиқ санкцияларнинг шу жумладан молиявий мамурий ва жиной жавобгарлик чораларининг қўлланилаётганлиги ;

- солиқ тўловчилар учун уларнинг илтимосига кўра жорий йил дорасида солиқлар ва йиғимларни бюджетга тўлаш шунингдек молиявий санкциялар суммалари (агар уларни тўлаш корхонани касодга учрашга олиб келса - 6 ой муддатгача) бўйича тўлов муддатларини кечиктириш ёки узайтириш имкониятининг мавжудлиги.²⁴

Мустакил давлат иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтилиши Солиққа тортишнинг мутлақо янги тизимини талаб қилди. Бу эса ўз навбатида бундай тизимнинг оптимал режимда амал қилишини тахминлайдиган механизмнинг янги тузилмасини тақдим этди. Бу тизим ҳозирги кунда шаклланди ва такомиллашиб бормоқда.

1991 йилдан бошланган республика солиқ тизимини ислоҳ қилиш каби давлат солиқ сиёсатини беш босқичга бўлиб ўргансак бўлади.

БИРИНЧИ БОСҚИЧ. 1991-1994 йиллар - Ўзбекистон солиқ тизимининг ташкил этилиши, бюджетнинг даромад қисмини солиқлар ва

²⁴ Молия: умумдавлат молияси. Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров. Тошкент “Иқтисод-Молия” 2009 йил.Б.90-91

йиғимлар билан таъминлаш. 1990 йил охирида республикада Солиқ органларини барпо этиш бўйича ишлар жонланди: Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги қошидаги Давлат бош молия - Солиқ бошқармасини ташкил этиш туғрисида"ги қарори қабул қилинди (1990 йил 17 декабр, 383-сон).

1991-йил 15-февралда қабул қилинган «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар туғрисида»ги қонун республика солиқ тизимига асос солган даслабки қонун бўлди. Бошланғич босқичда солиқ идоралари фискал масалаларни ҳал этиш, яъни бюджетнинг янада мувозанатга эришувини таъминлашга йўналтирилган эди. Аммо ҳаёт солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштиришни талаб этаётганлигини кўрсатади.

Солиққа тортиладиган базанинг таракқиётини рағбатлантириш учун қонунларга ўзгартиришлар киритилмоқда. Шу мақсад 1991-йил 15-феврал қонунига бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Айланма солиғи ва савдодан олинадиган солиқ ўрнига амал қилмоқда. У истеъмолчи зиммасига юклатиладиган асосий эгри солиқ сифатида бюджет даромадларда тушумларнинг барқарорлигини таъминлайди.

Корхоналардан ундириладиган ўрмондан олинадиган даромад солиғи ва бир қатор бошқа солиқлар бекор қилинди. Даромад (фойда) солиғи; кўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, мол-мулк республикадан олиб чиқиладиган маҳсулотлар ва хом ашё ресурсларига солиқ жорий этилди.

Республика олий кенгаши 1991 йил 14-июнда "Ўзбекистон Республикасининг давлат Солиқ идоралари туғрисидаги низом"ни тасдиқланганидан сўнг ва шу қарорга мувофиқ Вазирлар маҳкамаси 1991 й 12 августда Ўзбекистон Республикасининг давлат Солиқ идоралари туғрисидаги 217 сонли қарорни қабул қилгандан кейин давлат назорати ва бошқарувининг мустақил тузилмаси сифатида Солиқ идораларини шаклланиши ва фаолият курсатишига асос солинди.

Солиқ органларининг давлат назорати ва бошқарувнинг мустакил тузилмаси сифатида шаклланиши ҳамда фаолият курсатиши республика Олий Кенгаши 1991 йил 14 июнда тасдиқланган "Ўзбекистон республикаси давлат Солиқ органлари туғрисидаги низом"ва 1991 йил 21 августда Вазрлар Махкамаси 217-сон билан қабул қилган Ўзбекистон республикаси давлат Солиқ органлари туғрисида"ги қарордан бошланди.

1993-йилдан ишлаб чиқилган тартибда кўра асосий воситалар ҳисобланган амортизациянинг 30 фоизи бюджетга ўтказилади.

Хазинани тўлдириш, шунингдек ресурслардан оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида 6 фоизли ресурслар солиғи жорий этилди. Шунингдек, 1991-йил 15-февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқарорлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи туғрисидаги қонунга бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

1993-йил 7-май куни «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар туғрисида»ги қонун қабул қилинди ва ушбу қонунда уларга таъриф берилди. Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ ер солиғи, курорт зоналаридаги ишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар қурилишига солинадиган солиқ, реклама солиғи, автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ, уларнинг эгаларига солинадиган солиқ - жами 19 турдаги ҳар хил солиқлар ва йиғимлар маҳаллий солиқлар гуруҳига киритилди. 1993-йилнинг 7-майида «Қорхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар туғрисида»ги қонунга қушимчалар киритилади.

Республика давлат бошқарувининг мазкур тузилмаси 1994 йилгача, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармоишига мувофиқ Вазирлар Махкамаси қошидаги давлат бош Солиқ бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасига айлантирилгунга қадар фаолият кўрсатди.

1994 йил 18 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамаси 114-сон қарори билан тасдиқланган. "Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси

туғрисида"ги низоми - "Давлат Солиқ Қўмитаси"ни ташкил этиш учун асос булди.

1994 йилда Республикада ягона Солиқ ва божхона Қўмитаси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Қўмитаси Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси конустутциясига, Ўзбекистон Республикаси олий мажлис томонидан чиқарилган қонунлар, қарорлар Республика президенти фармонларига, Президент хўзуридаги Вазирлар маҳкамасининг қарорига ва фармойишларига амал қилган ҳолда олиб борадилар.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ. 1995-1997 йиллар - иқтисодий шароитларнинг ўзгариши.

Халқ хўжалигини иқтисодий жihatдан барқарорлаштириш ва тузилмавий жihatдан қатъи қуриш солиқ тизимини ислоҳ қилишни талаб этди. Қуплаб корхоналар ва ташкилотларнинг фойда солиғини даромад солиғи тўлашга ўтиши амалга оширилди. Унинг ўртача ставкаси 37 фоиз этиб белгиланди. Солиқ тўловчилар учун имтиёзлар кўзда тутилади. 1995 йилдан бошлаб солиқ тизимини бирхиллаштириш бошланди. Бир қатор кам самарали солиқлар: республика ташқарисига олиб чиқиладиган хом ашё ресурслари учун солиқ, ҳисоблаб ёзилган амортизациядан бюджетга 30 фоиз ундириш ва бошқалар бекор қилинди. Жамоа хўжалиги аъзолари ва халқ хўжалигининг бошқа сохаларида ишлаётганлар учун солиққа тортишнинг ягона тартиби ўрнатилди. Яъни, жамоа хўжалиги аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш жамгармасини солиққа тортиш бекор қилинди ва уларга нисбатан фуқаролар даромад солиғи тўғрисидаги қонунчилик тадбиқ этилди, фуқаролар даромадига солинадиган солиқ школаси ўзгартирилди. Сармоядорлар учун рағбатлантиришлар солиқ тизимининг барқарорлишувига кумак беради. 1996-йилнинг 1-январигача руйхатдан ўтказилган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга солиққа тортиш тизимида даромад ёки фойдани солиққа тортишни танлаш ҳуқуқи тақдим

этилди, бошқа барча хўжалик юритувчи субъектлар эса даромад солиғига ўтказилган.

УЧИНЧИ БОСҚИЧ. 1997-2004 йиллардаги бўлган давр. Солиқ тизимининг тараққиёти мамлакатдаги иқтисодий ислохотлар билан ҳамқадам бораётганлигини айтиб ўтишга ҳожат йўқ.

1997 йил божхона ишини ташкил этишни такомиллаштириш ягона божхона сиёсатини ўтказиш, республика божхона органлари фполиятининг тезкорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, уларнинг мамлакат иқтисодий хавфсизлигини ошириш, мустахкамлашдаги ролини кучайтириш, шунингдек божхона иши соҳасида халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида Президентнинг 1997 йил 8 июлдаги ПФ 1815-сон "Ўзбекистон Республикаси давлат божхона Қўмитасини ташкил этиш туғрисида"ги фармонга ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги 374-сон "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона Қўмитаси ташкил этилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги "давлат Солиқ хизмати" туғрисида 474-1 сон қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари туғрисида 14-сон қарори қабул қилинди. Уларда Солиқ органларининг асосий вазифа ва функциялари аниқлаштирилади.

1997-йил 24-апрелида Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг тасдиқланиши солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг амалга оширилаётган учинчи босқичининг бошланиши ифодаси эканлиги тамоман қонуний ҳолдир.

Солиқ кодекси амалга киритилиши билан солиққа тортишнинг барча асос бўлувчи меъёрларини ягона ҳужжатга жамлаш: солиқ имтиёзларини тизимлаштириш; фойда, мол-мулк, қушилган қийматни ҳисобга олиш ва солиққа тортишнинг халқаро тизимини жорий этишга имкон яратилди.

Учинчи боскичда юридик шахсларга, биринчи навбатда кичик ва ўрта корхоналар учун солиққа тортиш, ҳисобга олиш ва ҳисоботнинг соддалаштирилган тизими барпо этилди. Кичик тадбиркорлик субъектлари ихтиёрий асосда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар жамланмаси ўрнига ягона солиқ тулай бошладилар. Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 15-апрелдаги 159-сон қарори билан Кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартиби тасдиқланди.

Ягона солиқнинг солиққа тортиладиган Айланмаларга нисбатан фоизларда қуйидаги ставкалари белгиланди:

- Савдо (харид, воситачи, улгуржи сотиш, таъминот корхоналари) – 25 фоиз;
- Қишлоқ хўжалиги корхоналари – 5 фоиз.

Халқ хўжалигининг бошқа соҳаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар соддалаштирилган солиққа тортиш тизими кирмаган бўлса, 1999-йилнинг 1-октябридан бошлаб ўлар акциз солиғини тўлаш шарти билан мазкур тизимини қўллашлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси тузилмаси ва фаолиятини ташкил этиш Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари туғрисида" 14-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси туғрисидаги низомга биноан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 10-апрелдаги 153-сон қарори билан тасдиқланган Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш тартибига мувофиқ ялпи даромад савдо корхоналари учун ягона солиққа тортиш объекти бўлди.

1999 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари), фермер хўжаликлари, агрофирмалар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа ишлаб чиқарувчилари Президентнинг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини амалга киритиш тўғрисида»ги

Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 26-декабрдаги 539-сон қарори асосида ишлаб чиқилган бюджет билан ҳисоб-китоблар механизмига кўра ягона ер солиғи тўловчилари бўлдилар. У амалдаги барча умумдавлат (алкоголли маҳсулотларга акциз солиғидан ташқари) ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар жамини тўлаш амалга киритилди. Шунингдек, ушбу солиқ турига доир имтиёзлар ҳам белгиланди. Бу қишлоқ меҳнаткашларига ҳисобот ҳужжатларини қисқартириш имконини берувчи солиққа тортишнинг соддалаштирилишига яна бир ёрқин мисолдир.

2002 йилдан бошлаб давлат солиқ сиёсатида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналардан солиқ оғирлигини янада камайтира бориши четга катъи алмаштириладиган валютада маҳсулотларни экспорт қилганларга ҳам даромадга (фойдага) солиқдан ҳам мол-мулк солиғидан пасайтирилган регрессив солиқ ставкаси қўллаш сиёсатини юргизиш жорий этила бошланди. Солиқлар тизимида тўғри солиқлар салмоғини камайтира бориш ва эгри солиқлар салмоғини оширишга мўлжалланган сиёсат юритиш кўзда тутилган. Шу билан бирга солиқ қонунчилиги такомиллаштирила борилди, ҳамма солиқлар бўйича йўриқнома ва низомлар қайтадан ишлаб чиқилди.

2003 йилдан бошлаб самарасиз, бюджетга тушишини қийинлаштирадиган қуйидаги солиқлар ва тўловлар бекор қилинди. Булар: реклама солиғи, автотранспорт воситаларини олиб сотиш солиғи, меъёридан ортиқ сотиладиган тайёр маҳсулот қолдиғи учун 2 фоизли ҳақ ҳамда табиатни ифлослантирувчи чиқиндиларни жойлаштириш учун ҳақлардир. 2003 йилдан бошлаб 2002 йилда жорий этилган чакана савдо соҳасида фаолият кўрсатувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган даромаддан ягона солиқ солиш давом эттирилди. Солиқ базалари ва ставкаларига ҳам ўзгартиришлар киритилган.²⁵

2004 йилда ҳам қатор солиқ ислоҳотлари амалга оширилиб, бунда, юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи ва жисмоний

²⁵ «СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ» ФАНИДАН маърузалар матни, Тузувчи: кат. ўқит. Ю.Хасанова, Такризчилар: проф. И.Рўзиев, и.ф.н. Ш.Туракулов, Қарши-2004 йил 24-27 бетлар. www.qmii.uz/e-lib

шахслар даромад солиғи ставкалари бир неча даражага камайтирилган бўлса, ресурс солиқлари ставкалари оширилди. Ягона солиқ тизимига ўтган микрофирма ва кичик корхоналар фойдали қазилмалар қазиб олганида ягона солиқ билан биргаликда ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳам тўлайдиган бўлдилар. Шунингдек, айрим солиқ имтиёзлари бекор қилинди. Солиқ тизимидаги ислохотлар хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаоллигини оширишга, уларнинг импорт ўрнини босувчи ва экспорт фаолиятини рағбатлантиришга, шунингдек, уларнинг ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишини рағбатлантиришга қаратилди.²⁶

ТЎРТИНЧИ БОСҚИЧ. 2005-2007 йиллардаги бўлган давр.

2005 йилдан бошлаб туб ўзгаришлар амалга оширилди. Бунда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари сифатида белгиланди. Мазкур субъектлар фаолиятини айнан солиқлар орқали рағбатлантириш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сонли «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан 2005 йил 1 июлдан бошлаб, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмаларини тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилди.

2006 йилдан бошлаб эса, умумий тартибда солиқ тўловчи корхоналар билан юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида, ягона солиқ тўловини тўловчилар учун ихтиёрий равишда ҚҚС тўлаш имконияти берилди. Ягона солиқ тўловининг жорий этилиши орқали хўжалик юритувчи субъектлар чоракда солиқ органига бир марта келиб

²⁶ Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси солиқ назарияси фанидан маърузалар матни Т.:2008й

хисоботни тақдим этиши белгиланди. Шунингдек, улар зиммасидаги солиқ юкини сезиларли равишда камайтиришга эришилди. Мазкур фармонга мувофиқ, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, акциз солиғи олинadиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини хисоблашда солиққа тортиладиган база акциз солиғи суммасига камайтирилди ва иккиёқлама солиққа тортиш ҳолатини бартараф этишга хизмат қилди. Шунингдек, янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини бир йилга кечиктириш, кечиктирилган суммани имтиёзли давр тугаганидан кейин, тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи берилди. Янги ташкил этилган корхоналар мазкур имтиёзни қўллаш даврида, бўшаган пул маблағлари хисобига устав жамғармаларини мустаҳкамлашга, айланма маблағларини кўпайтиришга ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга йўналтиришлари учун қулай шароит яратилди. Мазкур фармонга асосан, «Солиқ маслаҳатчилари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни²⁷ қабул қилинди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий жиҳатдан янада ҳимояланишига, солиқ хизмати органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришга имконият яратди.

Маълумки, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари 2007 йил 1 январга қадар бюджетга тўлаб келган ялпи даромадидан ялпи даромад солиғи, мол-мулк солиғи, товарлар айланмасидан Пенсия жамғармасига, Республика Йўл жамғармасига ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлар тўлаш ўрнига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-532-сонли қарорига мувофиқ 2007 йил 1 январдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлашга ўтказилди.

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги қонуни, 2006 йил 21 сентябр. //Халқ сўзи, - 2006 йил, 21 сентябр.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги 744-сонли қарорига асосан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тушуми маҳаллий бюджетларнинг Давлат бюджетдаги улушини кўпайтириш мақсадида тўлиқ миқдорда маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказилди.

БЕШИНЧИ БОСҚИЧ. 2008 йилда то ҳозиргача бўлган давр.

2008 йилнинг энг муҳим воқеаси бу — 2008 йилнинг 1 январидан амал қила бошлаган Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ кодекси бўлди.

2008 йил 29 декабр куни Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-196-сонли Қонуни қабул қилиниб, Солиқ кодексининг 79 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур қонун 2009 йил 1 январдан кучга кирди.²⁸

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 февралдаги 92-ф-сонли фармойишига асосан идоралараро махсус гуруҳ ташкил этилган бўлиб, ушбу гуруҳ белгиланган вазифалар ижроси бўйича доимий ўрганиш ишларини олиб бормоқда. Солиқ қонунчилигини янада такомиллаштириш, айрим камчиликларни бартараф этиш, Кодексни тўғридан-тўғри ҳужжат сифатида амал қилишини таъминлашга қаратилган бу тадбирлар “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини топган.

Жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий ўсишнинг макроиктисодий мутаносиблиги ва барқарор субъектларини, иқтисодиёт тармоқларининг муттасил ишлашини таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноат корхоналари ва кичик бизнесни аниқ кўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори

²⁸ СОЛИҚ INFO Ўзбекистон Республикасининг Давлат Солиқ қўмитасининг иқтисодий-ижтимоий газетаси №1 5-январ 2009 йил

корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПФ-4058 Фармони қабул қилинди.

2009 йил 1 январдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўловчи – илгари хусусийлаштирилган корхоналарни охириги икки чорак якуни бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажми объектив сабабларсиз солиқ органлари томонидан ҳисобланган мол-мулк ва ер солиғи суммаларининг 10 карра миқдоридан кам бўлган тақдирда, уларни солиқ органларининг хабарномасига мувофиқ умумбелгиланган тартибда солиқ тўлашга ўтказилиши белгилаб қўйилди. Мазкур тартибнинг жорий қилиниши илгари хусусийлаштирилган корхоналарга нисбатан мулк эгаларини корхона фаолиятини қайта кўриб чиқишга, ишлаб чиқаришни қайта тиклашга ва истиқболсиз корхоналарни янги салоҳиятли инвесторларга сотиш чораларини кўришга ундайди. Акс ҳолда, корхонанинг бюджет олдидаги кредиторлик қарзлари ҳисобига ваколатли органлар томонидан корхонага банкротлик тамойилини қўллаб, уларнинг мулкани янги инвесторларга сотиш орқали қоплашга имкон беради.²⁹

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги 196-сонли Қонуни билан Солиқ кодексига суғурта тўлови бўйича ўзгартиш киритилди. Агар 2009 йил 1 январга қадар суғурта бадалини ихтиёрийлик асосида йилига энг кам иш ҳақининг тўққиз бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлаши деҳқон хўжалиги аъзосига бир йиллик меҳнат стажини ҳисоблаш учун асос бўлган бўлса, эндиликда Солиқ кодексининг 311-моддасига мувофиқ суғурта бадалини ихтиёрийлик асосида йилига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлаши деҳқон хўжалиги аъзосига бир йиллик меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлади. Бундан ташқари, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари учун суғурта бадалини тўлаш муддати

²⁹ СОЛИҚ INFO Ўзбекистон Республикасининг Давлат Солиқ қўмитасининг иқтисодий-ижтимоий газетаси №3 17-январ 2009 йил

ҳисобот йилининг 1 октябригача этиб белгиланган. Бунда тўланадиган суғурта бадалининг миқдори тўлов кундаги энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарорига асосан 2009 йил 1 январдан бошлаб юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслардан (якка тартибдаги тадбиркорлардан) олинадиган қатъи белгиланган солиқ ставкалари 2008 йилга нисбатан ўртача 1,3 баробарга пасайтирилди.³⁰

“Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, дивиденд тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисида Низом қабул қилинди. Мазкур Низом Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилиб, 2009 йил 10 февралда Адлия вазирлиги томонидан 1901-сон билан рўйхатдан ўтказилган ҳамда 2009 йилнинг 20 февралидан кучга кирди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатимизни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналиши этиб белгиланган. Мазкур дастурда иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

2009 йилнинг 4-5 декабрь кунлари Олий Мажлис Сенатининг XX ялпи мажлисида маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига

³⁰ СОЛИҚ INFO Ўзбекистон Республикасининг Давлат Солиқ қўмитасининг иқтисодий-ижтимоий газетаси №3 24-январ 2009 йил

Ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун иқтисодий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунларни такомиллаштириш. Ушбу қонунга асосан, солиқ кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартишларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳга кодекснинг умумий қисмига, иккинчи гуруҳга эса тўғри махсус қисм нормаларига киритилган қўшимча ва ўзгартишлар.

2011 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида улар учун ягона солиқ тўловининг базавий ставкасини 7 фоиздан 6 фоизгача камайтириш назарда тутилган. Шу билан бирга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ солиш шкаласининг энг кам ва ўрта ставкаларини бир фоизли бандга камайтириш назарда тутилмоқда, бу эса барча гуруҳлардаги солиқ тўловчилар учун солиқ миқдорини камайтириш имконини беради.³¹

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари яратилиши ўз босқичига эга. Бу албатта, солиқ тизимининг такомиллашиб бораётганлигидан далолат беради. Жамиятда ривожланиш бўлгани сари ҳар қандай тизим такомиллаши, шаклланиши лозимлиги юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкин.

Солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари тубдан ўрганиб чиқиш натижасида, бизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз республикамизнинг ўзига хос турмуш шарт-шароитлари ва хусусиятларини, халқ анъаналари ва урф одатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда солиқ тизимини ўз тараққиёт йўлимизга мос ҳолда қуриб келётганлигимиз асосланган. Айни пайтда, бизнинг йўлимиз – жаҳон амалиётида тўплаган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар орттирган ижобий тажрибаларни ҳам ҳисобга олади. Шунинг учун ҳам иқтисодиётимизнинг молиявий аҳволини барқарорлаштириш иқтисодий ислохотларимизни амалга оширишнинг муҳим шартидир.

³¹ <http://www.parliament.gov.uz/uz/events/committee/2565>

II. Боб. Солиқ ислохотларини амалга ошириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларининг таҳлили

2.1. Бюджет солиқ сиёсатининг амалдаги ҳолатининг таҳлили.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг эркинлашуви ва ислохотларнинг чуқурлашуви жараёни бюджет-солиқ тизимини ҳам мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Бюджет-солиқ сиёсати молия тизими ислохотларининг муҳим йўналиши сифатида иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда унинг барқарорлигини таъминлаш жараёнида ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ бўлиб бормоқда.³²

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Ислохотлар ва ўзгаришлар йўлида фақатгина эришилган марралар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмас.. Иқтисодиётдаги ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни ҳеч қачон ниҳоя билмайди. Бу, энг аввало, бюджет ва солиқ сиёсатидаги ислохотларни чуқурлаштириш билан боғлиқдир»³³.

Давлат бюджет-солиқ сиёсатининг стратегик вазифаси давлат маблағларини тузилмавий қайта қуришни, иқтисодий мустақилликни ва охир-оқибатда аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминлаш учун ривожланётган бозор иқтисодиёти ва унинг инфратузилмасига мақсадлитаъсир кўрсатишга йўналтиришдан иборат. Бу ерда бюджет-солиқ сиёсати деганда, давлатнинг бюджет даромадларини оптимал шакллантириш ва давлат харажатларини рационализация қилиш учун солиқ олиши такомиллаштириш соҳасидаги сиёсати тушунилади.

Солиқ ислохотларини амалга ошириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагича бўлиши мумкин:

- молиявий йил давомида солиқлар ва солиқсиз тўловларнинг ягоналиги, зиддиятсизлиги ва ўзгармаслигини таъминловчи барқарор солиқ тизимини вужудга келтириш;

³² Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги, Ваҳобов А.В., Қосимова Г.А., Жамолов Х.Н. Тошкент «IQTISOD-MOLIYA» 2005 3-бет

³³И. Каримов. Мирная жизнь и безопасность страны зависят от единства и твердой воли нашего народа. Т.: Узбекистан, 2004. стр 157-158.

- етарли даражада тушум бермайдиган мақсадли солиқларни бекор қилиш ва уларни йириклаштириш билан солиқлар сонини камайтириш;
- пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш йўналиши ва бюджетнинг даромадли қисмини шакллантиришнинг норматив тартибини сақлаб қолган ҳолда давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларини давлат бюджетига консолидация қилиш;
- маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларга нисбатан солиқ юқини оўйрилигини енгиллаштириш ва бир вақтнинг ўзида солиқларнинг ундирилиш даражасини оширувчи механизмни жорий этишни аниқ белгилаш асосида икки марта солиққа тортилишга йўл қўймаслик;
- бюджетларнинг турли даражаларига ҳар бир солиқдан тушумнинг минимал ҳиссаларини ўрнатиш орқали федерализминини ривожлантириш;
- солиқ имтиёзларини камайтириш ва уларни солиққа тортишнинг умумий тартибидан (режимидан) чиқариш;
- акцизларнинг ўзига хос ставкаларини ўрнатиш амалиётини кенгайтириш;
- минимал хом ашёнинг алоҳида турларидаги акцизларни ресурс тўловлари билан алмаштириш;
- экологик солиқлар ва жарималарнинг салмоғини ошириш;
- ва бошқалар.³⁴

Давлат бюджетининг даромад қисмида қуйидаги ўзгаришлар юз берди:

- даромадларни таснифлаш ўзгартирилди (тўғри, эгри солиқлар, ресурслар учун тўловлар ва бошқалар);
- Айланмадан солиқ ўрнига қўшилган қиймат солиғи ва тор доирадаги товарлар учун акциз солиғи жорий қилинди, бу солиқлар 1992 йилда давлат

³⁴ Молия: умумдавлат молияси. Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров. Тошкент “Иқтисод-Молия” 2009 йил. 92-93 бетлар.

бюджети тушумларининг тегишлича 27,4 ва 27,5%ни таъминлади, жами бўлиб эса солиқ тушумларининг деярли 55%ини ташкил қилди.

Янги солиқ турлари пайдо бўлди:

- юридик шахслар фойдасига солиқлар;
- жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятдан олган фойдасига солиқлар;
- минерал – хомашё ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар;
- божхона божлари.


Фойда солиғи концепцияси ўзгарди: 1992 йилда бу солиққа корхоналар даромадларидан ундириладиган солиқ ҳам қўшиладиган бўлди, бу эса тушумлар миқдорини анча кўпайтирди (йиғилган умумий солиқлар суммасини 13%дан 17,6%га оширишга имконият яратди).

- мулк солиғи пайдо бўлди, бу эса эътироф этилган хусусий мулк пайдо бўлганлигининг ифодаси эди.

- солиқ ва носолиқ тушумлари нисбатида носолиқ тушумлари сари тузилмавий силжишлар юз берди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда қабул қилинган классик тизимдан фарқ қилган ҳолда Ўзбекистонда бюджет моддаларининг вазифа жиҳатидан таснифлаш, яъни бюджет харажатларини йўналишлар бўйича тўғри тақсимлаш сақланиб қолди, классик схемада эса реал ва трансферт харажатлари алоҳида кўрсатилади.³⁵

³⁵ А.Воҳобов, З.Срожиддинова, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети. Ўқув қўлланба Тошкент 2002йил

Давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан % ҳисобид ³⁶

Давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан 1998 йили 32,4%дан 2012 йили 21,3%га, ёки 11,1 фоизли пунктга пасайган, бу эса ЯИМга солиқ босимининг бирмунча пасайганлигидан далолат беради. Республикада кичик корхоналарни солиққа тортиш механизми мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб такомиллаштирилиб келинмоқда. Ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижалари эса, иқтисодиётнинг макроиқтисодий кўрсаткичларида ўз аксини топмоқда. Жумладан, кичик бизнес субъектларининг ЯИМдаги улуши 2005 йилда 38,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда 50,1фоизни ташкил этиб, 2005-2010 йилларда 11,9 фоизга ўсди. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида республикада кичик бизнес корхоналарининг жами корхоналарга нисбатан улуши юқори бўлиши билан бир қаторда, бу ҳолат ташқи савдо айланмаси ва мамлакатнинг экспорти таркибидаги улушида ҳам кузатилмоқда. Бундан ташқари, 2010 йилда янги ташкил қилинган иш ўринларининг 65 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келмоқда.³⁷ Эришилаётган натижалар эса, мазкур субъектлар фаолиятини рағбатлантиришга доир қонунчилик

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.


³⁷ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.- Т.: «Ўзбекистон», 2011.-48-б.

базасининг мунтазам такомиллаштирилиб келинаётганлигидан далолат беради.

Бу ҳақда фикр юритар экан Президент И.Каримов шундай таъкидлайди: «Солиқ сиёсатини такомиллаштириш иқтисодий тартиб-аъдоби барқарорлаштиришга ва молиявий аҳволни мустаҳкамлашга оид муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бозормуносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади»³⁸

Демак, Давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан қанча улушини ташкил этиши ва у аҳоли ишлаб чиқарган маҳсулотлар (хизмат)га қанчалик оғирлик туғдираётганлигини таҳлил қиладиган бўлсак, босқичма босқич тушиб келганлигининг гувоҳи бўламиз. Яъни 1998 йилдан бошлаб 2007 йилгача кескин тарзида тушиб келган, лекин давлат бюджети даромадларини мустаҳкамлаш учун анча кенг кўламдаги ўзгаришларга йўл қойилди, шунинг учун 2008 дан бошлаб ЯИМга нисбатан давлат бюджети даромадлари босқичма-босқич оптималлаштирилди. Яъни 2009 йилгача босқичма – босқич кўтарилиб бошлади ва 2010 йилга келиб паска тушиш тенденциясига эга бўлди.

³⁸Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998.-358 б.

Давлат бюджети даромадлар таркиби ЯИМга нисбатан %да³⁹

1998 йилда йилда давлат бюджетига тўғри солиқларнинг тушуми ЯИМнинг 10,2%, 1999 йилда 8,9%, 2000 йилда 7,5%ни ташкил қилди. 2001-2002 йилларда бу кўрсаткич аста-секинлик билан мос равишда 7,4% ва 6,8%гача пасайди.

Бюджет даромадларининг камайиши юридик ва жисмоний шахсларни даромад солиғига тортиш ставкасини пасайтирилиши оқибатида тўғри солиқлар бўйича тушумларни ЯИМга нисбатан 2002 йили 6,8% дан 2003 йили 6,4% гача ва бошқа даромадларни 2002 йили 2,2%дан 2003 йили 1,1% гача камайиши ҳисобига рўй берди.

Эгри солиқлар бўйича тушумларни ЯИМга нисбатан улуши 1998 йили 16,6%, 1999 йили 16,4%, 2000 йили 16%, 2001 йили 13,5%, 2002 йили 13,8%гача пасайди.

2003 йилда ЯИМга нисбатан эгри солиқлар улуши 13,8% дан 14,0% гача, ресурс тўловлари ва мулк солиғи улуши эса тегишли солиқларни қатъи белгиланган тариф ставкаларига ўтиш натижасида 1,9 дан 2,3%гача ошди.

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Ушбу солиқларни йиғиш орқали 2005 йилнинг 1 чорагида давлат бюджетининг 60% даромадлари шакллантирилди ва уларнинг улуши ЯИМга нисбатан 17,5%ни ташкил этди. Бу эса маълум даражада солиққа тортиш базасини кенгайтишига ва тўғри солиқлар улушининг ошишига олиб келди (2004й. 6%дан 2005 йили 5,7%гача). Акциз солиқларини ҳисоблаш учун белгиланган ставкаларни ҳисоблаш учун белгиланган ставкаларни қўллаш натижасида ювиш совунлари, гуруч-сули, нефт ва газ конденсатларига акциз солиғини бекор қилиниши ва табиий газга акциз солиғини пасайтирилиши (19%гача) ЯИМда эгри солиқлар улушини камайтишига олиб келди (2004й. 13,8%дан 2005й. 10,2%гача). Ресурсларга солиқ ставкаларини ошириш (табиий газ, газ конденсатлари ва нефт) шунингдек, бошқа табиий ресурсларга амал қилаётган ставкаларнинг 1,3 марта индексация қилиниши натижасида ресурс тўловлари ва мулк солиқлари бўйича тушумлар ортган (2004й. 2,6%дан 2005й. 4%гача).

Тўғри солиқлар мамлакат ичкарисида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар бўйича (2005 йили 5,7%, 2006 йилда 5,3%, 2007й. 4,3%, 2008й. 4,8%, 2009й. 5,8%, 2010й. 5,5%) ва эгри солиқлар (2005 йили 10,2%га, 2006 йилда 9,4%, 2007й. 8,8%, 2008й. 9,5%, 2009й. 10,7%, 2010й. 11,3%) улушини таъмин этилди.


Давлат бюджети даромадлари таркибида ЯИМга нисбатан эгри солиқларининг ўрни каттадир, у 1998 йилдан 2000 йилгача секинлик билан тушиш тенденциясига эга бўлган ва 2001 йилдан кескин туша бошлаган бу эса товар (иш, хизмат)ларни истеъмол қилувчилар зиммасига тушадиган солиқларнинг кескин даражада пасайишини билдиради. Яна бу хол 2005 йилда кўзга ташланади ва 2007 йилгача давом этилади. 2008 йилдан бошлаб босқичма-босқич бюджет даромадларини шакллантириш мақсадида истеъмолчиларга солиқ оғирлиги барқарор тусга кириб бошлайди.

Давлат бюджети даромадлари таркибида ЯИМга нисбатан туғри солиқлар ҳам ўз ўрнига эга. Тўғри солиқларда солиқ оғирлиги айнан солиқни

бюджетга ҳисоблаб ўтказувчи солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқлар 1998 йилдан бошлаб босқичма-босқич тушиш тенденциясига эга, бу ҳол 2007 йилгача давом этди ва 2008 йилдан бошлаб бироз кўтарилиш тенденциясига эга. 2010 йилда эса бу кўрсаткич ўз барқарор тусга кириб бошлади.

2.1.3-диаграмма

Давлат бюджети тўғри солиқлар таркиби ЯИМга нисбатан %⁴⁰



Тўғри солиқларнинг бундай пасайишининг сабаби - юридик шахслар даромад солиғининг ставкаси 2000 йилдан 31%дан, 26%, 24%гача пасайганлиги, ва шу орқали бу солиқ бўйича тушумлар ҳажмининг 2002 йилда 2000 йилга нисбатан ЯИМдаги улуши 0,7% пунктига камайганлигидадир (1998й. 6,1%, 1999 й. 8,9%, 2000 й. 7,5%, 2001й. 7,4%, 2002 й. 6,8%гача).

Жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича тушумлар бир оз пасайди, (ЯИМда улуши 1998й. 3,6%, 1999й. 3,2%, 2000й. 3%, 2002й. 2,9%), бу пасайиш солиқ ставкасининг 1998-2002 йилларда мос равишда 45%, 40%, 35%, ва 33%гача камайтирилганлиги ҳисобига бўлди.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи бўйича солиқ ставкаларининг 15% дан 12% гача пасайтирилиши 2006 йилнинг бошидан 9 ойлигини ҳисобланганда қарийб 37 млрд. сўмни, дивидендлар ва юридик шахслар фоизларидан олинadиган солиқ ставкасининг 15% дан 10%га пасайтирилиши 7,0 млрд. сўмдан ошиқроқ маблағни корхоналар ихтиёрида қолдириш имконини берди.

Юридик шахслар даромад солиғининг ставкаси йилдан йилга пасайиши ва солиқ базасининг кенгайиши сабабли 2010 йилда 2002 йилга нисбатан ЯИМга нисбатан солиқ оғирлиги 1,3% пунктга камайганлигида кўринади. (2003й. 6,4%, 2004й. 5,8%, 2005й. 5,4%, 2006й. 5,3%, 2007 й. 4,3%, 2008 й. 4,8%, 2009 й. 5,8%, 2010й. 5,5%гача).


Жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича тушумлар бир оз пасайди, (ЯИМда улуши 2003й. 2,9%, 2004й. 2,7%, 2005й. 2,9%, 2006й. 2,9%, 2007й. 2,4%, 2008й. 2,4%, 2009й. 2,7%), бу пасайиш солиқ ставкасининг 2002-2010 йилларда мос равишда 33% ва 22%гача камайтирилганлиги ҳисобига бўлди.

Туғри солиқлар таркибида ЯИМга нисбатан Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи билан Юридик шахслардан олинadиган фойда (даромад) солиғи кўпроқ улишини тақил этади. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ЯИМга нисбатан 1998 йилда 3,6%ни ташкил этган бўлса 2009 йилга келиб 2,7%ни ташкил этди. Бу эса жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг босқичма-босқич кўтарилиб тушиш тенденциясига эгаллигини билдиради.

Юридик шахслардан олинadиган фойда (даромад) солиғи ЯИМдаги улуши 1998 йилдан бошлаб 1999 йилгача кўтарилиш кўзатилган, лекин, 2000 йилдан бошлаб 2007 йилгача бўлган даврда босқичма-босқич тушиб борган. 2008 йилга келиб бу кўрсаткич аста секинлик билан такомиллашиб борилган.

2.1.4-диаграмма

Давлат бюджети таркибида эгри солиқлар ЯИМга нисбатан %да ⁴¹



Кўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) бўйича тушум ЯИМга нисбатан 1998й. 7,1%, 1999й. 8,1%, 2000 й. 5,9%, 2001й. 5,8%, 2002 й. 6,8%га пасайди. Акцизлардан тушумлар улуши ЯИМга нисбатан 1998й. 3,8%, 1999й. 4,5%, 2000 й. 3,7%, 2001й. 6,9%, 2002 й. 6,4% кузатилди. Бундай пасайишга қарамасдан, эгри солиқлар давлат бюджети тушумларининг ярмидан кўпини ташкил этади, (2002 йилнинг давлат бюджети даромадларининг 54,8%). Давлат бюджети даромадларини шакллантирувчи асосий сорлиқлар бўлиб ҚҚС, акцизлар, ҳуқуқий шахслар даромадларидан (фойдасидан) солиқлар ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиқлари ҳисобланади.

Кўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар мамлакат ичкарисида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар бўйича қўшимча қиймат солиғидан тушган тушумлар 2003 йили 5,4%, 2004 йили 5,3%, 2005 йилда 4,7% бўлган бўлса 2006 йилда 4,8% гача ортди. Аини пайтда, ушбу солиқ ўз ичига иқтисодиётнинг реал секторидаги хўжалик субъектларининг меҳнатга тўлов жамғармаси ва даромадини ўз ичига оладиган қўшимча қийматдан

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

ундирилишини ҳисобга олган ҳолда, ушбу тушумларнинг ўсиши ишлаб чиқариш соҳасидаги ижобий ўзгаришлардан дарак беради.


Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) бўйича тушум ЯИМга нисбатан 2007й. 4,5%, 2008й. 5,3%, 2009 й. 6,4%, 2010й. 6,4%га ортди. Акцизлардан тушумлар улуши ЯИМга нисбатан 2003й. 7%, 2004й. 7,2%, 2005 й. 4,3%, 2006й. 3,6%, 2007й. 3,2%, 2008й. 3,1%, 2009й. 3,1%, 2010й. 3,5% кузатилди. Бундай пасайишга қарамасдан, эгри солиқлар давлат бюджети тушумларининг ярмидан кўпини ташкил этади, (2010 йилнинг давлат бюджети даромадларининг 53,5%).

Давлат бюджети даромадлари таркибида эгри солиқлар тушумлари барча даромадларнинг ярмидан кўпроқ қисмини ташкил этиб келмоқда. Уларнинг улуши 1998 йили 51,2%, 1999йили 54,7%, 2000 йили 56,1% 2001 йили 51,9% 2002 йилда 54,8% дан 2003 йилда 57,9%гача ортди. Тўғри солиқлар улуши 1998 йили 31,5%, 1999 йили 29,7%, 2000 йили 26,3%, 2001 йили 28,5%, 2002 йилда 27%, 2003 йилдан 26,4% гача камайди. Бундан ташқари, ресур тўловлари ва мулк солиғи бўйича тушумлар 1998 йили 12%, 1999 йили 11%, 2000 йили 9,8%, 2001 йили 9,2%, 2002 йилда 7,5%дан 2003йили 9,5% гача ўсиши қайд қилинган.

Эгри солиқлар таркибидан ЯИМдаги улушини кўпроқ қисмини ҚҚС билан акциз солиғи ташкил этади. 1998 йилда ЯИМ таркибида акциз солиғига қараганда ҚҚС нинг улуши баланд келган бўлса, 2000 йилдан бошлаб ҚҚС га қараганда акциз солиғининг ЯИМдаги улуши 2005 йилгача баланд келган. 2005 йилдан бошлаб яна ўз ўрнига қайтган.

2.1.5-диаграмма

Давлат бюджети даромадларининг таркиби якунига нисбатан %да⁴²



Хўжалик юритувчи субъектлар солиқларни ўз вақтида тўлаши ва йиғимлар бошқа мажбуриятлари бўйича молиявий интизомни мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган чоралар давлат бюджети даромад қисмини 2005 йил 1 чорагида 728,8 млрд.сўм ёки башорат қилинганига нисбатан 103%га бажарилишини таъминлади.

Эгри солиқлар давлат бюджетининг даромадларида 2005 йили 49,2% 2006 йили 49,1%га камайди, бу экология солиғининг бекор қилиниши, ягона ижтимоий тўлов ставкаси пасайтирилишининг натижаси бўлди ва ўз навбатида корхоналарда ишлаб чиқаришнинг кенгайишига таъсир қилди ҳамда, мувофиқ тарзда иқтисодиётда товар айланмасининг ортишига олиб келди.

Умумий даромадларда ресурс тўловлари ва мулк солиғи улушининг ортиши, солиқ сиёсатининг жорий ва ўтган йилларда назарда тутилган асосий йўналишларидан бири ҳисобланади, бунинг натижасида, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражасига етишиш бўйича қўйилган

⁴² Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.


мақсадга янада самарали ва оқилона эришиладики, бу изчил иқтисодий ўсишга мувофиқ келади. Мазкур чоралар, бюджетнинг умумий тушумларида ресурс тўловлари улушининг ортишига таъсир қилдики, у 2003 йил (9,5%), 2004 йил (11,6%) ва 2005 йилга (19%) нисбатан 2006йили 19% га етди.

Давлат бюджети даромадлари таркибида эгри солиқлар тушумлари ҳамон барча даромадларнинг ярмидан кўпроқ қисмини ташкил этиб келмоқда. Уларнинг улуши 2007 йили 48,6%, 2008 йили 50,2%, 2009 йили 49,5% 2010 йили 53,2%гача ортди. Тўғри солиқлар улуши 2003 йили 26,4%, 2004 йили 25,8%, 2005 йили 26,2%, 2006 йили 27,6%, 2007 йилда 23,9%, 2008 йилда 25,3%, 2009 йилда 26,6%, 2010 йилда 26,1%, 2003 йилдан то 2010 йилгача 0,3%ли пағонага камайган. Бундан ташқари, ресур тўловлари ва мулк солиғи бўйича тушумлар 2007 йили 18,3%, 2008 йил 17,1%, 2009 йилда 16%дан, 2010 йили 15,1% гача қайд қилинган.

Давлат бюджетининг таркибини эгри солиқлар ярмини ташкил этади. 1998 йилдан бошлаб 2001 йилгача бу кўрсаткич давлат бюджетида ўз босимини ўтказиб келган ва 2001 йили озгиза пасайиш кўзатилган ва 2001 йилдан бошлаб 2005 йилгача жуда кескин тарзда кўтарилиб 2005 йилдан 2010 йилгача барқарор тарзда ушланган. Тўғри солиқлар эса босқичма – босқич пасайиш тенденциясига эга.

2.1.6-диаграмма

Давлат бюджетида тўғри солиқларнинг таркиби %да⁴³



Тўғри солиқларнинг таркибида юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи ва жисмоний шахслар даромад солиқларидан тушган тушумлар аҳамиятли ўринга эга. 2000-2002 йилларда тўғри солиқларнинг таркиби ўзгарганлигини айтиб ўтиш жоиз. Агар 1998 йилда тўғри солиқларнинг умумий ҳажмида юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғининг улуши 59,5%ни ташкил қилган бўлса, 1999 йили 47,4%, 2000 йили 35,9%, 2001 йили 33,1%, 2002 йилга келиб, бу кўрсаткич 40,3%га тенг бўлди (19,2 фоиз пунктга пасайди). Жисмоний шахслар даромад солиғидан тушган тушумларнинг улуши 1998й. 34,8%, 1999й. 35,7%, 2000й. 40,4%, 2001й 39,5%, 2002 йил 42,4%гача ошди. 2001 йилда кичик корхоналар учун енгиллаштирилган солиқ тизими, яъни ягона солиқ жорий этилди. Ягона солиқ улуши 2001 йилдаги 7,9%дан 2002 йилда 13,1%гача кўпайди.

2003 йилда тўғри солиқлар таркибида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи энг катта салмоқни ташкил қилмоқда. Ушбу солиқнинг улуши 2003 йилда 3,4 фоизли пағонага ўсди ва 45,8% етди. Бу

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Ўсиш жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқнинг максимал ставкасини 33% дан 32%гача пасайтирилиши натижасида солиққа тортиладиган асоснинг кенгайтирилиши ҳисобига таъминланди. Шу билан бирга, юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи улушининг 35,4%дан 33,4% гача камайиши (2002 йилдаги 24% нисбатан 2003 йилда 20%) кузатилган, бу ушбу солиқ ставкасининг пастлиги билан изоҳланади.

2004 йилда тўғри солиқлар таркибида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи энг катта салмоқни ташкил этмоқда. Ушбу солиқнинг улуши жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ ставкасини пасайиши ҳисобига 2004 йилда 47,2%ни ташкил қилди. Шу билан бир вақтда микрофирмалар ва кичик корхоналардан олинадиган ягона солиқ улуши камайиши ҳам кузатилди (14,1%дан 10,2%гача), бу эса савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини ялпи даромад бўйича солиқ тўлашга ўтганлиги билан изоҳланади.

2005 йилда тўғри солиқлар таркиби таҳлили кўрсатишича, жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқлар улуши, аксарият жиҳатдан фуқароларни шахсий жамғариш пенсия ҳисоб-рақамларига йўналтирилган ҳар ойда тўланадиган бадаллари миқдорига ушбу солиқни камайиши ва солиқ тушимларини такомиллаштириш натижасида 2004й. 47%дан 2005й. 53,8%гача кўпайган. Шу билан бир вақтда кичик фирмалар ва кичик корхоналардан олинадиган ягона солиқ улушини ошиши кузатилмоқда (2004й. 10,2%дан 2005й. 9.3%гача), бу эса маълум даражада солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаётган кичик фирма ва кичик корхонлар учун ягона солиқ ставкасини такомиллашиб бораётганлиги билан боғлиқ. Ушбу хулосани кичик корхоналарни даромадаларини ўсишига ушбу солиқни таъсирини эконометрик таҳлили натижалари ҳам тасдиқлайди, яъни солиқ ставкасини такомиллашиши натижасида, уларнинг даромадлари инфляцияни⁴⁴ ҳисобга олганда 11,9%га ошади.


⁴⁴С.Чепель. Бюджет соҳасини тартибга солишда макроиктисодий тенденциялар ва уларнинг иктисодиёт учун оқибатлари: эконометрик ёндашув «Ўзбекистон иктисодиёти» таҳлилий шарҳида № 9. 2005 йил.

Тўғри солиқларнинг таркибида юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи ва жисмоний шахслар даромад солиқларидан тушган тушумлар аҳамиятли ўринга эга. 2003-2010 йилларда тўғри солиқларнинг таркиби ўзгарганлигини айтиб ўтиш жоиз. Агар 2003 йилда тўғри солиқларнинг умумий ҳажмида юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғининг улуши 33,4%ни ташкил қилган бўлса, 2004 йили 39,4%, 2005 йили 24,2%, 2006йили 19,6%, 2007йили 21,5%, 2008йили 20,1%, 2009йили 19,6%, 2010 йилга келиб, бу кўрсаткич 19,5%га тенг бўлди (19,9 фоизли пунктга пасайди). Жисмоний шахслар даромад солиғидан тушган тушумларнинг улуши 2004й. 47%, 2005й. 53,8%, 2006й. 54,1%, 2007й 56,5%, 2008й 49,4%, 2009й 46,3%гача пасайди.

Тўғри солиқлар таркибида 1998 йилда ярмидан кўпроғини Юридик шахслар эгаллаган бўлса, бу кўрсаткич босқичма босқич пасайтирилиб бориб, жисмоний шахсларнинг улушининг оширилишига сабабчи бўлган. 2011 йилга келиб бу кўрсаткичларни барқарорлаштириш прогноз қилинган.

2.1.7-диаграмма

Давлат бюджетида эгри солиқларнинг таркиби (%)⁴⁵



Эгри солиқлар асосан, ҚҚС ва акцизлар ҳисобига ҳосил бўлди. 1998 йилда ҚҚС ва акцизлар бўйича тушумлари 43,1% ва 22,8%, 1999 йили 49,6% ва 27,3%, 2000 йили 37,1% ва 23,3%, 2001 йили 42,7% 51,2%, 2002 йили 49,5% 46,5%ларни ташкил қилди. Божхона тўловлари бўйича тушумлар 1998й. 3,6%, 1999й. 3,2%, 2000 йили 1,6%, 2001йили 2,8%ни ташкил қилди ва 2002 йилга бориб 5,2%гача ошди. Янгидан жорий қилинган бензин истеъмоли солиғи бўйича тушумлар барча эгри солиқлар тушумларининг 2,9%ини ташкил қилди.

2003 йилда эгри солиқлар таркиби таҳлилининг кўрсатишича, тадқиқ этилаётган давр мобайнида акциз солиғининг қатъи белгиланган ставкаларига ўтиш ва уни кўпроқ олиниши ҳисобига акцизлар улуши 2002

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

йили 46,5% дан 2003 йили 50,3% гача ортди. Шу билан бирга солиқ ставкаларини бир хил асосга келтирилиши оқибатида ҚҚС улуши 2002 йили 49,5% дан 38,9% гача камайди.

2004 йилда эгри солиқлар таркиби таҳлили шундан далолат берадики, таҳлил қилинаётган даврда озиқ-овқат спиртига акциз ставкаларини пасайиши натижасида акцизлар улуши (2003й 50,3%дан 2004 й. 51,9%гача), табиий газ ва бензинга акциз йиғимлари бўйича тушумларнинг ўсиши (3%дан 3,6%гача) оқибатида қўшилган қийматда солиқ улуши кўпайиш кузатила бошлади (38,9%дан 38,7%гача).

2005 йилда эгри солиқлар таркибини таҳлили шундан далолат берадики, таҳлил қилинаётган даврда акциз солиғининг улушини пасайиши (2004й. 51,9%дан 2005й. 42,5%гача), жисмоний шахслар томонидан бензин, дизел ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газдан фойдаланганлиги учун келиб тушган солиқлар улушини ортиши (2004й. 3,6%дан 2005й. 3,9%гача), шунингдек, импортни ўсиши оқибатида бож тўловлари улушини (2004й. 5,6%дан 2005й. 4,1%гача) натижасида қўшилган қийматда солиқлар улуши (2004й. 38,7%дан 46%гача) ортган.

Эгри солиқлар асосан, ҚҚС ва акцизлар ҳисобига ҳосил бўлди. 2005 йилда ҚҚС ва акцизлар бўйича тушумлари 46% ва 42,5%, 2006 йили 51,2% ва 38,3%, 2007 йили 50,9% ва 36,9%, 2008 йили 56% 32,8%, 2009 йили 59,9% 29,1%, 2010 йили 57,2% ва 31,4%ларни ташкил қилди. Божхона тўловлари бўйича тушумлар 2005й. 4,1%, 2006й. 4,4%, 2007 йили 4,7%, 2008 йили 6,9%, 2009 йили 7%, 2010йили 6,9%ни ташкил қилди ва 2002 йилга нисбатан 2010 йили 1,7%ли пағонага ошди. Янгидан жорий қилинган бензин истеъмоли солиғи бўйича тушумлар барча эгри солиқлар тушумларининг 2010 йилда 5%ини ташкил қилди.

Юқорида кўрсатилган ташкилий бошқарув характердаги камчиликлар натижасида иқтисодий ривожланишнинг аниқ ҳаракатини, иқтисодиётни бир бутун бўлиши учун унинг қисмлар ўртасидаги пропорцияни бузади. Шундай

килиб, институционал механизмларни яратиш зарурияти туғилиб, у иқтисодий сиёсатнинг технологик жараёнларидаги бўшлиқларни боғлаб, бир бутун самарали бошқарув тизимини ташкил қилади. Масалан, бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда Молия вазирлиги, Марказий банк, Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа идоралар биргаликда ишлаб чиққан дастурий хужжатларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим йўналишларида давлат бошқарувининг мақсадлари, устувор вазифалари ва фаолияти ойдинлашади.

Эгри солиқлар таркибида ҚҚС нинг улуши баланд бўлиб, 2001 йилга келиб ҚҚСга қараганда акциз солиғининг улуши ортган ва бу кўсаткич 2005 йилгача сақланган. 2010 йилга келиб эгри солиқлар таркибида ҚҚС улуши ярмидан ошган, акциз солиғининг улуши эса аввалги ҳолатига қайтган.

Давлат бюджет даромадлари 1998 йилдан то 2010 йилгача бўлган даврларда такомиллашиб борган. Солиқ базасининг ортиши солиқ ставкаларини барқарорлашиши билан изоҳланади.

2.2. Солиқ ставкалари ва солиқларни унификациялашнинг иқтисодий ҳолати таҳлили

Тўлов манбаида солиқ солиш тўлов Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг ҳудудидан ташқарида содир этилганлигидан қатъи назар амалга оширилади.

Солиқларнинг малакат иқтисодиётига таъсири, асосан, уларнинг ставкалари даражасининг миқдори билан белгиланади. Республика солиқ тизимининг шаклланишини ҳозирги босқичида солиқ ставкаларининг даражаси энг мунозарали масалалардан ҳисобланади.

Солиқ ставкалари республика ва маҳаллий бюджет харажатларини маблағ билан таъминлашда мувозанат даражасини ҳамда хўжалик субъектларининг молиявий имкониятларни белгилайди. Демак, улар молия-бюджет муносабатларини соғломлаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Солиқ ставкалари корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаганлари ҳолда, молия-бюджет муносабатларининг пул муомаласига кўрсатадиган салбий таъсирига барҳам бера олиши ҳам керак. Бу эса, республикада амалга оширилаётган солиқ ислохотининг муҳим жиҳатини ташкил этади.

Солиқ элементлари таркибида солиқ ставкалари алоҳида ўрин тутди. Иқтисодий адабиётларда солиқ ставкаси деганда солиқ объектининг ҳар бир солиқ бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёр тушунилади.

Солиқ ставкасининг аҳамияти солиқ объектини қанча қисми қандай миқдорда иажбурий тўлов сифатида бюджетга ундиришини характерлайдиган масалага жавоб беради.


Солиқ ставкаларини моҳияти шундаки, улар солиқ объекти, солиқ бирлиги ва солиқ нормаларига асосланган ҳолда солиқ механизминини самарали ишлашини таъминлайди. Солиқ ставкаларидан давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш воситаси сифатида фойдаланилса, бошқа томондан солиқ имтиёзларини бир тури сифатида улар орқали ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбатлантириш ролидан фойдаланилади.

Солиқ ставкалари икки хил кўринишда: қатъи ставкаларда ва нисбий (фоиз) ставкаларда ифодаланади. Солиқ ставкаси қатъи ставкада белгиланган ҳолда солиқ объектига нисбатан қатъи сўмда белгиланади. Масалан, ер солиғининг ҳар бир гектари учун қатъи сўмда солиқ миқдори ўрнатилган. Юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадларига, мол-мулкларига эса нисбий ставкада ёки фоизда солиқ миқдори белгиланган.

Солиқ ставкаси билан солиққа тортиш объекти ўртасидаги боғлиқлик даражасига қараб солиқ ставкаларини пропорсионал, прогрессив ва регрессив каби турларга ажратиш мумкин.

Солиқ ставкалари ундирилишига, моҳиятига ва амал қилиш нуқтайи назаридан бир неча турларга ажратилади.

2.2.1-чизма⁴⁶



2.2.1 -чизма. Солиқ ставкаси турлари.

Солиқ ставкалари турларидан бири – бу пропорсионал солиқ ставкалари бўлиб, бу солиқ ставкаларининг асосий моҳияти шундан иборатки, солиқ тўловчи эга бўлган фойда (даромад), дивиденд, оборот ёки мол-мулк қийматининг ҳажми (суммаси) қанча бўлишдан қатъи назар бир хил тартибда, яъни бир хил фоизда солиқ ставкаси қўлланилади.

Пропорсионал солиқ ставкаси ўзгармас солиқ ставкаси бўлиб, унинг миқдори (фоизи) солиқ объектининг ҳажмига боғлиқ бўлмайди. Бу бир томондан юқори даромадга (оборотга) эга бўлган солиқ тўловчилар учун

⁴⁶Солиқлар ва солиққа тортиш. А.Ваҳобов, А.Жўрайев. “Шарқ” Нашриёт-Матбаа Аксиядорлик Компанияси Бош таҳририяти. Тошкент-2009йил. 1.3.1-чизма. Солиқ ставкаси турлари. 28-бет.

кулай солиқ ставкалари ҳисоблансада, айрим солиқ тўловчилар учун нокулайлик туғдириши мумкин, яъни ушбу солиқ ставкаси солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини бажармайди.

Солиқ ставкаларининг кейинги тури прогрессив солиқ ставкаси ҳисобланади. Прогрессив солиқ ставкаси моҳияти жиҳатидан пропорционал солиқ ставкасига нисбатан тесқари ҳолатда амал қилиб, унга мувофиқ солиқ тўловчиларнинг даромадлари, фойдаси ёки обороти ортиб, ўсиб боришига мувофиқ тарзда солиқ ставкасининг ҳам ортиб бориши тушунилади. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида буни жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи мисолида кўриш мумкин. Бунга мувофиқ, жисмоний шахсларнинг олган даромади ошиб бориши билан бирга белгиланган шкала асосида солиқ ставкаси ҳам ошиб боради.

Демак, бундан кўринадики, прогрессив солиқ ставкасида солиқ объектининг ошиб боришига мутаносиб равишда солиқ ставкаси ҳам ошиб боради. Қайд этиш лозимки, кўпгина иқтисодий адабиётларда прогрессив солиқ ставкаси деганда фақат жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича ставкалар келтирилади. Прогрессив солиқ ставкасининг икки тури мавжуд: оддий прогрессия ва мураккаб прогрессия. Оддий прогрессияда солиқнинг орттирилган ставкаси солиққа тортиладиган барча объектга нисбатан қўлланилади, мураккаб прогрессияда эса солиққа тортиш объекти қисмларга бўлинади, уларнинг ҳар бири ўз ставкаси бўйича солиққа тортилади, яъни ортирилган ставкалар бутун объектга нисбатан эмас, балки бундан олдинги босқичдан ортган қисмига нисбатан қўлланилади. Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ ставкалари мураккаб прогрессия ҳисобланади.

Прогрессив солиқ ставкасининг камчилиги шундаки, бу солиқ ставкалари солиқ тўловчиларнинг даромад олиш манфаатдорлигини рағбатлантирмайди, шунинг учун прогрессив солиқ ставкаларини қўллаганда муайян чегарага қадар солиқ ставкасини ошиб боришини таъминлаган ҳолда

сўнгра регрессив солиқ ставкаларини жорий этиш солиқ тўловчилар манфаатларига мос келади. Шунинг билан биргаликда таъкидлаш лозимки, прогрессив солиқ ставкалари давлат томонидан иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солишда алоҳида аҳамиятга эга.

Солиқ ставкалари ҳақида гапирганда, пропорционал солиқ ставкаси учун нейтрал ҳолат характерли бўлса, прогрессив солиқ ставкаси солиқларнинг фискаллик хусусиятини характерлайди, яъни прогрессив солиқ ставкаларида бюджет манфаати кўпроқ юзага чиқади. Шу жиҳатдан солиқлардан адолатлилик тамоилининг амал қилишини таъминлаш мақсадида регрессив солиқ ставкаларидан фойдаланилади.

Регрессив солиқ ставкасида солиқ тўловчининг солиққа тортиладиган даромади, обороти, мол-мулк қиймати каби солиқ объектининг ортиб бориши билан солиқ ставкасининг камайиб бориши ифодаланади. Бундан кўринадики, регрессив солиқ ставкаси прогрессив солиқ ставкасига нисбатан тескари ҳодисани ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида регрессив солиқ ставкаси, асосан, солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини ошириш мақсадида қўлланилиб, бу асосан корхоналарнинг маҳсулот (хизмат, иш)ни четга экспорт қилишини рағбатлантириш мақсадида жорий етилган. Жумладан :

Фойда солиғи бўйича:

Мол-мулк солиғи бўйича , ҳам шу тартиб амал қилади.

Республикамиз солиқ тизимида экспорт фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган қатор имтиёзларнинг мавжудлиги миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ўз маҳсулотларини экспорт қилишга йўналтирувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларда узоқ йиллардан буён ягона солиқ ставкаларини жорий этиш тўғрисида бахсли мунозаралар давом этиб келаяпти.

Бу қарашларни рус олимлари А.Абалкин, П.Бенич ва бошқаларнинг илмий ишларида учратиш мумкин. Уларнинг қайд этишларига кўра корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ учун ягона ставка жорий қилиш бозор муносабатларига ўтаётган давлатлар учун мақбул ва ягона йўл эканлигини таъкидлайди. Фикрининг исботи тариқасида ягона ставка жорий қилишнинг тўрт сабабини ажратиб кўрсатади:

1. Хўжалик механизмининг ягоналиги.
2. Капитал сарфлаш соҳаларининг солиқ муносабатларига нисбатан тенглиги, бу капитални эркин ҳаракат қилиш учун асос яратади.
3. Барча корхоналарнинг солиқ тўловчилар сифатида давлат олдида тенг ҳуқуқлилиги.
4. Бозордаги рақобат курашида шароитларнинг тенглиги.

Бозор иқтисодиёти шароитида бунга қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд. Ана шундай фикрларга кўра, барча корхоналар учун ягона ставкада фойдадан солиқ олиш мақсадга мувофиқ эмасдир. Корхоналарнинг турлича молиявий шароитда бўлган ҳозирги давр ҳолатида ягона ставкани қўллаш корхонанинг молиявий эҳтиёжлари билан давлат манфаатлари юзасидан кескин қарама-қаршилиқларни юзага келтиради.

Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар солиқ тизимига эътибор қаратадиган бўлсак, улар амалиётида солиқ ставкаларини табақалаштирилган ҳолда қўлланилишини гувоҳи бўлиш мумкин.


Чунки, солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини юзага чиқиши, асосан, уч хил кўринишда юзага чиқади. Булар солиқ имтиёзларини амалга ошириш (солиқ объектини камайтириш), солиқ тўловчиларни солиқдан озод этиш ҳамда солиқ ставкаларини табақалаштириш ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, солиқ ставкаларини табақалаштириш солиқ тизими ҳамда иқтисодиётининг реал сектори учун ҳам фойдали бўлсада, аммо бу жараёнда энг асосий муаммо солиқ ставкаларини табақалаштириш масаласи ҳисобланади.

Агар, солиқ ставкаларини табақалаштиришда тўғри ва эгри солиқлар ҳолатига эътибор берадиган бўлса, эгри солиқларга нисбатан тўғри солиқларда солиқ ставкалари кўпроқ табақалашган. Бунинг асосий сабаби, солиқларнинг рағбатлантирувчилик роли, асосан, тўғри ва эгри солиқлар орқали юзага чиқиши, шунга асосланган ҳолда солиқ ставкаларини табақалаштиришда тўғри ва эгри солиқлар орқали корхоналарни турли хил фаолият бўйича рағбатлантириш ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ хўжалик юритувчи субъектлардан, асосан, сув манбаларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳамда давлат бюджетини даромад билан таъминлаш сифатида киритилган бўлиб, уни табақалаштиришда икки хил ёндашув амалга оширилган, яъни сув ресурсларидан фойдаланилганлик учун солиқ ставкалари соҳалар ва сувларни пайдо бўлиш манбаларига кўра табақалаштирилгандир.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида тўғри солиқлардан ташқари эгри солиқлар ҳам амал қилиб, ушбу солиқ турлари бўйича ҳам табақалаштирилган солиқ ставкалари қўлланилади. (2.2.2-чизма⁴⁷)



2.2.2 -чизма. Солиқ ставкаларини белгилаш мезонлари.

⁴⁷Солиқлар ва солиққа тортиш. А.Ваҳобов, А.Жўраев. “Шарқ” Нашриёт-Матбаа Аксиядорлик Компанияси Бош таҳририяти. Тошкент-2009йил. 1.3.2-чизма. Солиқ ставкаларини белгилаш мезонлари. 34-бет.

Умуман олганда, солиқ ставкаларини табақалаштириш солиқ тизимининг энг муҳим асосий муаммоларидан бири бўлиб, ўта нозик ва катта аҳамиятга эга бўлган масала қисобланади, чунки унда давлат бюджети ва солиқ тўловчиларнинг манфаатлари акс этган ҳисобланади.⁴⁸

Ставкаларни табақалаштиришни солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) ўнинчи принципи сифатида эътироф этиши мумкин. Бу ўринда ставкаларни табақалаштириш солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) принципи сифатида қаралаётган пайтда алоҳида олинган тарзда айрим солиқлар бўйича ставкаларнинг табақалаштирилиши назарда тутилаяпти. Гап, шундаки, айрим ҳолларда солиқларнинг айрим турларига нисбатан ягона ставкалар ўрнатилиши мақсадга мувофиқ эмас. Ўз фаоллик даражасига боғлиқ бўлмаган ҳолда турли субъектларда фойда нормаси даражаси ёки уларнинг рентабеллиги, олинадиган даромадлар даражаси ва ҳ.к.лар турлича бўлиши мумкин. Уларнинг хилма-хил бўлишига иқтисодиёт тармоқлари, фаолият тури, хўжалик юритиш шакли ва усули, корхоналарнинг тоифалари, тадбиркорлик фаолиятининг айрим кўринишлари ва бошқалар ўз таъсирини кўрсатади.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъи солиқ ставкаси фаолият тури (масалан, автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш, болалар ўйин автоматлари), солиқ тўловчилар (масалан, юридик ва жисмоний шахслар), фаолиятнинг шу турини характерлайдиган табиий кўрсаткичлар (масалан, эгалланган майдони ёки жиҳозланган жойлар сони) ва жойлашган жойига қараб табақалаштирилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслардан (якка тартибдаги тадбиркорлардан) олинадиган қатъи солиқ ставкаси табақалаштириляётганда фаолият тури

⁴⁸ Солиқлар ва солиққа тортиш. А.Ваҳобов, А.Жўрайев. “Шарқ” Нашриёт-Матбаа Аксиядорлик Компанияси Бош таҳририяти. Тошкент-2009йил. 28-34-бетлар.

(масалан, якана савдо, маиший хизматлар, ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, автомобиль транспорти билан юкларни етказиб бериш хизмати ва бошқалар) ва жойлашган жойи ҳисобга олинади.

Юридик ва жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи ставкалари ерларнинг тоифаларига, улар жойлашган маъмурий ҳудудларга, ерларнинг балига ва баҳоланмаган ерларга қараб табақалаштирилмоқда.

Юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи ставкаси табақалаштириладиганда юридик шахснинг товарларини экспорт қилишда иштириок этаётганлиги ёки этмаётганлиги, реализациянинг умумий ҳажмида экспорт салмоғи даражаси, асбоб-ускуналар ўрнатилганлиги ёки ўрнатилмаганлиги ҳисобга олинади ва ҳ.к.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, солиқ ставкаларини табақалаштиришни суистеъмол қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу жараён солиқ ставкаларини индивидуаллаштириш характерини олмаслиги керак.

Солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) ўн биринчи принципи сифатида солиқ ставкалари барқарорлигини кўрсатиш мумкин. Солиқ ставкалари барқарорлиги солиқ сиёсати муваффақиятини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бошқа шароитлар тен бўлганда, солиқ ставкалари қанча барқарор бўлса, солиқ сиёсати шунча муваффақиятли бўлиши мумкин.

Бироқ ўрнатилган ҳар қандай солиқ ставкалари ҳамма вақт ҳам барқарор бўлавермайди. Унинг барқарорлиги тегишли солиқнинг олдида кўйилган мақсадга қандай эришилаётганлиги билан белгиланади. Ҳар қандай солиқнинг олдида тегишли мақсадга эришиш учун бир-бири билан тен кучга эга икки вазифа, яъни бюджетни даромадлар билан таъминлаш (фискал вазифа) ва тегишли жараённи рағбатлантириш (рағбатлантирувчи вазифа) вазифаси кўйилар экан, солиқ ставкаси даражаси ана шу вазифаларнинг бир вақтда муваффақиятли бажарилишига хизмат қилмоғи лозим. Ўрнатилган солиқ ставкаси юқоридаги ҳар икки вазифанинг бажарилишига хизмат қилса,

уни ўзгартиришга ҳожат қолмайди, натижада солиқ ставкаси барқарорлиги таъминланади ёки аксинча.

Солиқ сиёсатининг муваффақиятли ишлаб чиқарилиши ва юргизилиши нуқтаи назаридан ҳам солиқ ставкалари барқарорлиги муҳим аҳамиятга эга. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам солиқ ставкалари барқарорлиги солиқ сиёсати муваффақиятини таъминлай олмаслиги мумкин. Масалан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кескин ўзгаришлар содир бўлаётган даврда солиқ ставкалари барқарорлиги самарали ва таъсирчан солиқ сиёсатини ҳаётга татбиқ этишга салбий таъсир кўрсатиши ёки бу борадаги барча саъй-ҳаракатларни йўққа чиқариб қўйиши мумкин.

Барқарор иқтисодий вазият шароитида солиқ ставкалари ҳам барқарор бўлиши мақсадга мувофиқ. Шу маънода, барқарор иқтисодий вазият солиқ ставкалари барқарорлигини тақозо этса, ўз навбатида, солиқ ставкалари барқарорлиги ҳам охир-оқибатда иқтисодий вазият барқарорлашувига муносиб ҳисса қўшиши мумкин.

Бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, солиқ ставкалари барқарорлиги муваффақиятли солиқ сиёсати ишлаб чиқилиб, юргизилаётганидан дарак беради, тадбиркорлик ва хорижий инвесторлар учун эса ўзига хос “компас” вазифасини ўтайди.⁴⁹

Солиқ ставкаларининг турлари Ўзбекистон солиқ конунчилиги буйича солиқларнинг пропорционал, прогрессив ва ноли ставкаларига амал қилинмоқда, шунингдек, регрессив ставка ҳам 1995 йилдан бошлаб кучга кирган ва уша йили тугаб кетган 2002 йилдан бошлаб юридик шахсларнинг даромадга солиғи, мол-мулк солиғида пропорционал–регрессив ставкалар кўллана бошланди.

Пропорционал солиқ ставкасида объект қандай бўлишидан қатъий назар, бир хил улушдаги (пропорцияда) солиқ тўланади.

⁴⁹ Т.С.Маликов, П.Т.Жалилов. Бюджет-солиқ сиёсати, - Т.: “Академнашр” 2011й. Б.204-207

1998 йилдан бошлаб солиқларни ташкил қилиш амалиётини чет эллардан ўрганиб, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) буйича нолли ставка, яъни экспортга товарлар юборилганда, қишлоқ хўжалиги учун ёқилги мойлаш ва минерал уғитлар ортганда ҳамда элчихоналар ва ваколатхоналарга товарлар ортганда солиққа тортиш нолли ставкада белгиланади, бунда шу маҳсулотлар буйича тамомила солиқ тўламаслик жорий этилди.

Қизиғи шундаки, илгари ҳам шу маҳсулотларга ҚҚС солинмас эди. Бироқ шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кетган хом-ашё, ёқилги, электр қуввати учун маҳсулот етказиб берувчиларга ҚҚС туланар эди. Нолли ставкада ўларга тўланган ҚҚС суммаси бошқа товарлар тушуми бўйича олинганда ҚҚС суммасидан ҳисоблаб камайтиради. Демак, бу ерда ҚҚС эгри солиқлар сифатида ҳақиқатдан ҳам бетараф (нейтрал) солиқ бўлиб хизмат қилади ва иқтисодиётга таъсир кўрсатади. Иқтисодиётни ривожлантириш учун иложи борича кўплаб нолли ставкаларни қўллаш маъқул бўлур эди.

Регрессив солиқ ставкасида даромад (ёки бошқа объекти) ошиб бориши билан солиқ ставкаси камайиб бориб, даромад ёки маҳсулот кўплаб ишлаб чиқаришни талаб қилади. Четга экспорт товарлар ишлаб чиқариб, қатъий валюталарда тушумга эришганлар иқтисодий қизиқтиради, яъни солиқлари камайтирилган ставкада тўланади. 2002 йилдан бошлаб киритилган бу сиёсатни кенгайтириш иқтисодий ривожлантиришга катта наф келтиради.

Юридик шахслар даромадларига солинадиган солиқлар ставкасини (20% 2003 йилдагидан 18% 2004 йилда) ва жисмоний шахслар даромад солиқ ставкаларини (32% 2003 йилдагидан 30% 2004 йилда) пасайтирилиши ЯИМда тўғри солиқлар улушини камайишига олиб келди (6,4%дан 6,0%гача). Корхоналарда солиқ тўлашнинг ихчамлаштирилган тизимга ўтиши оқибатида ЯИМда эгри солиқлар улуши пасая борди (14%дан 13,8%гача). Мулкдан тушадиган солиқлар ставкасини оширилиши натижасида (2003 йилда 3,0%дан 2004 йилда 3,5%гача) маблағлар бўйича

тўловлар ва мулкка тўланадиган солиқлар тушуми кўпайган (2,3%дан 2,6%гача).

2005 йилда юридик шахсларни даромадларига солиқлар ставкасини (18%дан 15%гача) пасайтирилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг ихтиёрида қоладиган фойдасидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантиришга йўналтирилаётган улушини ошириш, ўз маблағларини кўпайтириш ва ишловчилар меҳнатини рағбатлантиришни ошириш имконини берди.

2.2.1-жадвал⁵⁰

Солиқ ставкалари

№	Солиқлар	Солиқ солинадиган базага нисбатан солиқ ставкалари						
	Йиллар	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
1	ҚҚС	20	20	20	20	20	20	20
2	Юридик шахслар олинадиган фойда солиғи	15	12	10	10	10	9	9
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи			13-21-29	13-18-25	12-17-22	11-17-22	10-16-22
4	Ягона солиқ тўлови микрофирмалар ва кичик корхоналар учун	13	13	10	8	8	7	6
5	Ягона солиқ тўлови умумий овқатланиш корхоналари учун			10	10	10	10	10
6	Ягона солиқ тўлови савдо корхоналари учун			5	4	4	4	4
7	Ягона солиқ тўлови улгуржи савдо корхоналари			5	5	5	5	5
8	Ягона солиқ тўлови Улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи дорихоналар учун			3	3	3	3	3
9	Ўзбекистон Республикаси резидентларига дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромад солиғи	15	10	10	10	10	10	10
10	сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	640-820	960-1230	1440-1845	17,3-22	21,6-27,5	24,8-31,6	29,8-37,9
11	Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	3,5	3,5	3,5	3,5	3,5	3,5	3,5
12	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	1800	1800	0,5	0,5	0,5	0,5	0,75
13	ягона ер солиғи	1	1,5	2,3	2,8	3,5	5	5
14	ягона ижтимоий тўлов	31	25	24	24	24	25	25

⁵⁰ 2.2.1-Жадвал Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005-2011 йиллардаги “Ўзбекистон Республикаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг прогнози ва Давлат бюджетининг параметлари тўғрисида”ги Қарори материаллари асосида тузилди.

15	фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамқармасига уларнинг меҳнат ҳақи даромадларидан мажбурий суғурта бадаллари	2,5	2,5	2,5	2,5	3,5	4	4,5
----	---	-----	-----	-----	-----	-----	---	-----

Жисмоний шахснинг умумий олган даромади энг кам иш ҳақининг олти бараваригача миқдоридан 13 фоиз ставкада, энг кам иш ҳақининг олти барваридан ўн бараваригача бўлган қисмидан 18 фоиз ставкада, энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортган қисмидан эса 25 фоиз ставкада солиқ ундирилиши белгиланган (2008-йил учун).

Тўғри солиқлар жумласига кирувчи мол-мулк солиғи ҳам корхоналарнинг ўз тасарруфидаги ва фойдаланиладиган мол-мулкларининг самарали фойдаланишга ундаш ва бюджет манфаати нуқтайи назаридан киритилган бўлиб, мол-мулк солиғи бўйича солиқ, асосан, пропорсионал ҳолда ҳрнатилган бўлиб, у ҳозирги кунда (2008-йилда) 3,5 фоизлик ставкада белгилангандир.

Прогрессив солиқ ставкаларидан давлат тартибга солувчи восита сифатида ҳам кенг фойдаланади, масалан, республика солиқ қонунчилигига мувофиқ меъёрий муддатларда ўрнатилмаган юридик шахсларнинг мол-мулкига белгиланган ставканинг икки баравари миқдорида солиқ ундириш белгиланган бўлиб, 2008-йилдан юридик шахслар мол-мулк солиғи ставкаси 3,5 фоиз бўлгани ҳолда, уларнинг меъёрий муддатларда ўрнатилмаган мол-мулкидан 7 фоиз миқдорида солиқ ундирилади.

Шунингдек, тўғри солиқлардан бири ҳисобланган ягона солиқ тўлови кичик бизнес субъектлари учун алоҳида солиқ тури бўлиб, у бўйича белгиланган солиқ ставкалари ҳам табақалашган. Бунда солиқ ставкасининг табақалаштириш мезони асосан корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти соҳалари бўйича берилган. Яъни, тайёрлов ва таъминот корхоналари учун ялпи даромадга нисбатан 33 фоиз, саноат ва бошқа соҳалар учун 6 фоиз, қишлоқ хўжалиги корхоналар учун эса 6 фоиз қилиб белгиланган.(2011 йил учун)

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 9% дан 35%гача (2010йил), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси 11%дан 22%гача, микрофирма ва кичик корхоналар учун (савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) ягона солиқ тўлови ставкаси 5%дан 33%гача, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун (микрофирмалар ва кичик корхоналарни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) ягона солиқ тўлови ставкаси 1%дан 10%гача, корхоналарнинг алоҳида тоифалари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 33%дан 50%гача тебранган.

Қўшилган қиймат солиғи энг асосий солиқ турларидан бири бўлиб, бу асосан, оборотдан олинадиган ва сотувдан олинадиган солиқларнинг ўрнига киритилган. Қўшилган қиймат солиғи бўйича дастлабки йилда 32 фоизли ставка қўлланилган бўлса, бугинги кунда умумий тартибда 20 фоизлик ва ноллик ставка бўйича солиқ ўндирилмоқда.

ҚҚС бўйича асосий маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га 20 фоиз, 100 минг бўлса ҳам 20 фоиз, 1 млн. сўм бўлса ҳам 20 фоиз солиқ солинади ёки экология солиғида тўлиқ таннарх харажати қандай бўлишидан қатъий назар бюджетга бир фоиз солиқ тўланади. Бу ставка ҳамма солиқ тўловчилар учун бир хил бўлишини белгилайди, давлатнинг солиқ объектидаги хиссаси ўзгармайди. Прогрессив солиқ ставкасида эса даромад, объект кўпайиши билан солиқ ҳам ошиб боради. Бу бизнинг солиқ қонунчилигимизда фақат фуқароларнинг даромад солиғида қўлланилади. Минимал иш ҳақининг 6 баробарига тенг қийматига 10 фоиз, ундан ошган яна 6 каррали қисмига 16 фоиз, ундан ошган 5 каррали қисмига 22 фоиз солиқ тўланади (2011й.). Бу ставка қўлланилиши ходимларни кўпроқ даромад олишга, меҳнат унумдорлигини оширишга қизиқтирмайди. Бундай ставкани қўллашдан мақсад пул инфляциясини жиловлаб, пулни мусахкамлашни, бюджетга салмоқли даромад тушуришни кўзда тутаяди.

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ва тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

- 1) дивидендлар ва фоизларга - 10 фоиз;
- 2) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотларига - 10 фоиз;
- 3) халқаро алоқа учун телекоммуникациялар, халқаро ташишларга (фрахтдан олинadиган даромадларга) - 6 фоиз;
- 4) Солиқ Кодекснинг 155-моддасида белгиланган даромадлар, бундан 160-модда 1-3-бандларида кўрсатилган даромадлар мустасно - 20 фоиз.

Жисмоний шахснинг - Ўзбекистон Республикаси норезидентининг Ўзбекистон Республикасидаги даромадлар манбаидан олинган даромадларига манбада чегирмаларсиз қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади: дивидендлар ва фоизларга - 10 фоиз;

Янги тақриридаги Солиқ Кодексининг 155-моддаси учинчи қисмининг 9-бандига мувофиқ белгиланадиган халқаро ташишларда транспорт хизматлари кўрсатишдан олинadиган даромадларга (фрахтдан олинadиган даромадларга) - 6 фоиз;

интеллектуал мулк объектларига бўлган мулкый ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказганлик учун мукофот, ижара бўйича даромадларга ҳамда ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган, меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-ҳуқуқий тусга эга шартномалар бўйича олинган бошқа даромадларга - 20 фоиз.

2011 йилда дивиденд учун барча солиқ тўловчилари солиқ ставкаси 10 фоиз қилиб белгиланган. Бундан ташқари, қўшилган қиймат солиғи ставкаси ҳам бугинги кунда пропорционал солиқ ставкаси ҳисобланади. Ҳар қайси солиқ тўловчи қанча оборот (реализация)га эга бўлишдан қатъи назар 20 фоиз ставка бўйича солиқ тўлайди. Шунингдек, юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи бўйича ҳам пропорционал солиқ ставкаси

қўлланилади. Республикамиз солиқ тизимида амал қилувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ унинг объекти 500 минг сўм бўлганида 800 минг сўм бўлганида ҳам солиқ ставкаси ўзгармай қолаверади, яъни солиқ объектининг ўзгариши солиқ ставкасининг ўзгаришига таъсир қилмайди.

Умумий хулоса қилиб айтганда солиқ ставкаларини табақалаштириш солиқ тизимининг энг муҳим асосий муаммоларидан бири бўлиб, ўта нозик ва катта аҳамиятга эга бўлган масала ҳисобланади, чунки, унда давлат бюджети ва солиқ тўловчиларнинг манфаатлари акс этгандир.

Ўзбекистонда акциз солиғи 1992 йилда қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда айланма солиғи ва сотувдан олинадиган солиқлар ўрнига жорий қилинган. Унинг қўшилган қиймат солиғидан фарқли томони шундаки, у айрим товарлар ва маҳсулотларни чегаралаб олган ва у бажарилган иш, кўрсатилган хизматларга нисбатан қўлланилмайди. Акциз солиғи индивидуал характерга эга бўлиб, фақат акциз ости товарларга нисбатан қўлланилади.

Эгри солиқлардан яна бир тури бўлган акциз солиғи бўйича ҳам табақалаштирилган солиқ ставкалари қўлланилган бўлиб, бу солиқ турида солиқ ставкаларини табақалаштиришда бошқа солиқлардан фарқли равишда солиқ ставкалари солиқ тўловчилар соҳалар ёки солиқ тўловчиларнинг жойланишига қараб эмас, балки акциз солиғига тортиладиган товарлар рўйхати бўйича табақалаштирилгандир.

Акциз солиғи ставкаларининг табақалаштирилиши акцизости товарларнинг шу мамлакатда ишлаб чиқарилаётгани ёки четдан келтирилаётганига, товарлар турларига ва уларнинг кодига боғлиқ.

Солиқ ставкалари

Товарлар номи	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган акцизли товарларга нисбатан акциз солиғи ставкаси						
	акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда сотиш нархларида товарлар қийматига нисбатан фоизларда ва бир ўлчов бирлигига сўмларда						
	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Этил спирти (1 дал. учун)	1410	1410	1410	1410	1 410	1 763	2292
Вино (1 л. тайёр маҳсулот учун)	2660	2660	273,9	3000	3 300	4 125	4744
Таъсири кучли вино 10%-30%	1312,5	1312,5	1312,5				
Таъсири кучли вино 10%гача	1860						
оддий вино	273,9	273,9					
шампан (1 бутилка учун)	182	182	182				
Коньяк, ароқ ва бошқа алкоголи маҳсулотлар (1 дал. тайёр маҳсулот учун)	4000	4000	4000	11300	12 430	15 538	18956
Таркибида фоизларда хажмий улушда этил спирти (алкоголь) бор пиво (1 литр тайёр маҳсулот учун):					1 500	1 875	2156
4,5 гача (ҳисобга олинади)	80	80	100	1000			
4,5 дан юқори – 6,0 гача (ҳисобга олинади)	100	100	130	1300			
6,0 дан юқори	170	170	220	2200			
Сигареталар (1000 дона учун):							
фильтрли	5 206	5206	5 206	5206	5 727	7 159	8949
юмшоқ қадоқланган	4 175	4 175	4 175				
фильтрсиз, папирослар	1 476	1476	1 476	1476	1 919	2 879	4319

2.2.2-жадвалдаги акциз солиғи ставкалари инсон ҳаёти учун зарарли бўлганлиги учун йиллар давомида ошиб борган. Сабаби бу маҳсулотлар жамият учун энг муҳим маҳсулотлар ҳисобланмайди.

Айрим ривожланган давлатларда, масалан, Францияда акцизлар товарларнинг натурал бирлигига нисбатан қатъий ставкаларда белгилаб қўйилган. Жумладан, 1 литр вино учун акциз солиғининг ставкаси 22 сантимни, 1 литр шампан виноси учун 55 сантимни, 1 литр пиво учун эса 19,5 сантимни ташкил қилади.⁵²

Буюк Британияда акциз солиқлари эгри солиқларнинг таркибида салмоғига кўра қўшилган қиймат солиғидан кейинги ўринни эгаллайди.

⁵¹ 2.2.2-Жадвал Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005-2011 йиллардаги “Ўзбекистон Республикаси асосий макроиктисодий кўрсаткичларининг прогнози ва Давлат бюджетининг параметлари тўғрисида”ги Қарори материаллари асосида тузилди.

⁵² Тохир Маликов. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. –Т.: 2002. -15 б.

Акциз солиғи ёқилғи, алкоголь ва тамаки маҳсулотларига, транспорт воситалари ва хизматларига нисбатан жорий қилинган. Унинг ставкалари 10 фоиздан 30 фоизгача ораликда тебранади.

АҚШда акциз солиқлари Федерал аҳамиятга эга бўлган солиқ ҳисобланади. Лекин уларнинг давлат бюджети даромадларининг ҳажмидаги салмоғи нисбатан кичик. Акциз солиғи тамаки ва алкоғолли маҳсулотларга, транспорт хизматларига нисбатан жорий қилинган. Акциз солиғининг ставкаси 10 фоизни ташкил этади.

Германияда акциз солиғи бўйича тушумларнинг асосий қисми Федерал бюджетга ўтказилади, фақат пивога нисбатан жорий қилинган акциз солиғи бўйича тушумлар федерал бюджетга келиб тушмайди. Акциз солиғининг ставкалари товарларнинг нотўғри бирлигига нисбатан фоизларда ва “евро”да белгиланган. Масалан, суғурта битимлари бўйича акциз солиғининг ставкаси суғурта полиси суммасининг 12 фоиз миқдорида белгиланган. Шампан виносига нисбатан белгиланган солиқ ставкаси 0,75 литр учун 2 еврини ташкил қилади.

2.2.3-жадвал⁵³

Солиқ ставкалари

Товарлар номи	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган акцизли товарларга нисбатан акциз солиғи ставкаси акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда сотиш нархларида товарлар қийматига нисбатан фоизларда ва бир ўлчов бирлигига сўмларда						
	Ўсимлик (пахта) ёғи (1 тонна учун):						
озиқ-овқат ёғи (саломас ва “Ўзбекистон” ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғдан ташқари)	495000	495 000	495 000	495000	544 500	544 500	657900
техник мой (кислота миқдори 0,3 мг КОН/г дан юқори, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшишга яроқсиз бўлган)	329000	329 000	329 000	329000	361 900	361 900	361900
Заргарлик буюмлари		20	20	25	25	25	25
“ЎзДЭУАвто” АЖ ишлаб чиқарган автомобиллари 2008 йилдан бошлаб ЗАО «Дженерал Моторс Узбекистан» ишлаб чиқарган автомобиллари	22,5	22,5	22,5	29	29	29	29
Кумушдан ишланган ошхона	10	10	10	11	11	11	11

⁵³ 2.2.3-Жадвал Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005-2011 йиллардаги “Ўзбекистон Республикаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг прогнози ва Давлат бюджетининг параметлари тўғрисида”ги Қарори материаллари асосида тузилди.

анжомлари							
хрусталдан бўлган маҳсулотлар, хрустал билан безаладиган товарлар ташқари	5	5	5				
Мебель (халқ таълими, тиббиёт учун керакли ихтисослаштирилган мебеллардан ташқари)	5	5	5				
Видео- ва аудиоаппаратура	5	5	5				

Россия Федерациясида 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб, солиқ кодексининг 2-қисмини кучга киритилиши муносабати билан акцизларни қўллаш доираси сезиларли даражада кенгайтирилди, яъни анъанавий акциз солиғи тўловчилар қаторига улгуржи савдо ташкилотлари ҳам киритилди. Россия Федерациясида акциз солиғининг давлат бюджети даромадларининг манбаи сифатидаги роли жуда муҳим бўлиб, у акциз солиқлари бўйича тушум суммаларини Федерал бюджет даромадлари таркибидаги салмоғини юқори эканлигида намоён бўлади. Масалан, 2003 йилда акциз солиғи бўйича тушумларнинг Россия Федерал бюджети даромадлари таркибидаги салмоғи 9,6 фоизни ташкил қилди.⁵⁴

⁵⁴ Налоги и налогообложение. Уч. под редакцией проф. М.В.Романовского и проф. О.В.Врублевской. Санкт-Петербург: ПИТЕР, 2003. –С. 190.

Солиқ ставкалари

Товарлар номи	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган акцизли товарларга нисбатан акциз солиғи ставкаси						
	акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда сотиш нархларида товарлар қийматига нисбатан фоизларда ва бир ўлчов бирлигига сўмларда						
Нефть маҳсулотлари:							
бензин А-76, АИ-80 (1тоннасига) (2009 йилдан бошлаб 40%, лекин кўрсатилган сўммадан кам эмас)	45	45	28	148000	221 000	221 000	292250
бензин АИ-91, АИ-92, АИ-93 (1 тоннасига) (2009 йилдан бошлаб 40%, лекин кўрсатилган сўммадан кам эмас)	45	45	28	163000	43 000	243 000	321300
бензин АИ-95 (1 тоннасига) (2009 йилдан бошлаб 40%, лекин кўрсатилган сўммадан кам эмас)	45	45	28	188000	281 000	281 000	371750
дизель ёқилғиси (1 тоннасига) (2009 йилдан бошлаб 34%, лекин кўрсатилган сўммадан кам эмас)	40	40	25	130000	188 000	188 000	248550, (ЭКО)у/н 258500
авиакеросин (1 тоннасига) (2009 йилдан бошлаб 9%, лекин кўрсатилган сўммадан кам эмас)	20	20	8	18700	38 000	38 000	43350
Табиий газ (аҳолига сотиладиган табиий газ ҳажми бундан мустасно), экспорт билан бирга	19	19	25	25	25	25	25
Ишлаб чиқариш корхоналари томонидан сотиладиган суюлтирилган газ ("Ўзтрансгаз" АК минтақалараро унитар корхоналари томонидан аҳолига сотиладиган газ ҳажми бундан мустасно), экспорт билан бирга		21	21	26	26	26	26

Сохибқирон Амир Темур узининг «Тузуқлар»ида соликка тортишнин турт тамойилини ишлаб чиққан. Профессор Х.Р. Собировнинг фикрича, Амир Темур А.Смит курсатиб утган турт тамойилни ундан турт аср аввал айтиб утган Жумладан, амалда ҳосил йигиб олингандан сунг солик солиниши зарурлиги бунда сугориладиган ерлардан хазинага ҳосилнинг усдан бир қисми, сугорилмайдиган майдонлардан эса туртдан бир қисмини ундириш кераклигини таъкидлайди. Шунингдек, даромадларни хаддан ортик солиқлар билан камраб олмаслик хусусида гапириб утган.

Куп иктисодчилар солиқ туловчиларнинг даромадини бюджетга

⁵⁵ 2.2.4-Жадвал Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005-2011 йиллардаги "Ўзбекистон Республикаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг прогнози ва Давлат бюджетининг параметлари тўғрисида"ги Қарори материаллари асосида тузилди.

олишнинг чегараси борлиги ва солиқ оғирлигини купайтириб юбормаслик хақида ёзиб утганлар. Давлат миллий ишлаб чиқаришни усиши ёки пасайишига солиқ таъсир курсатади. Америка иқтисодчиси Артур Лаффернинг хисобига кура солиқларни камайтириш натижасида иқтисодиётнинг усиши ва давлат даромадларининг усишини исботлаб берган. Бу тарихда Лаффер эгри чизиги деб аталади.

Агар солиқ ставкаси 0 булса, давлат ҳеч қандай солиқ тушумига эга булмайди. Агар ставка 100 булса натижа давлат учун тушум яна шунга тенг булади, чунки ишлаб чиқариувчиларнинг ҳамма даромади бюджетга олиб куйилади. Ишлаб чиқаришга ҳеч қандай қизиқиш булмайди. Солиқ ставкасининг бошқа ҳамма ҳолатларида давлат у ёки бу миқдорда даромадга эга булади. ($0 < p < 100 \%$). Солиқ ставкаси p_0 тенг булганда солиқ тушумлари максимал даражага етади. ($P_0 \leq p \leq \max$). Хулоса шуки, солиқ фоизи ставкаси маълум даражага етиши (P_0) солиқ тушумларини купайтиради, унинг янада оширилиши аксинча солиқ тушумларини камайтиради.

Демак юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса беришимиз мумкинки, солиқ ставкалари республика ва маҳаллий бюджетлар харажатларини маблағ билан таъминлашда мувозанат даражасини ҳамда хўжалик субъектларининг молиявий имкониятларини белгилайди. Демак, улар молия-бюджет муносабатларини соғломлаштириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Солиқ ставкалари корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаганлари ҳолда, молия-бюджет муносабатларининг пул муомаласига кўрсатадиган салбий таъсирга барҳам бера олиши ҳам керак. Бу эса, республикамизда амалга оширилаётган солиқ ислоҳатининг муҳим жиҳатини ташкил этади.

Тўғри солиқлардан тўғридан-тўғри даромаддан солиқ тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга қолдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини

яратиб, бозор иқтисодиётини ривожлантиради. Бу солиқларнинг ставкалари оширилса, корхоналарнинг молиявий имкониятлари камая боради ва охиросида мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Демак, бу гуруҳ таркибига кирувчи солиқларнинг ставкалари тўғридан-тўғри иқтисодий ривожланиш билан бевосита боғлиқдир.

2.3. Солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сонли «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан 2005 йил 1 июлдан бошлаб, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмаларини тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилди. 2006 йилдан бошлаб эса, умумий тартибда солиқ тўловчи корхоналар билан юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида, ягона солиқ тўловини тўловчилар учун ихтиёрий равишда ҚҚС тўлаш имконияти берилди.

Ягона солиқ тўловининг жорий этилиши орқали хўжалик юритувчи субъектлар чоракда солиқ органига бир марта келиб ҳисоботни тақдим этиши белгиланди. Шунингдек, улар зиммасидаги солиқ юкини сезиларли равишда камайтиришга эришилди. Мазкур фармонга мувофиқ, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, акциз солиғи олинадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиққа тортиладиган база акциз солиғи суммасига камайтирилди ва иккиёқлама солиққа тортиш ҳолатини бартараф этишга хизмат қилди.

Жаҳон солиқ тизимининг асосий ва ажралмас қисмларидан бири – бу солиқ имтиёзларидир. Ҳар қандай давлат унинг хўжалик юритиш тизими қандай бўлишдан қатъи назир давлат бюджетини даромадлар билан таъминлашда асосий воситаларидан бири – бу солиқлар ва солиқсиз тўловлардир. Аммо жорий этилган солиқлар соф фискал шаклда ўрнатилиши мумкин эмас. Чунки фақат бюджет манфаати нуқтайи назаридан ўрнатилган

солиқларни амал қилиш узок вақтни ўз ичига олмайди. Шунинг учун муайян даражада солиқ имтиёзларидан фойдаланиш тақозо этилади.

Солиқ тизимида солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг бир қатор объектив ижтимоий-иқтисодий сабаблари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

- *биринчидан*, солиқ имтиёзларини мавжудлигини асосий сабабларидан бири бу солиқ тўловчи (юримдик ва жисмоний шахс)ларнинг жамиятда тутган мавқеи, ижтимоий ҳолати турлича эканлигидан. Шу жиҳатдан барчага бир хил тартибда (миқдорда) солиқ солиш маънога эга бўлмайди;

- *иккинчидан*, давлат иқтисодиётга таъсир этиб, уни тартиблаш вазифаси амалга оширадими, бунда турли хил дастаклардан фойдаланади. Бу дастакларнинг асосийларидан бири – бу жамиятдаги баъзи муҳим соҳаларни ёки солиқ тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари белгиланади. Яъни, давлат солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиётни самарали ва қулай бошқариш ёки тартиблаш имкониятига эга бўлади, бундан кўринадики, солиқ имтиёзлари давлатни ўз функция ва вазифаларини юзага чиқарувчи муҳим дастак сифатида юзага чиқади;

- *учинчидан*, солиқ имтиёзлари қўлланилишининг асосий сабабларидан яна бири бу миллий даромадни қулай, самарали ва оқилона тақсимлашга эришишдан иборатдир. Яъни, бундан солиқлар сифатида бюджетга жалб этилиши лозим бўлган молиявий ресурслар имтиёз бериш туфайли бюджетга жалб этилмасдан солиқ тўловчиларнинг ўзларига мақсадли равишда қолдирилади. Бунинг афзаллик томони шундаки, солиқ тўловларини бюджетга олиш ва уни яна қайта тақсимлаш ишларини осонлаштиради ва иш фаолият турларини рағбатлантиришга эришилади.⁵⁶

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ ислохотларини самарали юритиш мақсадида солиқлар воситасида таъсир этиш, улар бўйича имтиёзларни қўллаш, иқтисодиётнинг турли соҳаларини бир текис ривожланишини

⁵⁶Солиқлар ва солиққа тортиш. А.Ваҳобов, А.Жўрайев. “Шарқ” Нашриёт-Матбаа Аксиядорлик Компанияси Бош таҳририяти. Тошкент-2009йил.34-35 бетлар.

таъминлаш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилади. Давлат солиқ имтиёзларини қўллаш орқали иқтисодиётнинг турли соҳаларига турлича таъсир кўрсатади, яъни айрим рентабелли ва норентабелли соҳалар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш муаммоси юзага келади.

Қайд этиш жоизки, солиқ имтиёзлари хусусида турли хил фикрлар мавжуд. Солиқ имтиёзларининг моҳиятини тўлароқ англаб етиш учун, аввало, ана шу турли хил фикрларни келтириш мақсадга мувофиқ.⁵⁷

Қ.Яҳёев фикрига кўра “Солиқ тўловчиларни солиқдан озод этиш, улар тўлайдиган солиқ миқдорини (солиқ базасини) камаййтиш ёки солиқ тўлаш шартини енгиллиштириш солиқ имтиёзидир”. Шунингдек, ушбу иқтисодчининг таъкидлашича солиқ имтиёзи деген термин ўрнига солиқ енгиллиги термини бу жараённинг моҳиятини очиқ беради.⁵⁸

Ш.Гатаулин солиқ имтиёзларига қуйидагича таъриф беради: “Солиқ имтиёзлари амалдаги қонунларга мувофиқ равишда солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод қилишдир (скидкалар, чегириб ташлашлар ва ҳоказо)”.⁵⁹

Т.Маликовнинг таъкидлашича солиқ имтиёзлари дегенга солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари ҳажмининг тўлиқ ёки қисман қисқариши, тўлов муддатининг кечиктирилиши ёки орқага турилиши тушинилади.

Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси солиқ имтиёзлари тизими орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзи солиққа тортиш объектининг ўзгаришида, солиққа тортиш базасининг камайишида (қисқаришида), солиқ ставкаларининг пасайтирилишида ва бошқаларда ўз ифодасини топади. Солиққа тортилмайдиган объект минимуми, алоҳида шахслар ва солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларини солиқ тўлашдан озод қилиш, солиққа тортиш объектдан айрим элементларни чиқариш, солиқ ставкаларини пасайтириш, мақсадли солиқ имтиёзлари, солиқ кредитлари (солиқларнинг ундирилишини кечиктириш) ва бошқалар солиқ имтиёзларининг

⁵⁷ Солиқлар ва солиққа тортиш. А.Ваҳобов, А.Жўрайев. “Шарқ” Нашриёт-Матбаа Аксиядорлик Компанияси Бош таҳририяти. Тошкент-2009йил.35-36 бетлар.

⁵⁸ Яҳёев Қ. Солиқ. Т.:”Меҳнат”, 1997-й. 20-бет

⁵⁹ Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. Т.: 1996-й. 74-бет.

кўринишларидир (туридир). Масалан, корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ бўйича имтиёзлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уйхўй қурилишини ривожлантириш харажатларини молиялаштиришни, тадбиркорликнинг кичик шаклларини, ногиронлар ва пенсионерларнинг бандлигини таъминлашни, ижтимоий, маданий ва табиатни муҳофаза қилиш соҳаларини рағбатлантиришга қаратилгандир. Индивидуал характерга эга бўлган имтиёзларни бериш, одатда, тақиқланади.⁶⁰

Солиқ имтиёзлари рағбатлантириш ва самарали қўлланилишига қараб қуйидаги кўринишларда ифодаланиши мумкин:

- солиқлардан бутунлай озод қилиш;
- янги ташкил этилган корхоналарга имтиёзлар бериш;
- солиқ тўлашдан вақтинча озод этиш;
- солиқ тортиладиган базани камайтириш;
- солиқдан қисман озод қилиш;
- хорижий инвестицияларга имтиёзлар бериш;
- экспортга имтиёзлар бериш ва бошқалар.

Солиқ имтиёзлари воситасида иқтисодиётни бошқариш, давлатни шундай фаолияти билан боғлиқки, у такрор ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган номутаносибликни йўқотиш учун шароит яратади. Бошқача қилиб айтганда, агар солиқларнинг баъзи тизими ишлаб чиқаришни тартибга солишнинг давлат стратегиясини аниқласа, тактикаси солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзларини солиқ субъекти, солиқ объекти, солиқни ундириш воситалари, муддатлари нуқтайи назаридан бир неча гуруҳларга (турларга) бўлиш мумкин.


Солиқ имтиёзларини турли хил асослар бўйича гуруҳлаш мумкин. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ҳуқуқий базаси такомиллишиб бормоқда. Ҳозирга қадар қабул қилинган барча солиққа оид қонун ҳужжатларига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг барчасига солиқ

⁶⁰Маликов Т. Солиққа тортишнинг долзарб масалалари. Т.: 2000-й. 76-бет.

имтиёзларини белгилаш бўйича умумий ўхшашликлар мавжудлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Яъни, барча қонун ҳужжатларида солиқ турлари бўйича имтиёзлар асосан қуйидаги шаклларда намоён бўлди:

- солиқдан батамом озод этиш;
- солиқдан вақтинча ёки қисман озод этиш;
- солиқ базасини камайтириш тарзида белилган.⁶¹

⁶¹ Солиқлар ва солиққа тортиш. А.Ваҳобов, А.Жўрайев. “Шарқ” Нашриёт-Матбаа Аксиядорлик Компанияси Бош таҳририяти. Тошкент-2009йил.39 бет.



2.3.1-чизма. Солиқ имтиёзларининг турлари.

Ўзбекистон республикаси Солиқ Кодексида, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида белгиланган солиқ имтиёзларини қуйдагича гуруҳлаш мумкин (2.3.1-чизмага қаранг⁶²).

⁶² Солиқлар ва солиққа тортиш. А.Ваҳобов, А.Жўрайев. “Шарқ” Нашриёт-Матбаа Аксиядорлик Компанияси Бош таҳририяти. Тошкент-2009йил. 1.3.3-чизма. Солиқ имтиёзларининг турлари. 40-бет.

2.3.1-чизмадан кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида солиқ имтиёзларининг энг сунги тури бу солиқ солиш усулини танлаш ҳуқуқидир. Бу имтиёз фақат Солиқ Кодексига мувофиқ берилган бўлиб, аввалги солиқ қонунчилигида бу имтиёз кўзда тутилмаган эди. Бу имтиёз турининг моҳияти, асосан, кичик бизнес субъектларига солиқ солишнинг у ёки бу турини танлаш ҳуқуқи белгиланганлиги билан ифодаланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида солиқ тизимини такомиллаштириб боришда, хорижий мамлакатларда солиқ ставкаларининг қўлланиш механизмидан фойдаланиш, солиқларни тўлаш ва ўз вақтида келиб тушишини назорат қилиш тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда, инвестициялар, илмий текширув ва тажриба конструкторлик ишларини рағбатлантириш ва тартибга солишда давлат томонидан солиқ имтиёзларидан кенг фойдаланилади. Солиқ имтиёзлари рағбатлантириш ва мақсадга мувофиқ йўллантиришга қараб қуйидагиларга бўлинади. Булар айрим корхона ва ташкилотларни бутунлай солиқ тўлашдан озод этиш ҳамда янги тузилган корхоналар учун солиқ тўлаш бўйича имтиёзлар бериш. Бу имтиёзлар ишбилармонлик ва тадбиркорлик (агар маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланган бўлса) ривожланишига ижобий таъсир этади.

Солиқ имтиёзларини қўллаш механизмидаги энг мураккаб жараён бу солиқ имтиёзларини белгилаш мезонларини адолат тарзда белгилаш ҳисобланади. Аммо қайд этиш жоизки, солиқ имтиёзларини белгилаш жаҳон амалиётида ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий сиёсатнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб белгиланади ва шу жиҳатдан у турли давлатларда турлича бўлади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида солиқ имтиёзларини белгилаш муаян мезонлар асосида амалга оширилган. Солиқ имтиёзларини солиқ тўловчиларнинг ижтимоий ҳолатига, республикада қайси соҳани

ривожлантириш устуворлигига, солиқ тўловчиларнинг импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва маҳсулотни экспорт қилиш даражасига ҳамда давлатлар ўртасидаги ҳалқаро иқтисодий муносабатларга асосланиб белгилангандир. Солиқ имтиёзларининг мезонларини тўғри, объектив аниқлаш солиқларнинг адолатлилик тамойилини ифода сифатида юзага чиқади.⁶³ (2.3.2-чизма.⁶⁴)



2.3.2-чизма. Солиқ имтиёзларини белгилаш мезонлари

Солиқ имтиёзлари тизимидан кенг фойдаланиш солиқ тизимининг (солиққа тортишнинг) ўн иккинчи принцидир. Маълумки, солиқ

⁶³Солиқлар ва солиққа тортиш. А.Ваҳобов, А.Жўрайев. “Шарқ” Нашриёт-Матбаа Аксиядорлик Компанияси Бош таҳририяти. Тошкент-2009йил.39-42 бетлар.

⁶⁴Солиқлар ва солиққа тортиш. А.Ваҳобов, А.Жўрайев. “Шарқ” Нашриёт-Матбаа Аксиядорлик Компанияси Бош таҳририяти. Тошкент-2009йил. 1.3.4-чизма. Солиқ имтиёзларини белгилаш мезонлари. 41-бет.

имтиёзлари иқтисодий тараққиётнинг маълум бир босқичида жамият олдида турган вазифаларни самарали ечишга хизмат қилиши керак. Шу маънода, солиқ имтиёзлари илмий-техника тараққиёти ривожини, табиатини муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишни, энг дефицит бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланишини, саноатнинг устувор объектларини қуришни, талаб қилинаётган соҳаларга капитал қўйилмаларни ошириш ва ҳ.к.ларни рағбатлантирмоғи лозим. Шунингдек, солиқ имтиёзлари давлат томонидан социал функциянинг муваффақиятли бажарилишига ҳам қаратилган.

Солиқ имтиёзлари таъсирчанлигига уларнинг хилма-хиллиги ва мослашувчанлиги, солиқ тўловчиларнинг манфаатлари ва хатти-ҳаракатига юқори салоҳиятли таъсир кўрсатиш, яққол ифодаланган манзиллилиги ва қатъи мақсадга йўналтирилганлиги орқали эришилади. Солиқ имтиёзлари ҳақиқатда (амалда) билвосита (эгри) молиялаштиришни англатади, унга кўра, ишлаб чиқаришга йўналтириладиган молиявий ресурсларни ошириш эвазига келажакда даромадларни кўпайтириш учун шароит яратилади, бюджетнинг потенциал харажатлар (масалан, капитал қўйилмалар) қисқаради. Кўриниб турибдики, солиқ имтиёзлари солиқларнинг рағбатлантирувчи (тартибга солувчи) функциясини, демак, солиқ сиёсатини амалга оширишда муҳим инструмент бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган мантиқий хулоса шундан иборатки, амалиётда солиқ имтиёзлари тизимидан кенг фойдаланиш зарур. Улардан кенг фойдаланмаслик солиқ сиёсати таъсирчанлигини сусайтиради, самарадорлигини пасайтиради, натижалилигини камайтиради.⁶⁵

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи

Юридик шахсларнинг қуйидаги фойдаси юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод қилинади:

⁶⁵Т.С.Маликов, П.Т.Жалилов. Бюджет-солиқ сиёсати, - Т.: “Академнашр” 2011й. Б.207-208

1) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан олинган фойдаси;

2) шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган фойдаси;

3) тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган фойдаси;

4) инвестиция фондларининг хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини сотиб олишга йўналтириладиган фойдаси;

5) Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган фойдаси.

б) тўлиқ амортизация қилинган асосий воситаларни реализация қилишдан ёки тугатишдан олинган фойдаси.⁶⁶

Ишловчилари умумий сонининг 3 фоизидан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси ушбу қисмда белгиланган нормадан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси бир фоиз камайтириладиган ҳисоб-китоб асосида камайтирилади

ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция

⁶⁶ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 25.12.2007 й. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 01.01.2008 йилдан эътиборан амалга киритилган ЎЗР 24.12.2010 й. ЎРҚ-274-сон Қонунига мувофиқ киритилган банд

қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга, лизинг объекти қийматининг ўрнини қоплашга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда. Солиқ солинадиган фойдани камайтириш юқорида кўрсатиб ўтилган харажатлар қилинган солиқ даврдан эътиборан, технологик жиҳоз бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан беш йил ичида амалга оширилади. Янги технологик жиҳоз харид қилинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғини тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун бекор қилинади. Ушбу имтиёз товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи солиқ тўловчилар томонидан қўлланилади;

Банкларнинг солиқ солинадиган фойдаси жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлар ҳамда жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмларининг кўпайган суммасига бўшаган маблағларни юқорида кўрсатилган омонатлар бўйича фоиз ставкаларини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан камайтирилади;

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига солиқ солинмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан бюджет ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;

вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга ошириладиган бўлса;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси;

саноат мулки объектларига ва селекция ютуғи патентига патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахснинг патентни (лицензияни) уларнинг амал қилиш муддати доирасида, лекин фойдаланиш бошланган кундан эътиборан қуйида кўрсатилган даврдан кўп бўлмаган муддатда сотишдан олган даромади суммаси:

ихтиролар ва селекция ютуғидан - беш йил давомида;

саноат намунасида - уч йил давомида;

фойдали моделдан - икки йил давомида;

олинган алиментлар

қонун ҳужжатларида давлат стипендиялари учун белгиланган миқдорларда таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар;

давлат пенсиялари;

жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоиз даромадлари, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;

фуқароларнинг солиқ солинадиган ва Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга мол-мулкни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тўлови учун йўналтириладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг суммалари;

"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкининг кредитлари ҳисобига қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қурувчи шахслар томонидан олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда. Ушбу бандда кўрсатилган мол-мулк олинган (мол-мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса,

мазкур бандда назарда тутилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади.⁶⁷

Қўшилган қиймат солиғидан агар Солиқ Кодекснинг 212-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қуйидаги реализация қилиш Айланмалари озод этилади:

Ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти;

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган молиявий хизматлар жумласига қуйидагилар киради:

молиявий ижара (лизинг) шартномасининг ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) фоиз тариқасидаги даромадига тегишли қисми бўйича хизматлар кўрсатиш;

форфейтинг ва факторинг операциялари;

ломбард операциялари (гаровга қўйилган мол-мулкка қисқа муддатли кредитлар бериш).

Қуйидаги товарларни импорт қилиш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади: дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар, шунингдек дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш учун қонун ҳужжатларида белгиланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган хом ашё. Мазкур имтиёз олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикасида ҳам ишлаб чиқариладиган тайёр дори воситаларига татбиқ этилмайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш контракти шартларида назарда тутилган бўлса. Импорт қилинган технологик асбоб-ускуналар олиб кирилган пайтдан эътиборан уч йил мобайнида

⁶⁷ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 25.12.2007 й. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 01.01.2008 йилдан эътиборан амалга киритилган. 179-модда

экспортга реализация қилинган ёки текин берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади;

инвестор билан давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида олиб кириладиган мол-мулк;

болалар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиш учун олиб кираётган хом ашё, материаллар ва ярим маҳсулот;

конун ҳужжатларида белгиланадиган рўйхат бўйича ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч.

Товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш (қимматбаҳо металллар бундан мустасно) Айланмаига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига реализация қилиш Айланмаига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Ҳисобот даври қуйидагилардир:

қўшилган қиймат солиғи тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун - йил чораги;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун - бир ой.

қишлоқ хўжалиги корхоналари ва юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари учун - календарь йил.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан қуйидагилар озод қилинади: янги ташкил этилган корхоналар - давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътибора икки йил мобайнида. Мазкур имтиёз қайта ташкил этилган юридик шахслар негизида ташки этилган корхоналарга, шунингдек бошқа корхоналар ҳудудида шу корхоналардан ижарага

олинган асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошираётган юриди шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Ер солиғи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади: янги ташкил этилган деҳқон хўжаликлари - давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан эътиборан икки йилга;

қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида;

мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд суғориладиган ерлар, ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга;

янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, уч йил муддатга. Кузда ўтказилган янги кўчатлар учун бериладиган имтиёз муддатини ҳисоблаб чиқариш кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан бошланади, баҳорда ўтказилган кўчатлар учун эса жорий солиқ даврининг 1 январидан эътиборан бошланади.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари қуйидаги тўловларга нисбатан ҳисобланмайди:

ходимга ҳисобланадиган ва унинг розилиги билан тегишли бюджет ёки ҳайрия жамғармаларга (шанбаликлар, якшанбаликлар ва шу кабилар учун) ўтказиладиган иш ҳақи тарзидаги даромадлар;

ёш мутахассисларга олий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган нафақалар;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг оддий, сержант ва офицер таркибларида хизматни ўташи

(хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар.

Қуйидаги грант маблағлари ҳисобига олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар:

давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан берилган грант маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан берилган грант маблағлари;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида берилган грант маблағлари.

Хўжалик судларида давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар - тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича;

туманлар, шаҳарлар (шаҳар таркибига кирувчи туманлар) ҳокимликлари – коммунал хизматлар кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича қарзни ундириш тўғрисидаги тақдимномасига мувофиқ киритиладиган даъволар юзасидан; 330-модда

Деҳқон хўжаликларини, давлат корхоналари негизида тузилаётган акциядорлик жамиятларини, шунингдек хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи ундирилмайди.

Ягона ер солиғини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

янги ташкил этилган қишлоқ ўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан бошлаб икки ил муддатга. Мазкур

имтиёз тугатилган фермер хўжаликлари базасида ташкил этилган фермер хўжаликларига татбиқ этилмайди.⁶⁸

⁶⁸ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 25.12.2007 й. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 01.01.2008 йилдан эътиборан амалга киритилган.

III. Боб. Иқтисодий модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда солиқ тизимини ислох қилишнинг устувор йўналишлари

Барқарор иқтисодий ўсишга эришиш - ихтиёрий иқтисодий сиёсатнинг мақсади ҳисобланади. Ушбу вазифани ҳал қилишда бюджет-солиқ бошқарувини тартибга солиш муҳим рол ўйнайди. Бюджет-солиқ сиёсати давлатнинг иқтисодийга кенг миқёсда таъсир ўтказишига имконият яратиб (бошқа тартибга солиш турлари билан таққослаганда) хато ва самарасиз қарорлар қабул қилганда макроиқтисодий ҳолатни ёмонлашуви хатарини бошидан кечиради. Шу нуқтаи назардан ҳам келажакда иқтисодийнинг ривожланиши маълум даражада ушбу хатарларни тўғри баҳолаш ва фискал сиёсатининг самарадорлигига боғлиқдир.

Ўз навбатида бюджет даромадларининг ўсиш суръатлари бутун иқтисодийнинг ўсишига боғлиқ. Бу ҳақда Бюджетга умумий тушумлар ва ЯИМни боғловчи тенглама параметрлари тасдиқлайди. Бу ҳолда ЯИМ ўсиши суръатининг қўшимча 1 фоизли даражага ўсиши бюджет даромадлари динамикасини 0,45 фоизли даражага оширади.

Деярли шундай эластиклик «даромад солиғи ~ ўртача иш ҳақи» ўзаро алоқаси учун ҳам характерлидир. Иш ҳақининг ўсиши бу кўрсаткич бўйича бюджетга тушумлар ўсиши суръатларининг 0,43 фоизли даражага ўсишига олиб келади. Эгри (Билвосита) солиқлар ЯИМ динамикасига сезгирроқдир. ЯИМ саноатда ҚҚС ставкаси солиққа тортилувчи базанинг 1 фоизли даражага ўзгариши солиқ индекси динамикасини 0,98 фоизли даражага ўзгартиради.

Шундай қилиб, бюджетнинг даромадлари ва ҳаражатлари иқтисодий динамика билан чамбарчас боғлиқ. Бундан келиб чиқадики, бюджет бошқаруви соҳаси тармоқларидаги ҳолат фақатгина иқтисодий реал сектори ривожланиши тезлашганда, унинг таркиби такомиллаштирилганда,

иқтисодий ўсишнинг барча потенциал омилларидан фойдаланиш самарадорлиги кўтарилганда яхшиланиши мумкин.⁶⁹

Солиқ мажбуриятларининг тобора ўсиб бораётган ҳозирги шароитда солиқ тизимида ахборот технологияларидан самарали фойдаланишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Солиқ мажбуриятларидан келиб чиқилса, солиқ тизимида ахборот технологияси имкониятларидан самарали фойдаланиш билан бирга қуйидагиларга ҳам эътибор қаратиш лозим.

Жумладан, солиқ тизими ислохотларида қўйилган илк қадамлар натижасида ахборот технологиялари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Ҳозирги кунда амалдаги солиқ қонунчилиги ахборот технологиялари шаклланиши, уларни самарали бошқариш учун асос бўла олади. Давлат тизимининг барча бўғинлари учун яхлит бюджет-солиқ сиёсати билан боғлиқ ҳолда ахборот технологияларнинг ривожланиш истиқболларини белгилаш, солиқ қонунчилиги асосларини жаҳон андозалари талабларига мос такомиллаштиришни талаб этади.

Худудлар ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, уларнинг иқтисодий ўсишини таъминлашда ахборот технологияларининг иштироки табиийдир. Худудий иқтисодиёт ва ахборот технологиялари тараққиёти муаммоларини ҳал этиш ахборот технологиялари мустақиллигига ҳамда имкониятларининг ошиб боришига омил бўлади.

Солиқ амалиётида ахборот технологиялари тизим базалари барқарорлигини таъминлаш, уларнинг истиқболларини тахминлаштириш жараёнида ҳар қайси манбанинг алоҳида ролига эътибор бериш, ахборот технологияларини тартибга солиш давлат сиёсатида муҳим жиҳат саналади.

Ахборот технолигиялари имкониятларини тахминлаштириш, солиқ тизимида ахборот технологияси имкониятларидан самарали фойдаланиш

⁶⁹ Иқтисодий ўсиш ва бюджет-солиқ сиёсати: миқдорий таҳлил натижалари. Чепель С.В. Катанова М. СИСМ 2003 йил.

харажат ваколатларини тақсимлаш тизимида мақсадлилиқ, манзиллилиқ адолатлилиқ тамойилларига риоя қилинишини таъминлайди.

Солиққа тортишнинг икки тартиби (умумбелгиланган ва соддалаштирилган тартиб) асосида кичик корхона ва микрофирмаларнинг солиқ мажбуриятларини бажаришдаги харажатлари даражасини аниқлаш орқали ушбу турдаги хўжалиқ субъектларининг фаолият юритишлари шарт-шароитларини баҳолаш ҳисобланади:

– Солиқ мажбуриятларини бажаришдаги харажатлар кичик бизнес учун ортиқча юк характериға эгадир;

– Солиқ тўловчилар солиқ мажбуриятларини бажаришдаги харажатларни керакли даражада баҳолашмайди;

– Кичик корхоналарнинг аксарияти ташқи профессионал бухгалтерларнинг хизматларидан фойдаланишади;

– Компаниялар фаолиятларининг миқёси кенгайган сари улар мажбуриятларини бажариш учун ички ресурсларни жалб қилишда кўплаб маблағларни сарф қилишни бошлашади;

– ҚҚС ва даромад (фойда) солиқлари солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича йирик ҳажмдаги харажатларнинг манбаси ҳисобланади;

– Солиқ мажбуриятларини бажаришдаги харажатларнинг асосий қисми меҳнат ва транзакцион харажатларға тегишлидир;

– Солиқ мажбуриятларини бажаришдаги харажатларнинг тегишли солиқ тушумларига нисбати юқоридир.

Солиқ мажбуриятларини бажаришдаги харажатларни аниқлашни икки босқичға бўлиш мумкин: макро ва микродаража.

Макродаражадаги харажатлар қуйидаги формула билан аниқланади: Солиқ тўловчиларға давлат томонидан юклатилган солиқ мажбуриятларини бажаришдаги харажатлар = Бевосита солиқ тўловлари + Мажбуриятларни бажариш давомида сарфланган вақт ва ресурсларнинг қиймати – (солиқ сиёсатидаги мавжуд имтиёزلардан тежалган маблағлар + солиқ

чегирмаларидан даромадлар) – солиқни режалаштириш натижасидаги солиқ тўловларининг камайиши.

Микродаражадаги харажатлар хўжалик субъектлари давлат томонидан юклатилган солиқ мажбуриятларини бажаришидаги барча жорий харажатларни ўз ичига олади. Солиқ тўловчиларга давлат томонидан юклатилган солиқ мажбуриятларини бажаришдаги харажатлар = Солиқ мажбуриятларини бажариш давомида сарфланган вақт ва ресурсларнинг қиймати.

Ўзбекистонда солиқ мажбуриятларини бажаришдаги харажатларини баҳолаш.

Барча солиқ мажбуриятларини бажаришдаги харажатлари қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

- Меҳнат харажатлари (мулкдорнинг харажатлари, ҳақ тўланмайдиган ёрдам ва ходимларга тўланадиган (ички), солиқ бўйича мутахассисга алоҳида тўланадиган);
- Ташқи ҳақ тўланадиган солиқ консультантлари;
- Ички. Меҳнатга оид бўлмаган харажатлар (яъни, солиққа тортиш ва ҳисобот ишлари билан боғлиқ ҳолда ходимларга бир марталик тўловлар ёки хўжалик субъектларининг бошқа харажатлари);
- Транзакцион харажатлар.

Тадқиқотлар солиқ ҳисоботларини тузиш бухгалтерия ҳужжатларини тайёрлашга нисбатан сезиларли даражада кам меҳнат ва вақт талаб қилувчи жараёнлар деган хулоса чиқаришга имкон берди.

Корхоналарда ўртача 26% вақт солиқ ҳисоботларини тайёрлашга ва 84%и бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлашга сарфланади. Шунинг билан бирга, солиққа тортишнинг умум белгиланган тартиби бўйича талаб этиладиган ҳисоб-китоблар сонининг кўплиги ва вақт сарфининг юқорилиги натижасида кўплаб кичик корхона ва микрофирмалар ягона солиқ тўловини танлашади. Бунда корхоналар ҳар бир ҳолатдаги солиқлар бўйича

корхонанинг харажатларини ёритиб берувчи зарурий ҳисоб-китобларни амалга оширишмайди. Тадқиқот натижалари бўйича харажатларнинг таркиби ва улушлари турлари бўйича қуйидагича гуруҳланди:

3.1-жадвал.

Солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлар⁷⁰

Харажатларнинг турлари	Харажатларнинг умумий ҳажмидаги улуши (%)	
	Умумбелгиланган тартиб бўйича	Содалаштирилган тартиб бўйича
Меҳнат Бухгалтерия ходимларининг иш ҳақи харажатлари (иш ҳақи, ўқитиш ва малака ошириш харажатлари)	30,5	26,9
Ташқи Бошқа ташкилотларнинг хизматларига ҳақ тўлаш (солиққа тортиш билан боғлиқ бўлган аудиторлик, юридик ва консалтинг хизматлари)	42,5	3,6
Ички Бухгалтерия ҳисобини компьютерлаштириш харажатлари (компьютерлар, оргтехника, программа таъминоти ва бошқалар)	14,2	18,9
Ташкилий харажатлар (бланкалар, транспорт харажатлари, қоғоз ва бошқалар) ва бошқа хўжалик харажатлари	1,4	7,8
Бошқа транзакцион харажатлар	11,4	42,8

Корхонанинг ялпи даромади қанчалик кичик бўлса, солиққа тортиш харажатлари шунчалик кичик суммани ташкил этади, яъни корхона қанчалик кам маблағга эга бўлса, ўзининг солиқ мажбуриятларини бажариш учун шунчалик кам харажат қилади. Бу бухгалтерия ходимларига иш ҳақи тўлашда, компьютерлаштирилган ахборот ва ихтисослаштирилган тизимлардан фойдаланишда ва бошқа ташкилотлардан мутахассисларни жалб этишда (хўжалик фаолиятининг аудити бўйича, бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича маслаҳат хизматлари) ўз аксини топади. Қуйида келтирилган чизмадан кўришиб турибдики, корхоналарнинг 8%и компьютерлаштирилган ахборот тизимларидан умуман фойдаланишмайди.

Корхоналарнинг катта қисми БЭМ, NORMA компьютерлаштирилган тизимидан, PRAVO тизимидан ва бошқа тизимлардан фойдаланишади. PRAVO тизимидан фойдаланишга нисбатан NORMA тизимини ўрнатиш ва доимий янгилаб туриш қиймати арзонлиги билан изоҳланади.

Ихтисослаштирилган бухгалтерия дастурларидан корхоналарнинг фақат ярмидан камроғи фойдаланишади. Кўплаб корхоналар Excel дастурида ишлашни афзал кўришади.

⁷⁰ <http://www.uzbearingpoint.com/files>

Кўплаб солиқ тўловчилар солиқларни тўлаш билан бирга ўларни ҳисоб-китоб қилиш ва расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар қилишаётганликлари ҳақида фикр юритишмайди. Солиқ тўловчилар солиқ мажбуриятларини бажаришдаги харажатлар ҳақида ўйлашадими деган савол бўйича қуйидаги маълумотлар олинди.

Умумбелгиланган тизим бўйича тўловчилар томонидан бошқа ташкилотларнинг кўрсатган хизматлари учун тўлов харажатлари соддалаштирилган тартиб бўйича солиқ тўловчиларининг бошқа ташкилотларнинг хизматлари учун тўлов харажатларига нисбатан 10-15 баробарга кўп, бу эса юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиқлари ҳамда ҚҚСни ҳисоблаш ва уни тўлаш тартибининг мураккаблиги билан изоҳланади. Хусусан, юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиқлари бўйича ушбу ҳолат ўтган ҳисобот даври якунлари бўйича аванс тўловларининг мавжудлиги ва солиққа тортиладиган базага қайтадан қўшиладиган харажатларни аниқлашнинг зарурияти кўринишида шаклланади. ҚҚС бўйича кўп ҳолатларда солиққа тортиш объекти муаммоли масала ҳисобланади, айниқса, турли йўналишлардаги фаолиятларни амалга ошириш ва мос равишда улар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб-китоб юритиш жараёнларида, шунингдек ҚҚСнинг турли ставкалари (20% ёки 0%) бўйича солиққа тортилувчилар ўртасида хўжалик операцияларини амалга ошириш ҳолатларида. Бундан ташқари, умумбелгиланган тизим бўйича солиқ тўловчилар – респондентлар сонининг 20%ини (10 та корхона дан 2 таси) ОАЖлари ташкил этади ва булар учун хўжалик фаолиятининг аудити мажбурий ҳисобланади,⁷¹ шунингдек, бу ҳам солиқ мажбуриятларини бажаришдаги харажатларнинг умумий ҳажмида ушбу хизматнинг улуши юқорилигини изоҳлайди.

Соддалаштирилган тартиб бўйича солиқ тўловчиларининг бошқа ташкилотларнинг хизматлари учун тўлов харажатлари улуши сезиларли

⁷¹ 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган 223-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 105-моддаси 4-хат бошиси

даражада пастдир. Бу ҳолат кўплаб кичик корхоналар ҳамда савдо корхоналарида аудиторлик текширувининг ўтказилмаслиги, уларнинг асосан ўз танишларига оғзаки консултация олиш учун мурожаат қилишларининг оқибати ҳисобланади. Солиқ тўловчиларнинг ҳар бир категориялари бўйича бошқа ташкилотларнинг хизматлари учун харажатларнинг умумий суммасида хўжалик фаолиятининг аудити ва консалтинг хизматларига харажатларнинг улуши қуйидагичадир:

Бунда, юқорида айтиб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда, консултациялар кўп ҳолатларда ҚҚС ва юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиқлари бўйича вужудга келадиган муаммоларни бартараф этишга йўналтирилгандир. Умумбелгиланган ва соддалаштирилган тартиблар бўйича тўловчиларнинг солиққа тортиш харажатларини таққослаш шуни кўрсатмоқдаки, харажатларнинг умумий ҳажмида бухгалтерия ходимларининг иш ҳақи харажатлари деярли бир хил бўлиб, ҳақиқатда энг катта улушни ташкил этади, мос равишда 30,5 ва 26,9%лардан иборат (2-жадвал). Бундай ҳолат бухгалтерлар сони, шунга мос равишда уларнинг иш ҳақлари қиймати ва корхонанинг реализациядан тушган ялпи даромадлари ўртасидаги табиий корреляция билан изоҳланади, яъни йирик ишлаб чиқариш корхоналари учун бош бухгалтер билан бирга бир неча бухгалтерларнинг фаолият юритиши талаб этилади, кичик даромадли фирмалар ва кичик корхоналарда эса бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари 1 та бухгалтер томонидан ва айрим ҳолларда шахсан директор томонидан юритилади. Шунингдек, кичик корхоналардаги бухгалтерия ходимлари иш ҳақларининг нисбатан паст улуши, айрим ҳолатларда корхоналар томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини ҳафтада 1-2 кун давомида тайёрлаб улгурадиган бухгалтерларни ёлланиши билан ҳам изоҳланади.

Юқорида айтиб ўтилган харажатларни жамлаш натижасида қуйидаги маълумотлар олинди. Корхоналарнинг солиқларни ҳисоб-китоб қилиш, солиқ ҳисоботларини юритиш ва ҳисоботларни солиқ ва бошқа органларга

топширилиши билан боғлиқ бўлган харажатларининг ўртача суммаси, респондентлар томонидан ойига ўртача 260 дан 500 минг сўмгача баҳоланмоқда. Ушбу кўрсаткич икки омил таъсирида ўзгариб туради: ишчилар сони ва солиққа тортиш тартиби. Ягона солиқ тўловини тўловчи кичик корхоналар камида 150 дан 270 минг сўмгача харажат қилишади. Маҳсулотлар ва хизматларни реализация қилиш ҳажми 50 млн.сўмдан юқори бўлган корхоналарнинг харажатлари ойига 370 дан 500 минг сўмгачани ташкил этади. Ягона солиқ тўловини тўловчилар турли кўринишдаги фаолият билан шуғуллансаларда, солиққа тортишдаги уларнинг харажатларини ўхшашлиги жуда қизиқарли ҳолатдир. Бу ягона солиқ тўловини тўловчилар бошқа ташкилотларнинг хизматлари учун кўпроқ харажат қилишлари, савдо субъектлари эса баъзи вужудга келадиган келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича транзакцион харажатларни кўпроқ амалга оширишлари билан изоҳланади.

Келтирилган маълумотлар минимал ҳисобланиб, сезиларли даражада ўртачалаштирилгандир. Бу, корхоналар ўз даромадлари ва харажатларини объектив ҳамда субъектив сабабларга кўра ёритиб беришмаётганликлари билан изоҳланади. Корхоналарнинг солиққа тортишдаги ҳақиқий харажатлари кўрсатилган тахминий суммадан 2 ва ундан ортиқ мартага юқоридир. Ҳар бир алоҳида корхонага нисбатан солиққа тортиш харажатларининг йирик миқдори индивидуал кўринишга эгадир, бироқ харажатларнинг жами суммаси тўлиғича баъзи вужудга келадиган келишмовчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ харажатларнинг суммасига кўпаяди.

Бизнинг бу борадаги энг катта ютуғимиз ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида намоён бўлмоқда. 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори

улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди. 2011 йили тасдиқланган давлат бюджетда ялпи солиқ юкини 1,2 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўловини эса 2010 йилдаги 7 фоиздан 2011 йилда 6 фоизга тушириш мўлжалланган.⁷²

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан солиқ тушумларининг ҳисоб-китоблари.

Соддалаштирилган солиқларни тўлашга ўтиш. Бюджетга тушадиган солиқ тушумларини ҳисоб-китоб қилиш 2008 йилдан амал қилинаётган солиқ қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди. Ягона солиқ тўловини тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ тўловчилар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтилган биринчи чорак учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳамда мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашдан озод қилинади. Ягона солиқ тўловини тўловчилар - юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари бўйича ижарага олинган ер участкалари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади, умумбелгиланган солиқлар тўланадиган фаолият турларида фойдаланилаётган ер участкалари бундан мустасно.⁷³

Қўшилган қиймат солиғини тўлаб ёки тўламаган ҳолда ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш. Солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг 2007 йилга мўлжаллаган Концепцияси бўйича ялпи тушумдан солиқ тўловчиларни ягона солиқ тўловини тўлашга ўтказиб келинмоқда. Мос равишда, уларда ягона солиқ тўловчилари бўлганликлари учун белгиланган тарзда қўшилган қиймат солиғини ўз ҳоҳишларига кўра тўлаш ҳукуқи вужудга келади. Кейинчалик

⁷² http://press-service.uz/uz/news/show/main/vse_nashi_ustremleniya_i_programmyi__vo_/page/2/

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 354-модда Ўзбекистон Республикасининг 25.12.2007 й. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 01.01.2008 й.дан эътиборан амалга киритилган.

ягона солиқ тўловининг турли ставкаларини қўллаш орқали оптимал солиқ юкини аниқлаш бўйича таҳлил амалга оширилади, шунингдек эркин тарзда қўшилган қиймат солиғини қўллаш имкониятлари кўриб чиқилади. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини ягона солиқ тўловини тўлашга ўтказилиши солиқ бошқарувини соддалаштиришга олиб келади. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловини жорий этилиши солиқ бошқарувидаги ҳатоликларни қисқартиради.

1-вариант. Ягона солиқ тўловчиларининг қўшилган қиймат солиғини мажбурий тўлашлари. Қўшилган қиймат солиғини тўловчилари учун солиққа тортиладиган ялпи тушумни ҳисоблашда ялпи тушумдан қўшилган қиймат солиғининг суммаси чиқариб ташланиши солиқ қонунчилигида белгиланган. Шу муносабат билан, ягона солиқ тўловини соф тушумдан (қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ялпи тушум) ҳисоблаш амалга оширилади. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун ҳам назарда тутилганидек, ягона солиқ тўловини 10%ли ставка бўйича тўланганда, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида солиқ юки 6,6%ни ташкил этади, бюджетга тушадиган тушум эса 36,1%га ошади. Ягона солиқ тўловининг ставкаси 3%гача пасайтирилган ҳолатда, солиқ юки 0,8%ни ташкил этади, бюджетга тушадиган тушумлар эса 84,5%га пасаяди.

2-вариант. Ягона солиқ тўловини тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасига, лекин 50%дан кўп бўлмаган миқдорда қисқартирган ҳолда эркин тарзда қўшилган қиймат солиғини тўлаш. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаш ва тўлаш тартиб-қоидалари тўғрисидаги тартибда ягона солиқ тўлови тўловчилари ўз хоҳишларига кўра қўшилган қиймат солиғини ҳам тўлашлари мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бунда, ўз хоҳишларига кўра қўшилган қиймат солиғини тўловчилар учун бюджетга тўланадиган ягона солиқ тўловининг суммаси қўшилган қиймат солиғининг суммасига, лекин ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда қисқаради. Ушбу вариант шуни кўрсатмоқдаки, ягона солиқ тўловининг

5%дан 10%гача бўлган ставкасида жами ҳисобланган қўшилган қиймат солиғининг суммаси ягона солиқ тўловини тўлашда қисқаради, яъни бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғининг суммаси ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасининг 50%идан камроғини ташкил этади. Ягона солиқ тўловининг 3% миқдоридаги ставкасида, қўшилган қиймат солиғининг суммаси ягона солиқ тўловининг ҳисобланган суммасидан қисқартиришнинг белгиланган ҳажмидан ортиб кетади. Мос равишда, ягона солиқ тўловининг ҳисобланган суммаси қўшилган қиймат солиғи суммасининг фақат 24,9 млрд.сўм миқдоридаги қисмигагина камаяди. Бунда, давлат бюджетида йўқотишларга йўл қўймаслик мақсадида ягона солиқ тўловининг энг оптимал ставкаси 6% ҳисобланади, яъни солиқ юки 0,2%га фарқ қилади, қўшимча тушум эса 3,3 млрд. сўмни ташкил этади.

3-вариант. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг соддалаштирилган механизми билан ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш (Канада ва Англия тажрибалари). Қўшилган қиймат солиғини тўлашнинг соддалаштирилган механизмида ҚҚСнинг 20% миқдорида ўрнатилган ставкаси билан счет-фактураларни ёзиш ва белгиланган ставка бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш кўзда тутилади. Товарларни реализация қилишда харидорлар счет-фактурада кўрсатилган, яъни 20% ставка бўйича тўланган қўшилган қиймат солиғини ҳисобга киритишади. Бунда қўшилган қиймат солиғи бўйича «занжир» узилиб қолмайди. Қўшилган қиймат солиғининг ўртача солиқ юки (белгиланган ставкада) 2010 йилда 2,3% бўлган бўлса 2011 йилда 1,75%ни ташкил этади. Ушбу ставкалардан юқори бўлган қатъи ўрнатилган ставкаларнинг киритилиши солиқ юкининг ортишига олиб келади, ушбу кўрсаткичлардан паст ставкалар эса бюджетда йўқотишларга олиб келади. Келажакда паст даражадаги қўшилган қийматли савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун, ҳақиқатда бугунги кунда амал қилаётган давлат мақсадли жамғармаларига ажратиладиган мажбурий тўловларга тенглашадиган 3%ли ставка бўйича қўшилган қиймат солиғини

тўлашнинг соддалаштирилган тартибини қўлланилиши мумкинлигини ҳам рад этиш мумкин эмас.

4-вариант. ҚҚСни тўлаш ҳуқуқсиз ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш. Солиққа тортишнинг бундай тизимини жорий этилиши «ҚҚС бўйича занжирни» издан чиқариши мумкин, чунки улгуржи савдо корхоналари товар-моддий бойликларни асосан қўшилган қиймат солиғини тўловчилари ҳисобланадиган йирик корхоналарга сотишади. Ягона солиқ тўловининг оптимал ставкаси 5% ҳисобланади, чунки ушбу ставка бўйича солиқ юқининг ортиши энг кам - 4,8%дан 5%гача бўлади. Шунини таъкидлаш жоизки, вариантларни таққослаганда, қўшилган қиймат солиғини тўлаш ҳуқуқи тақдим этилганда ягона солиқ тўловининг энг оптимал ставкаси 6%, Қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)ни тўлаш ҳуқуқсиз эса ягона солиқ тўловининг ставкаси 5% бўлган вариант оптимал ҳисобланади. Бироқ, солиқ тизимини ривожлантириш ва қўшилган қиймат солиғига оптимал тортиш мақсадида, ушбу таҳлилдаги 1- ёки 2- вариантлардан бирини, яъни ягона солиқ тўловини 6%ли ставка бўйича қўллаш мумкин деб ҳисоблаймиз. Учинчи вариант бўйича эса, барча корхоналарни соддалаштирилган услуб бўйича ҚҚСни тўлашга ҚҚСнинг анча паст ставкасини (2%) қўллаган ҳолда ўтказиш мумкин, лекин ҳозирги шароитда бунинг иложи йўқ, чунки қайта ҳисобга олинадиган механизм ҳисобига ҚҚС бўйича бюджетда катта йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Ягона солиқ тўлови ва ягона солиқдан тушадиган тушумларнинг ҳисоб-китоби

Солиққа тортишнинг амалдаги тизими. Ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни танлашга ҳақли.

Умумий ўрнатилган солиққа тортиш тизимига ўтиш. Корхоналарнинг умумий ўрнатилган солиққа тортиш тизимига ўтиши ушбу корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида амал қилаётган барча

турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни назарда тутди. Давлат бюджетидagi йўқотиш ёки даромадлар давлат статистика органларидан олинган маълумотларга ягона ёндашувдан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Микрофирма ва кичик корхоналар учун ҳозирги шароитда солиқларни умумий ўрнатилган солиққа тортиш тизимида тўлаш самаралидир, чунки умумий ўрнатилган солиққа тортиш тизими ягона солиқ тўловига нисбатан янада кенгроқ қамровдаги солиқ имтиёзларига эгадир. Бу халқаро қабул қилинган амалиёт бўлиб, бошланғич босқичларда, соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини киритишни ва солиқ бошқарувида маблағларни тежашни назарда тутди.

Ягона солиқ тўловини тўлаётган корхоналар томонидан қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш. Аввалги бўлимда қўшилган қиймат солиғи ягона солиқ тўловини тўлаётган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган эди. Бироқ, ушбу усул ҳаққоний кўрсаткичларни тўла маънода ёритиб бера олмайди. Масалан, маҳсулотларнинг таннархида иш ҳақи ва бошқа харажатларнинг улуши паст бўлган савдо корхоналари учун қайта ҳисобга олинувчи ҚҚСни аниқловчи ушбу усул қулай ҳисобланади. Буни ҳисобга олиб, ҚҚСни тўлашнинг соддалаштирилган тизимини қўллашда ягона солиқ тўловини ва ялпи даромаддан ягона солиқ тўловчи корхоналар учун ҚҚСнинг суммасини товар айланмасининг 9,0%ига тенг қилиб белгилаш таклиф этилади. Қуйида ягона солиқ тўлови ва ялпи даромаддан ягона солиқ тўловчи корхоналарни солиққа тортишнинг бошқа шаклларига ўтказиш вариантлари кўриб чиқилади:

1-вариант. Ягона солиқ тўлови ва ялпи даромаддан ягона солиқ тўловчи барча корхоналарни ҚҚСни мажбурий тўлашга ўтказишни назарда тутилади. Бунда, давлат бюджетининг даромадлари умумий ўрнатилган солиққа тортиш тизими билан таққосланганда 24,7 млрд.сўмга камаяди. Бундан ташқари, ушбу корхоналардан маҳсулотларни сотиб олувчи

корхоналар ҳозирги кунда ҳар доим ҳам ҳисобга киритилмаётган 223,8 млрд.сўмга тенг суммани ҳисобга олишади, ҚҚСни эса 67,1 млрд.сўм миқдорида тўлашади.

Бюджетда ҚҚСнинг суммаси ягона солиқ тўлови суммасининг 50%ни ташкил этганлигини ҳисобга олиб, 1- в 2- вариантлар бўйича натижалар ўхшашдир.

3-вариант. Реализациядан тушган соф тушумдан (товар айланмаси минус ҚҚС) 10%ли ставка бўйича, ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутлади. 10%ли ставка, 2007 йилга мўлжалланган солиқ концепциясидан келиб чиққан ҳолда таклиф этилмоқда. Ушбу ҳолатда, бюджет кўшимча тарзда 20 млрд.сўм тушумга эга бўлади. Бирок, юқорида айтиб ўтилганидек, маҳсулот сотиб олаётган корхоналар бўйича ҚҚСни қайта ҳисобга олишдан 223,8 млрд.сўм миқдорида йўқотиш вужудга келади. Шунингдек, солиқ тўловчиларнинг «занжири»да навбатдагисидан ҚҚС бўйича вужудга келадиган йўқотишлар ҳисобига давлат бюджети даромадлари қопланмайди.

4-вариант. ҚҚСни қатъи 9%ли ставка бўйича, ҳисоблаш параллел тарзда 20%ли ставка билан счет фактуралар ёзиш билан амалга оширилади. Ушбу тадбир бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шаклини юритиш имконини беради ва ҚҚС занжирининг бузилишига йўл қўймайди. Ягона солиқ тўловлари суммасининг ҚҚСнинг жами суммасига қисқаришида давлат бюджетига йўқотишлар, аввал айтиб ўтилганидек, ҚҚСни қайта ҳисобга киритишдаги йўқотишлар суммасига -24,7 млрд.сўмга тенг бўлади.

5-вариант. Соддалаштирилган ҚҚСни тўлаш ва ягона солиқ тўловининг 50%дан ортиқ бўлмаган суммага камайишини назарда тутлади. Ушбу ҳолатда, давлат бюджетининг даромадлари 29 млрд.сўмга кўпаяди. Бирок, солиқ юки товар айланмасига нисбатан 14,3%гача ортади.

6-вариант. Соддалаштирилган усул бўйича 9%ли ставка билан ҚҚСни ҳисоблаш билан бирга реализациядан тушадиган соф даромаддан 10%ли ставка бўйича ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутлади. Давлат

бюджетининг даромадлари 73,8 млрд.сўмни ташкил этади. Ушбу вариантларни макроиқтисодий нуқтаи назардан кўриб чиқиш зарур, яъни бюджетдаги йўқотишлар қўшилган қиймат солиғини қайта ҳисобга олиниши мумкинлиги ҳисобига занжирда навбатдаги тўловчи ҳисобига бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Бюджет бошқарувида аниқланган ва юқорида кўрсатилган тенденцияларнинг бартараф этилиши ҳамда бюджет ва макроиқтисодиёт индикаторларининг оптимал ҳолати иқтисодиётнинг но хом ашё соҳаларида товар ишлаб чиқарувчилар ва аҳолининг кам даромадли қатламларини босқичма босқич солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш механизмини соддалаштириш ва шароитларини тенглаштириш, амалдаги солиқ кодексини бошқа давлатларда умумқабул қилинган талаблар ва стандартларга мослаштириш йўналишларида солиқ сиёсатини такомиллаштиришни талаб қилади. Бунинг учун биринчи навбатда:

– солиқ тушумлари турларининг умумий сонини чегаралаш, уларни баҳолаш усулларини соддалаштириш, фойдага солинадиган солиқнинг базасини аниқлаш усулларини халқаро стандартларга мослаштириш йўналишларида солиқ қонунчилиги қайта кўриб чиқиш;

– иқтисодиётнинг хом ашё ва қазиб олувчи секторларида солиққа тортишнинг чегаравий қийматларини аниқлашда солиқ юкини саноатнинг қайта ишлаш тармоқларидан қазиб олувчиларга қайта тақсимлаш заруриятидан келиб чиқиш керак. Бунда қазиб олувчиларга ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги нормал даражаси ва ўз-ўзини молиялаш имконияти учун зарур шароитларни сақланиши зарур;

– эгри солиққа тортишни инфляция жараёнларига таъсирини камайтириш, ишлаб чиқаришни солиққа тортишни пастлатиш йўналишларида такомиллаштириш керак;

– эгри солиққа тортишни соддалаштиришга тамаки ва алкоголь маҳсулотларига акциз солиғини қатъи ставкаларини киритиш ёрдам беради. Акциз остидаги товарларнинг рўйхатини босқичма босқич қисқартиришни таъминлаш, ҳамда республикадаги ишлаб чиқарилаётган ва олиб кирилаётган маҳсулотларга акциз солиғини босқичма - босқич унификациялаш (биринчи босқичда бир гуруҳ таркибига кирувчи олиб кирилаётган маҳсулотга акциз солиғининг ягона ставкаларини ўрнатиш);

– амалдаги кўпгина солиқ имтиёзларини бекор қилиш. Бу эса тенг рақобат шароитларини таъминлаш, солиқ соҳасида коррупцияни чеклаш, солиққа тортиш механизмининг шаффофлигини ошириш, корхоналарнинг солиқларни ҳисоблаш ишини соддалаштириш, солиқ мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилишни енгиллаштириш имконини беради;

– солиқ соҳасида янги қарорлар қабул қилиш ва қонун ости ҳужжатлари ва ташкилий кўрсатмаларга тез-тез ўзгартириш киритиш амалиётини қонуний йўл билан чеклаш орқали солиқ тизимида кўпроқ барқарорликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш.

Бу чора-тадбирлар билан бир вақтда маҳаллий бюджетнинг даромад базасини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг ролини кучайтириш зарур. Биринчи навбатда маҳаллий бюджетнинг даромад базасини мустахкамлашда ҳокимиятнинг маҳаллий органларини қўллаб-қувватлаш механизмини жорий қилиш керак. Солиқ тушумларининг республика ва маҳаллий бюджетига тушувчи улушларининг нисбатини қайта кўриб чиқилиши лозим. Маҳаллий бюджетларда эгри солиқлар, ресурс тўловлари ва бошқа носолиқ тушумларидан кўпроқ тушумлар тўплаш керак.

Солиқ мажбуриятларини бажаришдаги харажатларни қисқартириш бўйича берилаётган таклифлар республика солиқ тизимини такомиллаштиришга қаратилмоғи лозимдир:

– Корхоналарнинг раҳбарлари ва бухгалтерларига берилган умумий саволларнинг жавобларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосага

келинди: солиқ тизими янада барқарор ва тез-тез амалга ошириладиган ўзгаришлардан ҳоли бўлиши лозим.

Солиқ бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

– Ҳужжатларнинг айланишини қисқартириш ва маълумотларни тизимлаштириш мақсадида ҳисоботларни топшириш тизимига ахборот-компютер технологияларини жадал равишда киритиш;

– Солиқ тўловчиларнинг транзакцион (худуддан иккинчи худудга учинчи худуд орқали маълумотлар ёки юк олиб ўтиш) харажатларни қисқартириш мақсадида камерал (ҳисобот даврида тўпланган материалларни кабинетда ёки лаборатория шароитида илмий ишлаш) текширув тизимини жорий этиш;

– Солиқ органлари ходимлари учун тест дастурларини ва шунингдек, ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш. “Солиқ ходимлари этикаси” ижтимоий тушунчасини жорий этиш.

- Солиқ бошқарувини ташкил этишнинг заиф томонларини аниқлашга имкон берувчи социологик сўровларни мунтазам равишда ўтказишни давлат солиқ хизмати органлари амалиётига киритиш.

Соддалаштирилган солиққа тортиш тизимларининг икки турини – савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи тушумидан солиғини, шунингдек микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналишларини таклиф этамиз:

1. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини бекор қилиш ва улар учун умумий ўрнатилган солиқлар тўловини жорий этиш, қатъи солиқ ва ягона ер солиғини тўловчилари бундан мустасно.

Ушбу тадбир ҚҚС бўйича «занжирнинг бузилиши» муаммосини бартараф этиш ва фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб-китоб юритиш имконини беради ва бошқалар. Бошқа томондан эса, ушбу

тадбир солиқ бошқарувини мураккаблаштиради. Бундан ташқари, ушбу солиқ тўловчилар профессионал бухгалтерлар гуруҳини шакллантиришга мажбур бўлишади, бу эса қўшимча харажатларни талаб этади.

2. Барча турдаги солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиблари ўрнига (катъи солиқ ва ягона ер солиқларидан ташқари) қуйидаги ставкаларни ўрнатган ҳолда ягона солиқ тўловини жорий этиш:

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун – ялпи тушумдан 6%, ҚҚС тўлашни танлаш ҳуқуқи билан;

иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги корхоналар учун - ялпи тушумдан 11%, ҚҚС тўлашни танлаш ҳуқуқи билан;

3. ҚҚСни тўлашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз, чунки бунда маҳсулотларни сотишда каскад самараси (эффекти) юзага келишидан қутилиб бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Адолат, 1999. 39б.
2. 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган 223-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни
3. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги қонуни, 2006 йил 21 сентябр. //Халқ сўзи, - 2006 йил, 21 сентябр.
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Ўзбекистон Республикасининг 25.12.2007 й. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 01.01.2008 й.дан эътиборан амалга киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора — тадбирлари тўғрисида» ги қарори 2005 йил 15 апрель, «Халқ сўзи» газетаси №27.
6. Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по стимулированию создания и деятельности предприятий с иностранными инвестициями». 31 мая 1996 года.
7. Указ Президента Республики Узбекистан «О координации биржевой деятельности в Республике Узбекистан» 27 декабря 1991 года.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори. 2008 йил 24 июль, ПҚ-927.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4057.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал

сектори корхоналарини кўллаб-қуватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги фармони. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. 2009 йил 28 июл, ПҚ-1166.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2010 йил 6 апрел, ПҚ-1317.

13. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 24 марта 2000 года № 103 «О дополнительных мерах по развитию внебиржевого валютного рынка».

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 4 февралдаги 63-сонли қарори. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 178–179.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи савдо операцияларини амалга оширишда хорижий валютадаги маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1996 йил 13 мартдаги 95-сонли қарори. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солишга оид қонунчилик ҳужжатлари – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 42 - 44.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йил 30 июндаги 250-сонли қарори. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солишга оид қонунчилик ҳужжатлари – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 77-80.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2001 йил 22 июндаги 263-сонли қарори. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солишга оид қонунчилик ҳужжатлари – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 92-96.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли қарори. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солишга оид қонунчилик ҳужжатлари – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 99-119.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сонли қарори. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солишга оид қонунчилик ҳужжатлари – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 120-122.
20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 25 февралдаги 86-сонли қарори. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солишга оид қонунчилик ҳужжатлари – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 144-145.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

21. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 йил. 269 бет.
22. Каримов И.А. «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». Тошкент, «Ўзбекистон», 2005. 528 бет.
23. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

24. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: «Ўзбекистон», 2010.
25. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: «Ўзбекистон», 2005.
26. Каримов И.А. «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил.
27. Каримов.И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари». Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил.
28. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». Тошкент. «Ўзбекистон». 1999 й. 46 бет.
29. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.// Президент И.А.Каримовнинг 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи - 2011 йил 22 январь.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

30. Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. Тошкент: 1996-йил.
31. А.Воҳобов, З.Срожиддинова, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети. Ўқув қўлланба Тошкент 2002йил
32. Налоги и налогообложение. Уч. под редакцией проф. М.В.Романовского и проф. О.В.Врублевской. Санкт-Петербург: ПИТЕР, 2003 год.
33. Ваҳобов А.В., Қосимова Г.А., Жамолов Х.Н. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги, Тошкент «IQTISOD-MOLIYA» 2005
34. Б.Тошмурадова, Солиқ муносабатларини оптималлаштириш: Ўқув қўлланма. -Тошкент: ТМИ, 2005 йил.

35. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш. “Шарқ” Нашриёт-Матбаа Аксиядорлик Компанияси Бош таҳририяти. Тошкент-2009йил.
36. Т.С.Маликов, П.Т.Жалилов. Бюджет-солиқ сиёсати, - Т.: “Академнашр” 2011й.
37. Т.С.Маликов, Солиққа тортишнинг долзарб масалалари. Тошкент: 2000-йил.
38. Т.С.Маликов, Н.Ҳ.Ҳайдаров. Молия: умумдавлат молияси. Тошкент “Иқтисод-Молия” 2009 йил.
39. Яҳёев Қ. Солиқ. Т.:”Меҳнат”, 1997-йил.
40. Эшонов М.А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. Андижон 2009й.
41. Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. Дарслик/Т., “Иқтисод-Молия”, 2005 йил. 588 бет.
42. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учебное пособие /6-е Переработка и дополнение - М.: Изд. Дом. Маркетинг 2001 год.224с.
43. Антонов В.А. Мировая валютная система и международные расчёты. -М.: ТЕИС 2000 год. 162 с.
44. Банковские операции I, II, III часть, под. ред . Лаврушина О.И. 2-изд. - М.: Инфра-М, 2002.512с.
45. Балабанов И.Т. Валютный рынок и валютные операции в России – 3-изд.М. : Финансы и статистика, 2005. - 345 стр.
46. Баринов Э.А. Рынки: валютных и ценных бумаг. – М.: Экзамен, 2001. – 608 с.
47. Бобакулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. – Т.: Fan va texnologiya, 2007. – 184 б
48. Бункина М.Х. Валютный рынок - М. : АО «ДИС», 2002 - 112с.
49. Валовая Т.Д. Валютный рынок и его колебание - М. :АО «Финстатинформ», 2001 г.

50. Ваҳобов А. В., Жумаев Н., Бурхонов У. «Халқаро молия муносабатлари». Т.: «Шарқ», 2003.
51. Жумаев Н.Х., Бурханов У.А. «Молиянинг долзарб муаммолари», Тошкент, «Янги аср авлоди», 2003 й. 382 бет.
52. Жумаев Н. Х., Максумов Э.М. Халқаро молия муносабатлари: валюта операцияларини бошқариш механизми. Ўқув қўлланма. Тошкент, “Иқтисод-Молия” 2006. 128-бет.
53. Жумаев Н.Х., Кудайбергенов Ж.Ш. Международные финансовые отношения/ Валютный курс и пути их регулирования. Учебное пособие, Ташкент, «Иқтисод-Молия», 2006, 132с.
54. Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. - М.; Финансы и статистика. 2001.
55. Лаврушин О.И. Деньги, кредит и банки. Учебник. М-2002г.
56. Моисеев С.Р. Международный валютные и кредитные отношения: М.: Дело и сервис, 2003.-576с.
57. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения./Под ред. Л.Н. Красавиной. - М, 2002г.
58. Наговицин А.Г. Валютная политика. - М.: Экзамен, 2000.
59. Носкова К.Я. Финансовые и валютные операции. - М.: Банки и биржи, 2-изд. 2005. 186с.
60. Расулов Т.С. Валютные операции: теория и практика. - Т.: Молия, 2001.
61. Симонов Ю.Ф., Носко Б.П., Валютные отношения. Учебник. 2-изд. Ростов-на-Дону: Еникс, 2007. 286с.
62. Тожиев Р.Р., Жумаев Н.Х. Марказий банкнинг монетар сиёсати. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ. 2002.
63. Шмырева А.И., Колесников В.И., Климов А.Ю. Международные валютно-кредитные отношения. Учеб. Пособие для вузов.СПб: «Питер», 2001. 356с.
64. Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида ташқи

иқтисодий фаолият асослари: - Дарслик/ Маъсул муҳаррир: Ҳ. Бобоев.-
Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт жамғармаси», 2001.-328б.

Чет эл адабиётлари

65. Financial Institutions and Markets. Murray E.Polakoff, Thomas A. Durkin and others. Boston, USA, 2006. 754 pages.
66. Financial Management and Analysis/ International Edition. Pamela P.Peterson. Florida State University.McGraw-Hill, Inc. 2007. - 931 pages.
67. Frederick S. Miskin. The Economics of Money, Banking and Financial markets. 2nd Edition, USA 2000.
68. Michel Melvin, International Money and Finance. USA: Addison-Walsey Educational Pablshers Inc. 1997
69. Nodir H. Jumaev «Currency regulation under the conditions of liberalization of the economy of the Republic of Uzbekistan» Farnborough college of technology. Farnborough 2001.

Илмий журналлардаги мақолалар:

70. Атаниязов Ж.Х. Валюта курсининг мамлакат экспортига таъсири.// “Иқтисодиёт ва таълим” журнали, 2007 йил. №2.
71. Атаниязов Ж.Х. Тўлов балансининг ҳолати ва миллий валюта мавқеи.// “Илм-фан ва замонавий тафаккур ижтимоий-иқтисодий тараққиёт гаровидир” мавзусидаги талабалар, ёш олимлар ва тадқиқотчиларнинг Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: 2007 йил. 629 бет.
72. Бердиназаров З. Валюта муносабатларини эркинлаштириш масалалари.// Бозор, пул ва кредит, 2006. 9-сон.
73. Жумаев Н.Х. Глобализация жараёнининг миллий валюта сиёсатига таъсири // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2006. – №10. – Б. 38-41.
74. Жумаев Н.Х. Валюта курсини танлаш сиёсатининг халқаро валюта муносабатларига таъсири // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2006. – №12. – Б. 3-6.

75. Жумаев Н.Х. Теоретические основы систем обменных курсов и их современные тенденции // Экономика и финансы. – Москва, 2007. –№3. – С.5-10.
76. Жумаев Н.Х. Актуальные вопросы совершенствования системы валютного регулирования в Республике Узбекистан// Экономика и финансы. Москва, 2007. –№8. – С.32-34.
77. Муллажанов Ф.М. Банк тизими: Асосий вазифа – ислохотларни чуқурлаштириш.// Бозор, пул ва кредит, 2005. 1- сон.
78. Хошимов Э.А. Валюта бозори ривожланишининг замонавий тенденциялари // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2008. - №1. – Б. 127-133.
79. Красавина Л.Н. Валютные проблемы инновационного развития экономики России //Деньги и кредит. - Москва, 2009. - №6. – С. 60-72.

Интернет тармоғи бўйича фойдаланилган веб-сайтлар:

1. <http://www.gov.uz>
2. <http://www.press-service.uz>
3. <http://www.cbu.uz>
4. <http://www.nbu.uz>
5. <http://www.stat.uz>
6. <http://www.imf.uz>

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998 йил.
 2. И. Каримов. Мирная жизнь и безопасность страны зависят от единства и твердой воли нашего народа. Т.: Узбекистан, 2004.
 3. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. “Халқ сўзи” газетаси, 13 феврал 2007 йил.
- Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.- Т.: «Ўзбекистон», 2011.

